

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг АХБОРОТНОМАСИ

№2/2022(161) 1995 йилдан чиқа бошлаган

БЮЛЛЕТЕНЬ Верховного суда Республики Узбекистан

БОШ МУХАРРИР:

Шодикул ҲАМРОЕВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ

Робахон МАХМУДОВА

Халилилло ТУРАХУЖАЕВ

Икрам МУСЛИМОВ

Бахтиёр ИСАКОВ

Холмўмин ЁДГОРОВ

Зарифжон МИРЗАКУЛОВ

Замира ЭСОНОВА

Бобомурод РАЙИМОВ

Журнал 2007 йил
19 апрелда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
0249-рақам билан
рўйхатдан ўтган.

Республика Олий
аттестация комиссияси
Раёсатининг 2004 йил
17 декабрдаги 110/4-сонли
қарорига асосан ҳуқуқий,
илмий-амалий журнал
ваколоти берилган.

Босишга 12.05.2022 йилда
топширилди. Бичими: А4.

«ВАҲОЗ» МЧЖ матбаа
корхонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри,
Лутфкор 1-тор кўчаси, 1-уй.
Адади: 5340 нусха.
Буюртма № 135.

МУНДАРИЖА

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори
*Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари
бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг биринчи
чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд
амалиёти обзори тўғрисида*
5. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари
бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг биринчи
чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд
амалиёти обзори
17. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори
*Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари
бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг биринчи
чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд
амалиёти обзори тўғрисида*
19. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари
бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг биринчи
чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд
амалиёти обзори
31. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори
*Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлар
бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг биринчи
чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд
амалиёти обзори тўғрисида*
33. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлар
бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг биринчи
чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд
амалиёти обзори
40. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг қарори
*Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар
бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг биринчи
чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд
амалиёти обзори тўғрисида*
43. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар
бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг биринчи
чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд
амалиёти обзори
54. Судьялар олий малака ҳайъатининг судьяларга малака
даражалари бериш тўғрисидаги қарори



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ
Қ А Р О Р И

2022 йил 28 апрель

№ РС-30-22

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг биринчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги "Суд-ҳуқуқ тизими-ни янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чоратадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2018 йил 27 июлдаги "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида"ги РС-44-18-сонли қарори 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг биринчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг 2022 йилнинг биринчи ярмига мўлжалланган иш режаси, дастурлар ва йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар шуни

кўрсатмоқдаки, Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига 2022 йилнинг биринчи чораги давомида жами 5 107 (3 899) та (апелляция, кассация ва такроран кассация тартибида) шикоят (ариза, мурожаат ва протестлар) келиб тушган.

Шикоят (ариза)ларнинг 3 783 (1 747) таси ёки 74,1 (44,8) фоизи ўрганиб чиқилган, шундан 1 070 (1 312) таси ёки 54,7 (75,1) фоизи судлов ҳайъатига ўтказилган, 1 357 (372) таси ёки 35,9 (21,3) фоизини судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилган, 356 (63) таси ёки 9,4 (3,6) фоизи қайтарилган, 1.354 (2 152) таси ёки 25,9 (55,2) фоизи ҳисобот охирига қолдиқ бўлиб қолган.

Судлов ҳайъати судьялари томонидан биринчи, апелляция, кассация ва такроран кассация инстанцияси судида 1 687 (838) та жиноят иши, шундан 102 таси апелляция инстанциясида, 1 542 таси кассация инстанциясида кўрилган бўлса, 43 таси такроран кассация инстанцияси судида кўриб тамомланган.

Мазкур кўрсаткичлар судлар фаолиятида "Бир суд — бир инстанция" тамойили асосида иш юритиш тартиби жорий этилгандан сўнг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан жиноят ишларини мазмунан кўриб чиқилиши ортганлиги (ўтган йилдан 2 бараварга), шу жумладан, шикоят (ариза, мурожаат ҳамда протест)ларнинг жиноят иши ҳужжатлари асосида синчковлик билан, тўлиқ ва ҳар томонлама ўрганиб чиқиш кўрсаткичлари кескин кўпайганлигини кўрсатмоқда.

Ҳисобот даврида жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида кассация тартибида 1 644 нафар шахсга нисбатан 1 542 та жиноят иши кўрилган бўлиб, шундан 1 370 нафар шахсга нисбатан 1 282 таси ёки 83,1 фоизи туман, шаҳар судлари томонидан мазмунан кўриб чиқилган ишлар бўлса, 274 нафар шахсга нисбатан 260 таси ёки 16,9 фоизи вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар томонидан кўрилган ишлар ҳисобланади.

Кассация тартибида кў-

рилган ишларнинг 1 155 нафар (70,3 фоиз) шахсга нисбатани ўзгаришсиз қолдирилган, 12 нафар (0,7 фоиз) шахсга нисбатани бекор қилинган, 257 нафар (15,6 фоиз) шахсга нисбатани юқори инстанция судининг қарори бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилган, 120 нафар (7,3 фоиз) шахсга нисбатан суд қарорлари ўзгартирилган, 4 нафар (0,2 фоиз) шахсга нисбатан қонунга мувофиқлаштирилиб, ўзгартирилган, 4 нафар (0,2 фоиз) шахсга нисбатан қонунга мувофиқлаштирилиб, бекор қилинган, 1 нафар (0,1 фоиз) шахсга нисбатан моддий зарар қоплангани сабабли ўзгартирилган бўлса, 91 нафар шахсга нисбатан бўйича (5,5 фоиз) бошқа қарорлар қабул қилинган.

Судлов ҳайъатига ишни такроран кассация тартибидан кўриб чиқилиши юзасидан 43 та, шу жумладан, Олий суд томонидан 36 та, Бош прокуратура томонидан 7 та протест киритилган.

Мазкур протестлар асосида жами 50 нафар шахсга нисбатан 43 та жиноят иши такроран кассация тартибидан кўриб чиқилган бўлиб, 26 нафар шахсга нисбатан 24 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган, 22 нафар шахсга нисбатан 17 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган, 1 нафар шахсга нисбатан 1 та иш бўйича суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган, 1 нафар шахсга нисбатан 1 та иш бўйича суд қарорлари қонунга мувофиқлаштирилиб ўзгартирилган.

Ишларнинг биринчи ва

апелляция инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 22-моддасида белгиланган иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текшириб чиқилиши;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 463-моддасининг биринчи қисмида белгиланган айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбдор эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча камқўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарамақаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги ҳақидаги қонун талабларига;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 509⁸-моддасининг учинчи қисмидаги кассация инстанцияси судининг кўрсатмалари жиноят ишини апелляция тартибидан янгидан кўраётган суд учун мажбурийлиги ҳақидаги қонун талабларига;

шунингдек, Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги 07-сонли қарори 2-бандидаги одил судловни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эр-

кинликларини муҳофаза қилиш, тарафларнинг ўзаро тортишуви, далилларнинг бевосита ва оғзаки усулда текширилиши асосида олиб борилиши ва иш бўйича ҳақиқий ҳолатни аниқлаш тўғрисидаги жиноят процессининг муҳим принципларига амал қилишлари лозимлиги, ушбу принциплардан ҳар қандай асосларга кўра чекланиш ҳукми қонуний эмас, деб топишга асос бўлиши, 7-бандидаги Жиноят-процессуал кодексининг 462-моддасига мувофиқ, суд айблов ёки оқлов ҳукми чиқариши мумкинлиги, Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасида назарда тутилган айбсизлик презумпцияси принципи ҳукм турини аниқловчи мезон сифатида эътироф этилганлиги, 16-бандидаги Жиноят-процессуал кодексининг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, 21-бандидаги (Жиноят-процессуал кодексининг 467-моддаси) айблов ҳукмининг тавсиф қисмида, судланувчининг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиши, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиши кераклиги, 24-бандидаги суд судланувчини баҳоловчи категорияларга тегишли белгиларга қараб айбдор деб топишда, ушбу белгининг жиноий қилмишда мавжудлигини тасдиқловчи ҳолатларни келтириши шартлиги ҳақидаги тушунтириш-

ларга риюя қилмасдан, та- рафларнинг судда келти- рилган важларини тўлиқ текширилмаганлиги, жазо тайинлашда Жиноят кодек- сининг умумий қисми та- лабларини бузганлиги ҳам- да жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик дара- жаси, айбдорнинг шахси, шунингдек, жазони енгил- лаштирувчи ва оғирлашти- рувчи ҳолатларга эътибор қаратилмаганлиги, жиноят- ни малакашда нотўғри ҳу- лосага келинганлиги касса- ция инстанцияси суди то- монидан суд қарорлари ўз- гартирилиши ва бекор қили- нишига сабаб бўлган.

Кассация инстанцияси су-

1. Ўзбекистон Республика- си Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъа- ти томонидан 2022 йилнинг биринчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзо- ри иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Ўзбекистон Республи- каси Олий суди Ахборотно- маси" ҳамда "Куч-адолатда" газетаси бирлашган таҳри- рияти (Ш.Ҳамроев), "Одил судлов" — "Правосудие" жур- нали таҳририяти (К.Убайдил- лоев), Олий суднинг Жамо- атчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси (А.Абидов), Ах- борот-коммуникация техно- логияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъ- минлаш бошқармаси (Б.Очи- лов) суд амалиёти обзори "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси", "Одил судлов" — "Правосу- дие" журнали ҳамда Олий суднинг веб-сайтида эълон

дида қўйи инстанция судла- ри қарорларини қайта кўриш ва уларнинг қонунийлигини текшириш жараёнида бирон- бир суднинг ишларни кўриш ва суд қарорларини тайёр- лаш билан боғлиқ ижобий баҳоланадиган ва бундай ижобий тажрибани омма- лаштирадиган фаолияти аниқланмади.

Судьялар одил судловни амалга оширишда ишлар- нинг ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилиши, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормала- ри тўғри қўлланилиши, фу- қаролар ва юридик шахслар- нинг бузилган ёки низола- шилаётган ҳуқуқлари, эркин- ликлари ва қонун билан

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республика- си Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати (Н.Мирзаалимов) ҳамда вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар ра- ислари зиммасига:

ушбу суд амалиёти обзо- рини ва аввалги йилларда- ги суд амалиёти обзорла- рини китобча шаклида чоп этиб, вилоятлар, туман, ша- ҳар судлари ва ҳарбий суд- ларнинг ҳар бир судьясига реестр орқали етказилиши- ни ҳамда суд амалиёти об- зорини ўрганиш ва амали- ётда фойдаланиш самара- дорлигини ошириш юзаси- дан амалий чоралар кўрили- шини таъминлаш;

суд амалиёти обзорини барча судьялар иштирокида ўрганиш мақсадида **2022 йил май ойида** видеоконфе- ренцалоқа режимида интер-

кўриқланадиган манфаатла- ри ҳимоя қилиниши, қонун устуворлиги, қонунийликни мустақамлаш ва жиноят- ларнинг олди олиниши, айб учун жазонинг муқаррарли- ги, қонунга ва судга нисба- тан ҳурмат муносабати шаклланишини таъминлаши лозим.

Олий суднинг Жиноят иш- лари бўйича судлов ҳайъа- ти томонидан 2022 йилнинг биринчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзо- рини муҳокама қилиб, "Суд- лар тўғрисида"ги Ўзбекис- тон Республикаси Қонуни- нинг 28-моддасига мувофиқ, Олий суд Раёсати

фаол семинар машғулоти- ни ўтказиш;

бажарилган ишлар ҳақи- даги батафсил ахборотни Олий суднинг Пленуми ва Раёсати котибиятига элект- рон шаклда **2022 йил 1 июн- га қадар** тақдим этиш юк- лансин.

4. Ушбу қарор вилоятлар ва уларга тенглаштирилган суд- ларга, жиноят ишлари бўйи- ча туман, шаҳар судлари ва ҳарбий судларга амалиётда фойдаланиш ва ишларни кўришда йўл қўйилаётган камчиликларга чек қўйиш чораларини кўриш учун юбо- рилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижро- сини назорат қилиш Ўзбекис- тон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари — жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг раиси И.Муслимов зиммасига юк- лансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси**

К. КАМИЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг биринчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти О Б З О Р И

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2018 йил 27 июлдаги "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида"ги РС-44-18-сонли қарори 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг биринчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Олий суд Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг 2022 йилнинг биринчи ярмига мўлжалланган иш режаси, дастурлар ва йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига 2022 йилнинг биринчи чорагида жами 5 107 (3 899) та (апелляция, кассация ва такроран кассация тартибида) шикоят (ариза, мурожаат ва протестлар) келиб тушган бўлиб, 3 783 (1 747) таси ёки 74,1 (44,8) фоизи ўрганиб чиқилган, шундан 1 070 (1 312) таси ёки 54,7 (75,1) фоизи судлов ҳайъатига ўтказилган, 1 357 (372) таси ёки 35,9 (21,3) фоизини судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилган, 356 (63) таси ёки 9,4 (3,6) фоизи қайтарилган, 1.354 (2 152) таси ёки 25,9 (55,2) фоизи ҳисобот охирига қолдиқ бўлиб қолган.

Ҳисобот даврида Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида кассация тартибида 1 644 нафар шахсга нисбатан 1 542 та жиноят иши кўрилган бўлиб, шундан 1 370 нафар шахсга нисбатан 1 282 таси ёки 83,1 фоизи ту-

ман, шаҳар судлари томонидан мазмунан кўриб чиқилган ишлар бўлса, 274 нафар шахсга нисбатан 260 таси ёки 16,9 фоизи вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар томонидан кўрилган ишлар ҳисобланади.

Кассация тартибида кўрилган ишларнинг 1 155 нафар (70,3 фоиз) шахсга нисбатан ўзгаришсиз қолдирилган, 12 нафар (0,7 фоиз) шахсга нисбатан бекор қилинган, 257 нафар (15,6 фоиз) шахсга нисбатани бўйича юқори инстанция судининг қарори бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилган, 120 нафар (7,3 фоиз) шахсга нисбатан бўйича суд қарорлари ўзгартирилган, 4 нафар (0,2 фоиз) шахсга нисбатан қонунга мувофиқлаштирилиб, ўзгартирилган, 4 нафар (0,2 фоиз) шахсга нисбатани қонунга мувофиқлаштирилиб, бекор қилинган, 1 нафар (0,1 фоиз) шахсга нисбатан моддий зарар қоплангани сабабли ўзгартирилган бўлса, 91 нафар шахсга нисбатан юзасидан (5,5 фоиз) бошқа қарорлар қабул қилинган.

Ишларни биринчи ва апелляция инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг (бундай буён матнда ЖПКнинг деб юритилади) 22-моддасида белгиланган иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириб чиқилиши;

ЖПКнинг 463-моддаси биринчи қисмида белгиланган айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишдаги айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум

бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги ҳақидаги қонун талабларига;

ЖПКнинг 509⁸-моддаси учинчи қисмида белгиланган кассация инстанцияси судининг кўрсатмалари жиноят ишини апелляция тартибида янгидан кўраётган суд учун мажбурийлиги ҳақидаги қонун талабларига;

шунингдек, Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги 07-сонли қарори 2-бандидаги одил судловни фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, тарафларнинг ўзаро тортишуви, далилларнинг бевосита ва оғзаки усулда текширилиши асосида олиб борилиши ва иш бўйича ҳақиқий ҳолатни аниқлаш тўғрисидаги жиноят процессининг муҳим принципларига амал қилишлари лозимлиги, ушбу принциплардан ҳар қандай асосларга кўра чекланиш, ҳукми қонуний эмас деб топишга асос бўлиши, 7-бандидаги Жиноят-процессуал кодексининг 462-моддасига мувофиқ, суд айблов ёки оқлов ҳукми чиқариши мумкинлиги, Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасида назарда тутилган айбсизлик презумпцияси принципи ҳукм турини аниқловчи мезон сифатида эътироф этилганлиги, 16-бандидаги Жиноят-процес-

суал кодексининг 463-моддасига кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, 21-бандидаги (Жиноят-процессуал кодексининг 467-моддаси) айблов ҳукмининг тавсиф қисмида, судланувчининг эълон қилинган айбловга муносабати ёритилиши, ўзини ҳимоя қилиш учун келтирган важларига баҳо берилиши кераклиги, 24-бандидаги суд судланувчини баҳоловчи категорияларга тегишли белгиларга қараб айбдор деб топишда, ушбу белгининг жиноий қилмишда мавжудлигини тасдиқловчи ҳолатларни келтириши шартлиги ҳақидаги тушунтиришларга риоя қилмасдан, тарафларнинг судда келтирилган важларини тўлиқ текширилмаганлиги, жазо тайинлашда Жиноят кодексининг (бундан буён матнда ЖКнинг деб юритилади) умумий қисми талабларини бузганлиги ҳамда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга эътибор қаратилмаганлиги, жиноятни малакашда нотўғри ҳулосага келинганлиги кассация инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилиши ва бекор қилинишига сабаб бўлган.

I. Суд қарорларининг бекор қилиниши

1. Ҳукмда баён қилинган суд ҳулосаларининг ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мувофиқ келмаслиги процессуал қонун нормаларининг жиддий бузилиши сифатида эътироф этилиб, суд қарорининг бекор қилинишига асос бўлади.

Жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар судининг 2021 йил 4 августдаги ҳукмига кўра, Р.И. ЖКнинг 166-моддаси учинчи қисми "а" бандида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбдор деб топилиб, унга 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 21

сентябрдаги ажрими билан суднинг ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Р.И. хавфли рецидивист бўлгани ҳолда, спиртли ичимлик таъсирида бўлиб 2021 йил 8 июнь куни соат 23:30ларда Қўқон шаҳри, "Собитқадам" кўчасида Д.А.нинг 1 800 000 сўмлик "Artel Quadro" русумли телефон апаратини очикдан-очик талон-торож қилиб, ҳодиса жойидан қочиб яширинган.

ЖПКнинг 22-моддасида иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва

ҳисобга олиниши лозимлиги белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги 07-сонли қарори 2-бандида судлар ҳукм чиқаришда иш бўйича ҳақиқий ҳолатни аниқлаш тўғрисидаги жиноят процессининг муҳим принципларига амал қилишга мажбурликлари, ушбу принциплардан ҳар қандай асосларга кўра, чекланиш ҳукми қонуний эмас, деб топишга асос бўлиши, 4-бандида иш бўйича ҳукм иш материалларида маълум бўлиб қолган барча камчиликлар тўлдирилгандан кейингина чиқарилиши, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текшириб чиқилиши, 5-бандида иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлиги, ҳукм фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Бироқ суд томонидан оқорида қайд этилган қонун

ва Пленум қарори талабларига риоя этилмаган.

Хусусан, судланган Р.И. жабрланган Д.А.нинг телефон апаратини очикдан очик талон-торож қилмагани, балки телефонни жабрланувчининг ўзи берганини таъкидлаб келган.

Жабрланувчи Д.А., гувоҳ К.К. ва В.С.лар иш бўйича турли хилдаги кўрсатмалар беришган, уларнинг терговда берган кўрсатмалари суд мажлиси жараёнидаги кўрсатмаларига зид ҳисобланади.

Суд томонидан ишда мавжуд бир-бирига зид далилларнинг қайси сабабларга кўра, баъзиларини ишонarli деб топиш, бошқаларини рад этиш чоралари кўрилмаган.

Бундан ташқари жабрланувчи ва гувоҳлар ЖКнинг 238-моддаси билан огоҳлантирилган бўлса-да, суд уларнинг бир-бирига қарма-қарши ёки бир-биридан жиддий фарқ қилувчи кўрсатмаларининг қайси бири ишончга сазоворлигини муҳокама қилиб, тегишли муносабат билдирмаган.

Жиноят ишида Фарғона вилояти 2-сонли руҳий касалликлар шифохонасидан жабрланувчи Д.А. ақли заифликнинг енгил даражаси (чуқур думбуллик), туғилиш

жараёнида димиқиб қолиш, ҳис-туйғулар бузилиши ташхиси билан "Д." ҳисобида туриши, 2-гуруҳ ногирони эканлиги, охириги марта 2021 йил 11 июнь куни даволаниб чиққанлиги тўғрисида 01-08/218-сонли маълумотнома мавжуд. Аммо жабрланувчи Д.А. дастлабки тергов ва судда тўғри кўрсатма бера олиши ёки олмаслиги тўғрисида мутахассис ёки эксперт ҳулосаси олинмаган.

Апелляция инстанцияси суди ҳам бу ҳолатларни бартараф этиш чорасини кўрмагани боис суд қарорларини қонуний ва асосли деб бўлмади.

Шу сабабли Олий суд кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 2022 йил 11 январдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг Р.И.га нисбатан чиқарилган ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция тартибида кўриш учун юборилган.

Мазкур иш 2022 йил 25 февралда Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида апелляция тартибида кўрилиб, кассация инстанцияси судининг ажримида қайд этилган масалалар текшириб чиқилиб, якуний қарор қабул қилинган.

2. Жазо тайинлашнинг умумий қоидаларига риоя қилинмаганлиги суд қарорининг ўзгартирилишига асос бўлади.

Жиноят ишлари бўйича Китоб туман судининг 2020 йил 11 декабрдаги ҳукмига кўра, Э.И.га ЖКнинг 109-моддаси иккинчи қисми билан 1 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, ЖКнинг 60-моддасига асосан илгари ҳукм билан ўталмас-

дан қолган жазо қисман кўшилиб, 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 4 ноябрдаги ажрими билан суднинг

ҳукми ўзгартиришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Э.И. 2020 йил 17 июль куни соат 11:30ларда фермер хўжалиги ерида экинларни суғораётган Ш.М.ни унинг ерларига сув тоширгани баҳонасида ҳақоратлаб, ўнг

жағига урган.

Натижада Ш.М. йиқилиб тушган ва соғлигининг қисқа муддатга ёмонлашувига олиб келган енгил тан жароҳати олган.

Судлар томонидан Э.И.-нинг жиноий ҳаракатлари ЖКнинг 109-моддаси иккинчи қисми билан тўғри квалификация қилинган бўлсада, жазо тайинлашда хатоликка йўл қўйилган.

Хусусан, ЖКнинг 60-моддасида, агар маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўлиқ ёки қисман қўшиши назарда тутилган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги 1-сонли қарори 55-бандида судлар ҳукмлар мажмуи бўйича белгиланган жазо янги жиноят учун белгиланган жазо муддатидан ҳам, илгариги ҳукм бўйича белгиланган жазонинг ўталмаган қисмидан ҳам кўп-

роқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Э.И.нинг шахсига оид ҳужжатга кўра, муқаддам жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз туман судининг 2015 йил 18 декабрдаги ҳукмига асосан ЖКнинг 166-моддаси иккинчи қисми "а", "в" бандлари, 165-моддаси иккинчи қисми "в" банди билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида 5 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Муборак туман судининг 2017 йил 19 майдаги ажримига кўра, ЖКнинг 74-моддаси учинчи қисми "б" бандига асосан ўталмай қолган 3 йил 7 ой 8 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган.

Жиноят ишлари бўйича Китоб туман судининг 2018 йил 18 майдаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддаси учинчи қисми "б" бандига асосан ўталмай қолган 2 йил 8 ой 2 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган.

Э.И. жиноятни шартли ра-

вишда озод қилинган муддат тугамасдан содир этган. Суд бу ҳолатни инобатга олмай ЖКнинг 60-моддасига асосан узил-кесил икки йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаб, хатоликка йўл қўйилган.

Апелляция инстанцияси суди ҳам бу ҳолатларни бар-тараф этиш чорасини кўрмагани сабабли суд қарорларини қонуний ва асосли деб бўлмади.

Шу боис Олий суд кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 2022 йил 24 февралдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг Э.И.га нисбатан чиқарилган ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция тартибида кўриш учун юборилган.

Мазкур иш 2022 йил 25 мартда Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида апелляция тартибида кўрилиб, суднинг ҳукми бекор қилинган ҳамда Э.И.га ЖКнинг 60-моддаси тартибида узил-кесил 2 йил 9 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

3. Суд хулосаларининг суд мажлисида кўрилган далиллар билан тасдиқланмагани процессуал қонун нормаларининг жиддий бузилиши сифатида эътироф этилиб, суд қарорининг бекор қилинишига асос бўлади.

Жиноят ишлари бўйича Янгийўл шаҳар судининг 2021 йил 15 июндаги ҳукмига кўра, А.А. ЖКнинг 241-моддаси биринчи қисмига асосан уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 13 октябрдаги ҳукми билан суд

ҳукмининг А.А. оид қисми бекор қилиниб, у ЖКнинг 164-моддаси учинчи қисми "в" бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Суднинг ҳукмига кўра, А.А. 2018 йил куз ойларида ўзининг автомашинасида

таниши О.Ч.ни уйига олиб кетаётган вақтида, О.Ч. Янгийўл шаҳри, "Мустақиллик" маҳалласи, Кўкаламзор кўчасида жойлашган ҳашаматли уйнинг кимга тегишли экани ва уйда кимлар яшашини сўраб-суриштирган. Шунда А.А. уйда Б.Р. яшаши, унинг турмуш ўртоғи вафот этгани, қизларини турмушга узатганини билдирган.

2021 йил январь ойи охирида О.Ч. А.А.га телефон қилиб, учрашиш кераклигини айтиб, уни Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 18-даҳа, Ал-Хоразмий кўчасида жойлашган "Қоракўл" қаҳвахонасига таклиф қилган. А.А. етиб келгач, О.Ч. ундан яна Б.Р.нинг ҳашаматли уйини, уйда яна кимлар истиқомат қилишини суриштирган ва Б.Р.нинг уйига ўғирликка киришини айтган.

А.А. О.Ч. томонидан тайёргарлик кўрилатгани ва содир этилган ўта оғир жиноятни аниқ билган ҳолда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар бермаган.

Натижада 2021 йил 8 февралга ўтар кечаси О.Ч.нинг маълумоти асосида унинг жиноий шериклари Ф.С., Р.Б. ва М.М. жабрланувчи Б.Р.нинг Янгийўл шаҳри, "Мустақиллик" маҳалласи, Кўкаламзор кўчаси, 10-уйига кириб, ўта оғир туркумдаги босқинчилик жиноятини содир этганликда айбланган.

Апелляция инстанцияси суди А.А.нинг ҳаракатларини О.Ч.нинг босқинчилик жиноятига кўмаклашган ёрдамчи сифатида баҳолаган.

ЖПКнинг 23-моддасида айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги назарда тутилган.

Олий суд Пленумининг 2014 йил 23 майдаги "Суд ҳукми тўғрисида"ги 07-сонли қарори 16-бандида ЖПКнинг 463-моддасига

кўра, айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбдор эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарамақаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги назарда тутилган.

Бироқ судлар қайд этилган қонун ва Пленум қарори талабларига риоя этмаган.

Хусусан, А.А. 2018 йил О.Ч.ни уйига элтиб қўйиш мақсадида Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, "Мустақиллик" маҳалласи, Кўкаламзор кўчасидан ўтиб кетаётган вақтда, қайнонасининг уйи қаршисида жойлашган ҳашаматли уйни кўриб, уй кимга тегишли экани ва уйда яшовчилар тўғрисида суриштиргани, 2021 йил февраль ойида мазкур босқинчилик жинояти содир этилишидан беш ёки олти кун олдин О.Ч. билан Чилонзор тумани, Ал-Хоразмий кўчасида жойлашган қаҳвахонада бирга тушлик қилишганида О.Ч. Б.Р.нинг уйига ўғирликка киришини айтганини билдирган.

О.Ч. ўзининг кўрсатмаларида А.А.га Б.Р.нинг уйига ўғирликка киришни режалаштираётганини маълум қилганини билдирган.

Апелляция инстанцияси

суди биринчи инстанция судининг ҳукмини бекор қилиб, янги айблов бўйича ҳукм чиқаришда А.А. О.Ч. билан айнан босқинчилик жиноятини содир этиш учун тил бириктиргани бўйича айбдор деб топган ҳолда айнан қандай далилларга кўра, улар ўзаро жиноий тил бириктирганини асослантирмасдан, бундай хулосага келишига асос бўладиган бирон-бир далилни кўрсатмаган.

Апелляция инстанцияси айнан қайси далилларга кўра, А.А. О.Ч. билан босқинчилик содир этиш юзасидан тил бириктириб ҳаракат қилгани исботлангани ҳақидаги ўз хулосасини бирон-бир тарзда баён этмаган.

Бундай ҳолатда А.А.га оид иш бўйича чиқарилган апелляция инстанцияси судининг ажримини қонуний ва асосли деб бўлмади.

Шу сабабли Олий суд кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 2022 йил 13 январдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг А.А.га нисбатан чиқарилган ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция тартибидан кўриш учун юборилган.

Мазкур иш 2022 йил 18 март куни Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясида кўрилиб, суд ҳукмининг А.А. оид қисми бекор қилинган. У ЖКнинг 25, 28, 169-моддаси иккинчи қисми "в", "г" бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилиб, 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси таъинланган.

4. Апелляция инстанцияси суди томонидан жиноят ишени кўриш натижалари юзасидан қабул қилинган қарорнинг қонун нормаларига мувофиқ эмаслиги суд қарорининг бекор қилинишига асос бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Шеробод туман судининг 2018 йил 12 декабрдаги ҳукмига кўра, Б.С.га ЖКнинг 168-моддаси биринчи қисмига асосан 2 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 140-моддаси биринчи қисмига мувофиқ 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖКнинг 59-моддаси тартибида узил-кесил 2 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 19 ноябрдаги ажрими билан суднинг ҳукми ўзгартирилиб, Б.С. ЖКнинг 168-моддаси биринчи қисми билан айбсиз деб топилиб, унинг қилмишида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли оқланган;

ЖКнинг 140-моддаси биринчи қисми билан ЖКнинг 64-моддаси биринчи қисми "а" бандига асосан жавобгарликдан озод қилиниб, ЖПКнинг 84-моддаси биринчи қисми 1-бандига мувофиқ жавобгарликка тортиш муддати ўтгани муносабати билан иш тугатилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Б.С. 2016 йил 7 март куни акаси А.С.нинг турмуш ўртоғи Ш.С. билан пулини ўн беш кун ичида беришни ваъда қилган ҳолда 16 бош қора молларини 36 000 000 сўмга сотиб олишга ўзаро келишган. Шундан сўнг 15 бош қора молни 33 500 000 сўмга сотиб, пул-

ларини ўзининг эҳтиёжига ишлатган. Бир бош қора молни сотмаган.

Бундан ташқари Б.С. муқаддам шахснинг шаъни ва қадр-қимматини қасддан таҳқирлагани учун жавобгарликка тортилган бўлса-да, 2017 йил 22 ноябрь куни соат тахминан 20:30ларда акаси Ш.С.нинг уйига бориб, Ш.С. ва унинг турмуш ўртоғи А.С.ни ҳақорат қилган.

ЖПКнинг 497²⁷-моддасида биринчи инстанция судининг айблов ҳукмини жиноят ишени тугатган ҳолда бекор қилиш асослари назарда тутилган бўлиб, иш бўйича ЖПКнинг 83-моддасида ҳамда 84-моддаси биринчи қисмида (жавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги муносабати билан) назарда тутилган асослар аниқланганда апелляция инстанцияси суди айблов ҳукмини бекор қилиб, жиноят ишени тугатиши қайд этилган.

Бироқ апелляция инстанцияси томонидан жиноят иши бўйича якуний қарор қабул қилишда процессуал қонунчилик талабига риоя қилинмаган.

Апелляция инстанцияси иш бўйича ажрим чиқаришда қонун талабига риоя этмасдан, Б.С.га нисбатан чиқарилган суд ҳукмини ЖПКнинг 83-моддаси ҳамда 84-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган асосларга биноан тугатишда суд ҳукмини бекор қилмасдан, ЖПКнинг 497²⁶-моддаси талабига зид қа-

рор қабул қилиб, хатоликка йўл қўйган. Хусусан, Б.С. биринчи инстанция судининг ҳукмига кўра, ЖКнинг 168-моддаси биринчи қисмига асосан айбдор деб топилиб, шу моддага асосан унга нисбатан 2 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Апелляция инстанцияси суди ҳукми ўзгартириб, Б.С.ни ЖКнинг 168-моддаси биринчи қисмига мувофиқ айбсиз деб топиб, уни оқлаш ҳақида хулосага келган бўлса-да, иш бўйича ҳукмининг Б.С.ни ЖКнинг 168-моддаси биринчи қисми билан айбдор деб топиш ва унга шу модда бўйича 2 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш қисмини бекор қилмаган.

Шунингдек, иш бўйича ЖКнинг 140-моддаси биринчи қисми юзасидан ЖПКнинг 84-моддаси биринчи қисми 1-бандига асосан жавобгарликка тортиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан тугатиш ҳақида қарор қабул қилиб, биринчи инстанция суди ҳукмининг ЖКнинг 140-моддаси биринчи қисми билан 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлаш ва ЖКнинг 59-моддаси иккинчи қисми тартибида жазо тайинлаш қисмларини бекор қилмаган.

Бундан ташқари апелляция инстанцияси суди Б.С. томонидан келтирилган ҳар бир вақти ўрганиб, улар билан келишмаслик асосларини тўлиқ ёритма-

ганидан ташқари қандай асосга кўра, кассация инстанциясида бекор қилиниб, янгидан кўриш учун юборилган жиноят иши юзасидан ЖКнинг 13-моддаси иккинчи қисми қўлланганини (иккинчи қисми қонунга киритилган ўзгартиришга тааллуқлилиги ҳолатида) асослантормасдан якуний қарор қабул қилган.

Бундай ҳолатда апелляция

инстанцияси судининг ажримини қонуний ва асосли деб бўлмади.

ЖПКнинг 509⁹-моддасига асосан кассация инстанцияси суди апелляция инстанцияси судининг ажримини бекор қилиб, ишни апелляция тартибида янгидан кўриб чиқиш учун юборишга ҳақли.

Олий суд кассация инстанцияси судлов ҳайъати-

нинг 2022 йил 27 январдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг Б.С.га нисбатан чиқарилган ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция тартибида кўриш учун юборилган.

Мазкур иш Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясида кўриб чиқилмоқда.

5. Ҳимоя ҳуқуқининг бузилиши жиноят-процессуал қонун нормаларининг жиддий бузилиши ҳисобланиб, суд қарорининг бекор қилинишига асос бўлади.

Жиноят ишлари бўйича Наманган туман судининг 2021 йил 15 апрелдаги ҳукмига кўра, М.Х. ЖКнинг 168-моддаси тўртинчи қисми "а" бандига асосан ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб, 2 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда, 8 йил озодликдан маҳрум қилиш, 59-моддаси саккизинчи қисми ва 61-моддаси тартибида эса, 2 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда, 8 йил озодликдан маҳрум қилиш, 59-моддаси саккизинчи қисми ва 61-моддаси тартибида эса, 2 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда, 25 055 500 сўм жарима ҳамда 8 йил 2 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди апелляция инстанциясининг 2021 йил 8 июндаги ажрими билан суднинг ҳукми ўзгартирилиб, М.Х.га ЖКнинг 168-моддаси тўртинчи қисми "а" бандига асосан ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб, 59-моддаси саккизинчи қисми ва 61-моддаси тарти-

бида тайинланган жазолардан 2 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо бекор қилинган, 25 055 500 сўм жарима ҳамда 8 йил 2 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўзгартиришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, М.Х. 2017 йил сентябрда Х.К.нинг Жанубий Корея Республикасида ишлаб келаётгани ва катта миқдордаги маблағи борлигидан хабар топган. Шундан сўнг у билан телефон мессенжери орқали боғланган ҳамда бизнес режа тузаётгани, тадбиркорлик билан шуғулланишини маълум қилиб, қарз сифатида 20 000 АҚШ доллари бериб туришини сўраган. Шундан сўнг жуда кўп миқдордаги 161.339.200 сўмга тенг бўлган 20 000 АҚШ долларини қўлга киритган.

Жиноят ишини апелляция инстанцияси судида кўриб чиқиш жараёнида процессуал қонун нормаларининг жиддий бузилишига йўл қўйилган.

Хусусан, ЖПКнинг 24-моддасида гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи судда ҳимояланиш ҳуқуқига эгаллиги, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг ҳуқуқларини тушунтириб бериши ҳамда унга ўзига қўйилган айбловдан ҳимояланиш учун қонунда назарда тутилган барча восита ва усуллардан фойдаланишда ҳақиқий имкониятга эга бўлишига қаратилган чора-тадбирлар кўриш мажбурияти билан таъминланиши зарурлиги белгиланган.

Олий суд Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги "Гумон қилинувчи ва айбланувчини ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлашга оид қонунларни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 17-сонли қарори 13-бандига қонунга мувофиқ иш бўйича ЖПКнинг 51-моддасида кўрсатилган ҳолатлар мавжуд бўлганда, унда ҳимоячининг иштироки шарт эканлиги белгиланган бўлиб, бу та-

лабга риоя этмаслик жиноят-процессуал қонуни нормаларини жиддий бузиш деб ҳисобланиши кўрсатилган.

Бироқ биринчи инстанция суди қонуннинг мазкур талабига риоя қилмасдан, М.Х.ни адвокат билан холи учраштирамаган, ҳимоячидан воз кечиш жараёни видеоёзув орқали қайд этилганлигини тасдиқловчи видеоёзув материалларини баённомага илова қилмаган.

Ваҳоланки, ЖПКнинг 52-моддасида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи иш юритишнинг исталган пайтида ҳимоячидан воз кечишга ҳақлилиги, бундай воз кечишга фақат гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг ташаббуси билан ва ҳимоячининг ишда иштирок этишига суриштирувчи. терговчи ёки суд томонидан адвокат таклиф этиш орқали таъминланадиган

реал имконият мавжуд бўлгандагина йўл қўйилиши, бунда адвокат ўз ҳимояси остидаги шахс билан холи учрашганидан кейин ҳимоядан воз кечилганини тасдиқлаши, ҳимоячидан воз кечиш жараёни видеоёзув орқали қайд этилиши шартлиги, ҳимоячидан воз кечганлик ҳақида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, шунингдек, адвокат, суриштирувчи ёки терговчи томонидан имзоланадиган баённома тузилиши ёхуд суд мажлиси баённомасига ёзиб қўйилиши, видеоёзув материаллари баённомага илова қилиниши белгиланган.

ЖПКнинг 497¹³-моддасида апелляция инстанцияси суди апелляция шикояти (протести) бўйича иш юритишни амалга ошириш чоғида жиноят-процессуал қонун нормаларига риоя этилган-этилмаганини текшириши кўрсатилган.

Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун талабларига риоя қилинганини текшириб чиқмасдан, ҳимоя ҳуқуқи бузилган ҳолда олинган далилларга асосланиб, М.Х.нинг айби ишботланганини кўрсатиб ўтиш билан чегараланиб, хатоликка йўл қўйган.

Бундай ҳолда апелляция инстанциясининг ажримини қонуний ва асосли деб бўлмайти.

Шу сабабли Олий суд кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 2022 йил 18 январдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг М.Х.га нисбатан чиқарилган ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан кўриш учун юборилган.

Мазкур иш 2022 йил 30 март куни Наманган вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатида кўриб чиқилган.

II. Суд қарорларининг ўзгартирилиши

1. Қасддан содир этиладиган жиноят бошланиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, охирига етказилмаган бўлса, жиноят содир этишга суиқасд деб баҳоланади.

Жиноят ишлари бўйича Бектемир туман судининг 2014 йил 3 октябрдаги ҳукмига кўра, Х.Т.га ЖКнинг 222-моддаси биринчи қисми билан 2 йил, ЖКнинг 223-моддаси иккинчи қисми "б", "в" бандлари билан 5 йил, ЖКнинг 246-моддаси иккинчи қисми билан 11 йил, ЖКнинг 273-моддаси бешинчи қисми билан 11 йил, ЖКнинг 59-моддаси тартибида 13 йил, ЖКнинг 60, 61-мод-

далари тартибида узилкесил 14 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. ЖКнинг 34-моддасига асосан у ўта хавfli рецидивист деб топилган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2021 йил 29 июлдаги ажрими билан суднинг ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Х.Т. таниши С.У. билан

олдидан ўзаро тил бириктириб, 2014 йил 26 мартдан 27 мартга ўтар кечаси Х.Т.нинг танишларидан "героин" гиёҳвандлик воситасини харид қилиш мақсадида 1999 йил 20 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасини бузган ҳолда Пскент туманидаги "Қирқ қиз обод" жамоа хўжалиги атрофидаги айланма йўллар орқали Тожикис-

тон Республикаси ҳудудига ўтишган.

Бу орада Тожикистон Республикаси ҳудудида С.У.нинг юраги санчиб, соғлиғи ёмонлашган. Шу сабабли С.У. ва Х.Т. 2014 йил 26 мартдан 27 мартга ўтар кечаси қонунга хилоф равишда Тожикистон Республикасининг Сўғд вилояти, Чашма қишлоғи ҳудудидаги айланма йўллар орқали Тошкент вилояти ҳудудига қайтишган.

Бундан ташқари С.У. таниши Х.Т. билан олдиндан ўзаро тил бириктириб, 2014 йил 1 апрелдан 2 апрелга ўтар кечаси қонунга хилоф равишда Пскент туманидаги "Қирқ қиз обод" жамоа хўжалиги ҳудудидаги айланма йўллар орқали Тожикистон Республикаси ҳудудида ўтишган ҳамда 2 900 АҚШ доллари эвазига 420-425 граммга тенг "героин" гиёҳвандлик воситасини олиб, 2014 йил 3 апрелдан 4 апрелга ўтар кечаси Ўзбекистон ҳудудига яширин тарзда ўтказишган.

Шундан сўнг С.У. таниши Х.Т. билан олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, 2014 йил 4 апрель куни "героин" гиёҳвандлик воситасини П.Х. орқали "Миша" исмли харидорга 25 000 АҚШ долларига сотаётган пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан ўтказилган тадбирда ушланган. С.У. жиноий мақсадини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, охирига етказ олмаган.

Бундан ташқари Х.Т. 2014 йил 7 апрелда оғир ва ўта оғир жиноятларни содир қилганликда айбланиб, ўзига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган бўлишига қарамай, 2014 йил 10 апрель куни соат 06:20ларда Тошкент шаҳар ИИББнинг 351-хизмат хонасидан қочиб кетган.

Мазкур ҳукм билан С.У. ҳам судланган бўлиб, ишнинг унга оид қисми муҳокама қилинмаган.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, Х.Т.нинг айби исботлангани ҳақида асосли хулосага келган бўлса-да, бироқ унинг ҳаракатларини квалификация қилишда хатога йўл қўйган.

Олий суд Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги "Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 12-сонли қарори 20-бандида дастлабки тергов органлари ва судлар ҳар бир иш бўйича гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда эгаллашдан кўзланган мақсадни аниқлашлари зарурлиги, бундай восита ёки моддаларни эгаллаш уларни келгусида ўтказиш (сотиш) учун содир этилганлиги аниқланган тақдирда, айбдорнинг ҳаракатлари қайд этилган жиноятларга тайёргарлик кўриш ёки

суиқасд сифатида қўшимча равишда ЖКнинг 25, 273-моддалари билан квалификация қилиниши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Ишда аниқланган ҳолатларга кўра, С.У. таниши Х.Т. билан олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, гиёҳвандлик воситасини П.Х. орқали "Миша" исмли харидорга 25 000 АҚШ долларига сотмоқчи бўлишган.

Бироқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ўтказилган тадбир жараёнида С.У. ушланиб, жиноий мақсадини ўзларига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, охирига етказ олмаган.

Бундай ҳолатда Х.Т.нинг ҳаракатларини тугалланган жиноят сифатида баҳолаб бўлмайди.

Апелляция инстанцияси суди ҳам қайд этилган хатони бартараф қилиш чораларини кўрмасдан, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида асоссиз хулосага келган.

Юқорида қайд этилганларга асосан Олий суд кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 2022 йил 21 февралдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг Х.Т.га нисбатан чиқарган ҳукми ва ушбу иш бўйича апелляция инстанцияси судининг ажрими ўзгартирилган.

Х.Т.нинг жиноий ҳаракатлари ЖКнинг 273-моддаси бешинчи қисмидан 25, 273-моддаси бешинчи қисмига қайта квалификация қилинган.

2. Жазо тайинлашнинг умумий қоидаларига риоя қилинмаганлиги суд қарорининг ўзгартирилишига асос бўлади.

Жиноят ишлари бўйича Сариосиё туман судининг 2016 йил 15 сентябрдаги ҳукмига кўра, Н.К.га ЖКнинг 223-моддаси иккинчи қисми "б", "в" бандлари билан 5 йил, ЖКнинг 246-моддаси иккинчи қисми билан 16 йил, ЖКнинг 28,246-моддаси иккинчи қисми билан 16 йил, ЖКнинг 25, 273-моддаси бешинчи қисми билан 16 йил, ЖКнинг 273-моддаси бешинчи қисми билан 16 йил, ЖКнинг 59-моддаси тартибида узил-кесил 18 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди апелляция инстанциясининг 2016 йил 25 октябрдаги ажрими билан суднинг ҳукми ўзгартирилган.

Мазкур ҳукм билан У.Д. ҳам судланган бўлиб, ишнинг унга оид қисми муҳокама қилинмаган.

Суднинг ҳукмига кўра, Н.К. 2008-2011 йиллар давомида М.М., дастлабки терговда шахси аниқланмаган "И." ва М.М.нинг тожикистонлик бошқа жиноий шериклари билан олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, такроран ўзбек-тожик чегарасининг сим тўсиқлари ўтказилмаган айланма йўллари орқали тахминан 10 маротаба, ҳар бир марта 20 килограммдан 40 килограммгача миқдорда гиёҳвандлик воситаларини Ўзбекистон Республикасига контрабанда қилишган, гиёҳвандлик воситаларининг ҳар бир килограмми учун 100 АҚШ доллари миқдоридан хизмат ҳақи олишган.

Бундан ташқари 2016 йил

7 апрель куни соат 02:00да "Гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний айланмасига қарши кураш" юзасидан ўтказилган тезкор тадбир жараёнида Н.К.нинг яшаш хонадони кўздан кечирилганда, уйининг ертўласидан қоғоз қутида яширилган 1 дона қопнинг ичидан 11 дона сариқ рангли скотч билан ўралган ўрамларда соф вазни 10 кило 553 граммни ташкил қилувчи "опий" гиёҳвандлик воситаси топилган.

Дастлабки тергов жараёнида ушбу гиёҳвандлик воситаси Сариосиё тумани, "Хуфар" ҚФЙ, "Сарижўй" маҳалласида яшаган, қидирувдаги М.М.га тегишли экани, ўзбек-тожик давлат чегарасининг кўриқлаш қийин бўлган ҳудудлари орқали Ўзбекистон Республикасига контрабанда йўли билан ўтказилиб, У.Д. томонидан жиноий режага асосан 2016 йил 1 апрель куни Сариосиё тумани, "Дашнобод" ҚФЙ, "Сарижар" маҳалласи ҳудудида Н.К.га етказиб берилгани ҳамда у келгусида сотиш мақсадида ўзининг уйида сақлаб келатгани аниқланган.

Суд иш тафсилотларини тўғри аниқлаб, Н.К.нинг айби исботлангани ҳақида асосли хулосага келган бўлса-да, бироқ унга нисбатан жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий асосларига риоя қилмасдан хатоликка йўл қўйган.

Хусусан, ЖКнинг 58-моддасида жиноятга тайёргарлик кўрганлик ҳамда жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун жазонинг муддати

ёки миқдори ушбу Кодекснинг Махсус қисми тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан ошмаслиги кераклиги белгиланган.

Биринчи инстанция суди Н.К.га кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситаларини ўтказишга суиқасд қилгани учун ЖКнинг 25, 273-моддаси бешинчи қисми билан модда санкциясида назарда тутилган энг кўп жазонинг тўртдан уч қисмидан кўпроқ, яъни 16 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, хатога йўл қўйган.

Ишни апелляция инстанцияси судида кўриш жараёнида ҳам қайд этилган ҳолатга эътибор берилмаган.

ЖПКнинг 509⁹-моддасига мувофиқ, кассация инстанцияси суди биринчи ва апелляция инстанцияси судларининг ҳукмини ва ажримини ўзгартиришга ҳақли.

Шу сабабли Олий суд кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 2022 йил 28 мартдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг Н.К.га нисбатан ҳукми ва мазкур иш бўйича апелляция инстанцияси судининг ажрими ўзгартирилган.

Н.К.га нисбатан ЖКнинг 25, 273-моддаси бешинчи қисми билан тайинланган 16 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси 15 (ўн беш) йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига келтирилган.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгартирилган, ЖКнинг 59-моддаси тартибида узил-кесил ўташ учун 18 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

3. Шахнинг ҳаракатларини малакалашда ЖКнинг Умумий қисми нормаларига риоя қилинмагани суд қарорининг ўзгартирилишига сабаб бўлади.

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг 2021 йил 8 июлдаги ҳукмига кўра, Э.К. ЖКнинг 169-моддаси учинчи қисми "а" банди билан айбдор деб топilib, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2021 йил 19 августдаги ажрими билан суднинг ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Э.К. хавфли рецидивист бўла туриб, 2021 йил 4 апрель куни соат 13:10ларда Самарқанд шаҳри, Лоҳутий кўчасидаги "Лоҳутий" жомъе масжидининг таҳоратхонасидан жабрланувчи Х.С.га тегишли 1 000 000 сўмлик куртка ва унинг ички чўнтагидан 5 700 АҚШ долларини яширин равишда талон-торож қилган.

Биринчи инстанция суди Э.К.нинг шахсига оид маълумотларни синчковлик билан ўрганиб чиқмасдан, унинг жиноий ҳаракатларини хавфли рецидивист томонидан содир этилган ўғрилиқ сифатида малакалаб, хатога йўл қўйган.

Хусусан, ЖКнинг 34-моддасида илгари ҳукм қилинган жиноятига ўхшаш жиноят содир этган, ушбу кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, Махсус қисм-

нинг бошқа моддалари билан ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши хавфли рецидив жиноят деб топилиши кўрсатилган.

Олий суд Пленумининг 2008 йил 15 майдаги "Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида"ги 13-сонли қарори 20-бандида хавфли рецидив жиноят деб топишни қонун шахснинг илгари содир этган жинояти учун судлангандан кейин унга айнан ўхшаш янги жиноятни қасддан содир этиши билан боғлаши, айнан ўхшаш жиноятлар деганда:

шахс илгари судланган Жиноят кодексининг Махсус қисми айнан бир моддасида назарда тутилган (агар моддада бир хил жиноят таркиблари учун жавобгарлик белгиланган бўлса);

шахс илгари судланган Жиноят кодекси Махсус қисми муайян моддаси айнан бир қисмида назарда тутилган (агар моддада турли жиноят таркиблари учун жавобгарлик белгиланган бўлса, масалан, ЖКнинг 228, 248, 273-моддалари) жиноятларни янгидан содир этиш тушунилиши лозимлиги қайд этилган.

Иш ҳужжатларидаги Э.К.нинг шахсига оид ҳужжатларга кўра, у муқаддам ЖКнинг 166 ва 164-моддаларида на-

зарда тутилган, яъни талончилик ва босқинчилик жиноятларини содир этганлиги учун судланган, содир қилган ўғрилиқ жиноятлари юзасидан юритилган жиноят ишлари амнистия актларига асосан тугатилган.

Бундай ҳолатда суд асоссиз равишда Э.К.ни хавфли рецидивист бўла туриб, ўғрилиқ жиноятини содир этганликда айбдор деб топган.

Мазкур ҳолат апелляция инстанцияси судининг ҳам эътиборидан четга қолган.

ЖПКнинг 509⁹-моддасига мувофиқ, кассация инстанцияси суди биринчи ва апелляция инстанцияси судларининг ҳукмини ва ажримини ўзгартиришга ҳақли.

Шу сабабли Олий суд кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 2022 йил 28 январдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг Э.К.га нисбатан ҳукми ва мазкур иш бўйича апелляция инстанцияси судининг ажрими ўзгартирилиб, Э.К.нинг анча миқдордаги мулкни талон-торож қилишдан иборат жиноий ҳаракати ЖКнинг 169-моддаси учинчи қисми "а" бандидан ушбу модда иккинчи қисми "б" бандига қайта квалификация қилинган.

Э.К.га ЖКнинг 169-моддаси иккинчи қисми "б" банди билан 3 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

4. Жиноят субъектив томонининг тўғри аниқланмагани суд қарорининг ўзгартирилишига сабаб бўлади.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона туман судининг 2020 йил 28 декабрдаги ҳукмига кўра, Р.Л. ЖКнинг 210-моддаси иккинчи қисми "в"

банди билан айбдор деб топилган ҳамда унга ЖКнинг 45-моддаси қўлланилиб, 3 йил ички ишлар идораларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум

қилиниб, 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Фарғона вилоят суди жиноят ишлари бўйича апелляция

ция инстанциясининг 2021 йил 11 февралдаги ажримига асосан суднинг ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, Р.Л. "Фарғона-Тошлоқ" автомобиль йўлида ташкил этилган "ФУМ-5" карантин постида хизмат вазифасини ўташ жараёнида 2020 йил 25 июнь куни соат 01:00да постдан ўтиш учун ҳаракатланиб келган М.Қ.нинг бошқарувидаги "Cobalt" русумли автомашинасини тўхтатган ва автомашинанинг давлат рақами ечилгани, Қирғизистон Республикаси ҳудудидан айланма йўллар орқали мамлакатимиз чегара ва божхона назоратидан яширин равишда чироқ (лампочка) олиб ўтаётганини аниқлаган.

Шундан сўнг воқеа жойига етиб келган М.С. билан ўзаро келишиб, ушбу қоидабузарлик юзасидан белгиланган тартибда маъмурий баённома расмийлаштирмаслик эвазига таъмагирлик йўли билан 200 АҚШ доллари миқдоридан пора талаб қилган.

Р.Л. ўзаро келишувга кўра, М.С.дан 1 000 000 сўм ҳамда 50 АҚШ доллари ҳамда 50 АҚШ доллари ҳамда чироқ (лампочка)ларни олгач, "Cobalt" русумли автомашинасини жарима майдончасидан чиқариб юборган ҳамда қолган 50 АҚШ долларини ҳам олиб келиб беришини талаб қилган.

2020 йил 26 август куни М.С.нинг аризаси юзасидан ўтказилган тадбирда Р.Л. Фарғона вилояти ИИБ ЙХХБ-нинг ҳовлисида М.С.дан 50 АҚШ доллари ҳамда 500 000 сўм олган вақтида ушланган.

Суд содир этилган жиноят тафсилотларини тўғри аниқлаган, судланган Р.Л.нинг эъ-

лон қилинган айбловга муносабатини ёритиб, унинг ўзини ҳимоя қилиш учун келтирилган важларига баҳо бериб, судда текширилган далилларни судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек, унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқланиш учун етарли деб ҳисоблаб, унинг ушбу ҳукмда кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби тасдиқланганлиги тўғрисида асосли хулоса келган.

Бироқ Р.Л.нинг ҳаракатларини квалификация қилишда, унинг М.Қ. ва М.С.нинг қонуний ёки ғайриқонуний манфаатларини кўзлаганини асослантирмасдан туриб, барвақт хулосага келган.

Хусусан, Олий суд Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги "Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги 19-сонли қарори 11-бандида тамагирлик — мансабдор шахс томонидан фуқаронинг қонуний манфаатларига зарар етказадиган хизматига доир ҳаракатларни содир этиш таҳдиди остида пора талаб қилиш ёки фуқарони унинг қонуний манфаатларига зарар келтирадиган оқибатларнинг олдини олиш учун пора беришга мажбур этадиган шароитга қасддан тушириш эканлиги тушунтирилган.

Ишдаги ҳолатда Р.Л. давлат рақами ечилган, Қирғизистон Республикаси ҳудудидан айланма йўллар орқали мамлакатимиз ҳудудига чегара ва божхона назоратидан яширин равишда олиб ўтилган чироқ (лампочка)лар юкланган М.Қ. бошқарувидаги "Cobalt" русумли автомашинасини тўхтатганида, ушбу қоидабузарлик юза-

сидан белгиланган тартибда маъмурий баённома расмийлаштирмаслик эвазига М.С. билан ўзаро келишган.

Бундай ҳолатда Р.Л. ушбу ҳолатда М.Қ. ва М.С.нинг қонуний эмас, балки ғайриқонуний манфаатларини кўзлаган.

Бу эса, унинг ҳаракатларида фуқаронинг қонуний манфаатларига зарар етказадиган хизматига доир ҳаракатларни содир этиш таҳдиди остида пора талаб қилиш ёки фуқарони унинг қонуний манфаатларига зарар келтирадиган оқибатларнинг олдини олиш учун пора беришга мажбур этадиган шароитга қасддан туширишдан иборат таъмагирлик белгиси мавжуд эмаслигини тасдиқлайди.

Ишни апелляция инстанцияси судида кўриш жараёнида ҳам қайд этилган ҳолатларга етарлича эътибор берилмаган.

ЖПКнинг 509⁹-моддасига мувофиқ, кассация инстанцияси суди биринчи ва апелляция инстанцияси судларининг ҳукмини ва ажримини ўзгартиришга ҳақли.

Шу сабабли Олий суд кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг 2022 йил 17 январдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг Р.Л.га нисбатан ҳукми ва мазкур иш бўйича апелляция инстанцияси судининг ажрими ўзгартирилиб, Р.Л.нинг ҳаракати ЖКнинг 210-моддаси иккинчи қисми "в" бандидан ушбу модданинг биринчи қисмига қайта квалификация қилинган.

Р.Л.га ЖКнинг 210-моддаси биринчи қисми билан 2 йил муддатга ички ишлар идораларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этган ҳолда 4 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ
Қ А Р О Р И

2022 йил 28 апрель

№ РС-31-22

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг биринчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида" 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-бандининг ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг биринчи чораги давомида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг 2022 йилга мўлжалланган иш режалари, дастурлар ва йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Олий суднинг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига жами кассация тартибида келиб тушган 1138 та шикоятдан (такрорий шикоят бўйича келиб тушган ва кўрилган ишлар бундан мустасно) 782 таси судлов ҳайъатида кўриб чиқилган.

Кўриб тамомланган 782 та фуқаролик ишининг 649 таси ёки 83,0 фоизи бўйича суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган, 95 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган, 19 таси бўйича ўзгартирилган.

Жами бекор қилинган 95 та ишдан:

9 таси биринчи инстанция судларига, 10 таси апелляция инстанциясига янгидан кўриш учун юборилган;

54 та иш бўйича янги ҳал қилув қарори чиқарилган;

20 та иш бўйича апелляция ва кассация инстанцияси ажримлари бекор қилиниб, биринчи инстанция суди қарорлари кучида қолдирилган;

2 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, иш юритишдан тугатилган.

Бундан ташқари 14 та иш қайта кассация тартибида Олий суднинг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатида кўриб чиқилган.

Судлов ҳайъати томонидан қайта кассация тартибида кўрилган 14 та ишнинг:

1 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган;

4 таси биринчи ва апелляция инстанцияларига янгидан кўриш учун юборилган;

1 таси ўзгартирилган;

4 таси бўйича барча суд қарорлари бекор қилиниб, янги қарор қабул қилинган;

3 таси бўйича Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими бекор қилиниб, апелляция инстанцияси судининг қарорлари ўз кучида қолдирилган.

1 таси бўйича Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими бекор қилиниб, ишлар янгидан кўриш учун кассация инстанцияси судига юборилган.

Судлов ҳайъати томонидан ўтган давр мобайнида кўрилган ишлар бўйича 13 та

хусусий ажрим чиқарилган.

Ишларни биринчи ва апелляция инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда қуйидаги хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги сабабли, кассация инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилган ва бекор қилинган:

қўлланилиши лозим бўлган қонун ёки бошқа қонун ҳужжати қўлланилмагани;

иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги;

суд аниқланган деб ҳисоблаган, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларнинг исботланмаганлиги;

суд қўлланилмаслиги лозим бўлган қонун ёки бош-

қа қонун ҳужжатини қўлланганлиги;

суд қонун ёки бошқа қонун ҳужжатини нотўғри талқин қилганлиги.

Кассация инстанцияси судида қуйи инстанция судлари қарорларини қайта кўриш ва уларнинг қонунийлигини текшириш жараёнида бирон-бир тоифадаги ишларни кўриш ва суд қарорларини тайёрлаш билан боғлиқ ижобий баҳоланадиган ва бундай ижобий тажрибани оммалаштирадиган фаолият аниқланмади.

Судьялар одил судловни амалга оширишда ишларни ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларининг тўғри қўлланилишини, фуқаролар ва юридик шах-

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг биринчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси" ҳамда "Куч-адолатда" газетаси бирлашган тахририяти (Ш.Ҳамроев), "Одил судлов" — "Правосудие" журнали тахририяти (К.Убайдиллоев), Олий суднинг Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бошқармаси (А.Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш

ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Б.Очилов) суд амалиёти

обзори "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси", "Одил судлов" — "Правосудие" журнали ҳамда Олий суднинг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати (Г.Парпиева) ҳамда вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар раислари зиммасига:

суд амалиёти обзорини вилоят, туманлараро, туман (шаҳар) судларининг ҳар бир судьясига реестр орқали етказилишини таъминлаш;

суд амалиёти обзорини барча судьялар иштирокида ўрганиш мақсадида **2022 йил май ойида** видеоконференцалоқа режимида се-

сларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфатларини ҳимоя қилинишини, қонун устуворлигини, қонунийликни мустаҳкамлаш, қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабати шаклланишини таъминлаши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг биринчи чораги давомида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорини муҳокама қилиб, "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасига мувофиқ, Олий суд Раёсати

минар машғулоти ўтказиш;

бажарилган ишлар ҳақидаги батафсил ахборотни Олий суднинг Пленуми ва Раёсати котибиятига электрон шаклда **2022 йил 15 майга қадар** тақдим этиш юклансин.

4. Ушбу қарор вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларга амалиётда фойдаланиш ва ишларни кўришда йўл қўйилаётган камчиликларга чек қўйиш чораларини кўриш учун юборилсин.

5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари — фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси Ҳ.Турахужаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси

К. КАМИЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг биринчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти О Б З О Р И

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончли ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2018 йил 27 июлдаги "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида"ги РС-44-18-сонли қарори 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг биринчи чораги давомида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг навбатдаги босқичида инсон ҳуқуқларининг ишончли ҳимоясини тўла-тўқис таъминлаш мақсадида суд қарорларини қайта кўриш институти янада такомиллаштирилди.

"Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Иқтисодий процессуал, Фуқаролик процессуал кодексларига, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги бешта қонун 2021 йил 13 январдан кучга кирди.

Ушбу кодексларда фуқаролар учун одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида апелляция ва кассация инстанцияларини ислоҳ қилиш, назорат тартибида иш юритиш институтини бекор этиш тартибини белгилаш назарда тутилди.

Шу маънода "Бир суд — бир инстанция" тамойили жорий этилди.

"Бир суд — бир инстанция" тамойилига кўра, эндиликда биринчидан, халқаро стан-

дартларга мос равишда уч босқичли суд тизими яратилди. Яъни:

биринчи инстанция — туманлараро, туман (шаҳар) судлари, айрим тоифадаги мураккаб ишлар бўйича — вилоят судлари; апелляция инстанцияси — вилоят судлари, биринчи инстанцияда вилоят судлари томонидан кўрилган мураккаб тоифадаги ишлар бўйича — Олий суд;

кассация инстанцияси — Олий суддан иборат бўлди.

Иккинчидан, халқаро ташкилотлар ва экспертларнинг эътирозига сабаб бўлаётган назорат инстанцияси тўлиқ бекор қилинди.

Ўз навбатида, суд ишларини назорат тартибида кўриб чиқиш институтининг тугатилиши ва кассациянинг учинчи инстанция суди сифатида белгиланиши натижасида суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилиги бевосита ундан норози томоннинг тўғридан-тўғри берган шикоят асосида кўрилишига эришилди.

Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ўтган даврдаги фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг 2022 йил учун мўлжалланган иш режалари, дастурлар ва йўл хариталарида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган.

Статистик таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, Олий суднинг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига 2022 йилнинг биринчи чорагида кассация тартибида келиб тушган жами 1138 та шикоятдан (такрорий шикоят бўйича келиб тушган ва кўрилган ишлар бундан мустасно) 782 таси судлов ҳайъатида кўриб чиқилган.

Кўриб тамомланган 782 та фуқаролик ишининг 649 таси ёки 83,0 фоизи бўйича суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган, 95 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилин-

ган, 19 таси бўйича ўзгартирилган.

Жами бекор қилинган 95 та ишдан:

9 таси биринчи инстанция судларига, 10 таси апелляция инстанциясига янгидан кўриш учун юборилган;

54 та иш бўйича янги ҳал қилув қарори чиқарилган;

20 та иш бўйича апелляция ва кассация инстанцияси ажримлари бекор қилиниб, биринчи инстанция суди қарорлари кучида қолдирилган;

2 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, фуқаролик ишлари иш юритишдан тугатилган.

Статистик таҳлиллар орқали Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг (бундан буён матнда ФПКнинг деб юритилади) 2-моддасида белгиланган суд ишларини юритиш мақсади ва вазифаларига қўйи судлар томонидан қанчалик даражада эришилганлигини баҳолаш мумкин.

Судлов ҳайъатида тамомланган ишларнинг 202 тасини Тошкент шаҳри, 85 тасини Тошкент вилояти, 66 тасини Самарқанд вилояти, 61 тасини Фарғона вилояти, 53 тасини Қашқадарё вилояти, 52 тасини Хоразм вилояти, 50 тасини Андижон вилояти, 44 тасини Бухоро вилояти, 37 тасини Наманган вилояти, 37 тасини Сурхондарё вилояти, 25 тасини Навоий вилояти, 23 тасини Жиззах вилояти, 23 тасини Қорақалпоғистон Республикаси, 20 тасини Сирдарё вилояти ва 4 тасини Ҳарбий судда кўрилган ишлар ташкил этади.

Судлов ҳайъатида кассация тартибида кўрилган ва бекор қилинган ёки ўзгартирилган ишлар вилоятлар кесимида қуйидагича кўринишни ташкил этган, яъни:

Тошкент вилояти судларининг 23,5 фоиз (85 та иш кўрилган, шундан 3 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 17 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Самарқанд вилояти судларининг 21,2 фоиз (66 та иш кўрилган, шундан 6 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 8 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Тошкент шаҳри судларининг 12,9 фоиз (202 та иш кўрилган, шундан 5 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 21 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Қашқадарё вилояти судларининг 18,9

фоиз (53 та иш кўрилган, шундан 2 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 8 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Навоий вилояти судларининг 8,0 фоиз (25 та иш кўрилган, шундан 2 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Фарғона вилояти судларининг 16,4 фоиз (61 та иш кўрилган, шундан 5 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 5 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Хоразм вилояти судларининг 13,5 фоиз (52 та иш кўрилган, шундан 2 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 5 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Наманган вилояти судларининг 24,3 фоиз (37 та иш кўрилган, шундан 3 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 6 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Андижон вилояти судларининг 18,0 фоиз (50 та иш кўрилган, шундан 4 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 5 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Бухоро вилояти судларининг 20,5 фоиз (44 та иш кўрилган, шундан 3 та иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган ва 6 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Қорақалпоғистон Республикаси судларининг 13,0 фоиз (23 та иш кўрилган, шундан 3 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Сирдарё вилояти судларининг 5,0 фоиз (20 та иш кўрилган, шундан 1 та иш бўйича суд қарори ўзгартирилган);

Жиззах вилояти судларининг 26,1 фоиз (23 та иш кўрилган, шундан 1 та иш бўйича суд қарори ўзгартирилган ва 5 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган);

Сурхондарё вилояти судларининг 18,9 фоиз (37 та иш кўрилган, шундан 3 та иш бўйича суд қарори ўзгартирилган ва 4 та иш бўйича суд қарорлари бекор қилинган).

Бундан ташқари 14 та иш қайта кассация тартибида Олий суднинг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатида кўриб чиқилган.

Судлов ҳайъати томонидан қайта кассация тартибида кўрилган 14 та ишнинг:

1 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган;

4 таси биринчи ва апелляция инстанци-

яларига янгидан кўриш учун юборилган;

1 таси ўзгартирилган;

4 таси бўйича барча суд қарорлари бекор қилиниб, янги қарор қабул қилинган;

3 таси бўйича Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими бекор қилиниб, апелляция инстанцияси судининг қарорлари ўз кучида қолдирилган.

1 таси бўйича Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун кассация инстанцияси судига юборилган.

Судлов ҳайъати томонидан ўтган давр мобайнида низолар бўйича кўрилган 13 та иш бўйича хусусий ажримлар чиқарилган, 14 та иш бўйича ФПКнинг 275-моддаси бешинчи қисми талабига кўра, жиноят иши кўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун прокурорга хабарномалар юборилган.

Ишларни биринчи ва апелляция инстанцияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда хатоликларга йўл қўйилганлиги сабабли, кассация инстанцияси суди томонидан суд қарорлари ўзгартирилган

ва бекор қилинган.

Бу даврда кредит шартномаларидан келиб чиқадиган низолар, оила низолари билан (хусусан, никоҳдан ажратиш) боғлиқ низолар, қарз муносабатларидан келиб чиқувчи низолар, меҳнат ва уй-жой (уйга киритиш, уйдан кўчириш ва бошқа) низолари билан боғлиқ ишлар сони бирмунча кўпайган.

2022 йилнинг биринчи чораги давомида эр-хотиннинг мол-мулки (умумий ва алоҳида мулк деб топиш, бўлиш ва улуш ажратиш) юзасидан низолар, меросга оид низолар (меросхўр деб топиш ва бўлиш), битимлар билан боғлиқ ва болалар тарбиясига оид ишларни кўриш жараёнида процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда айрим судлар амалиётида хатоликларга йўл қўйилган.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан айрим ишларни кўришда ФПК ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганини кўриш мумкин.

1. Суд болани ота ёки онасига қайтариш унинг манфаатларига зид деган хулосага келса, вояга етмаганларнинг манфаати ва хоҳишини инобатга олган ҳолда даъвои рад қилишга ҳақли.

Даъвогар Г. жавобгар А.га нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда 2009 йил 26 августда туғилган Б., 2012 йил 21 апрелда туғилган В., ва 2015 йил 23 сентябрда туғилган Д., исмли фарзандларини А.нинг қарамоғидан ўзининг тарбиясига олиб беришни сўраган.

Туман судининг 2021 йил 30 ноябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво талаби қаноатлантирилиб, тарафларнинг 2009 йил 26 августда туғилган Б., 2012 йил 21 апрелда туғилган В. ва 2015 йил 23 сентябрда туғилган Д. исмли вояга етмаган фарзандлари А.нинг

қарамоғидан Г.нинг тарбиясига олиб берилган.

Апелляция инстанциясининг 2022 йил 8 февралдаги ажрими билан суд қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 11 мартдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъво талабини рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Иш ҳужжатларига кўра, тарафлар 2008 йил ноябрь ойида турмуш қуриб, 2009 йил 6 апрелда қонуний никоҳдан ўтган.

Уларнинг биргаликдаги турмушидан уч нафар — 2009 йил 26 августда туғилган Б., 2012 йил 21 апрелда туғилган В. ва 2015 йил 23 сентябрда туғилган Д. исмли фарзандлари бор.

Тарафлар ўртадаги ўзаро оилавий келишмовчиликлар сабабли 2020 йил ноябрь ойидан бошлаб алоҳида яшаб келади. Шундан буён вояга етмаган фарзандлар отаси А.нинг қарамоғида бўлган.

Тарафлар бола тарбияси бўйича ўзаро келишувга эришолмаганлиги сабабли даъвогар болаларни олиб бериш юзасидан судга даъво аризаси билан мурожа-

ат этган.

Судлар даъво талабини қаноатлантиришда тарафларнинг Б. исмли фарзанди қиз бола экани, қолган фарзандлари эса, ҳали 10 ёшга тўлмаганлиги, улар онаси ва опаси билан бирга яшаши мақсадга мувофиқ экани, васийлик ва ҳомийлик органи, психолог хулосалари ва А.нинг моддий жиҳатдан устун шароитда экани болаларни унинг тарбиясида қолдириш учун етарли факт бўлмаслигини инобатга олган.

Аниқланишича, тарафларнинг фарзандлари туғилганидан буён Ч. туманида отаси А. билан бирга яшаб, тумanning 40-сонли ўрта таълим мактабида аъло баҳоларга ўқиб келаётган бўлса, кичкина фарзанди шу туманда жойлашган хусусий болалар боғчасида тарбияланмоқда.

Ишдаги Ч. тумани халқ таълими бўлими қошидаги васийлик ва ҳомийлик органи хулосасида, А.нинг яшаш шароити талабга жавоб бериши, фарзандларининг таъминоти учун моддий имконияти етарли эканлиги, уйда болалар тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар мавжуд эмаслиги, шу боис фарзандларини отаси қарамоғида қолдириш мақсадга мувофиқ эканлиги кўрсатилган бўлса, Н. шаҳар халқ таълими бўлими қошидаги васийлик ва ҳомийлик органининг хулосасида Г.нинг яшаш шароити талабга жавоб бериши, болалар тарбияси учун барча шароитлар етарли эканлиги, Г.нинг фарзандларини ўз тарбиясига олиш ҳақидаги

шикояти тўлиқ бола манфаатларига мувофиқ эканлиги кўрсатилган.

Судда мутахассис психолог иштирокида, ташқи таъсирларсиз (жумладан, отонаси ёки бошқа ҳар қандай қариндош ёхуд бошқа шахслар иштирокисиз) тарафларнинг 2009 йил 26 августда туғилган Б. ва 2012 йил 21 апрелда туғилган В. исмли фарзандлари ўз тунтиришида, ҳозирда укаси Д. билан бирга отаси А. ва ҳозирги онаси Р. билан бирга яшаб келаётганлиги, кейин ҳам ўзлари ва укаси Д. билан бирга отаси билан қолишни хоҳлашини, отаси, ҳозирги онаси Р., укаси ҳамда бобо-бувилари билан бирга яхши яшаб келаётганлиги, онаси Г.нинг тарбиясига боришни истамаслигини баён этган.

Шу билан бирга апелляция инстанцияси мажлисида иштирок этган психолог А.нинг хулосасида ҳам тарафларнинг истиқомат қилиб келаётган уй-жойларда вояга етмаган болалар тарбияси учун барча шароит етарли эканлиги, фарзандларнинг манфаатларидан келиб чиқиб, уларнинг хоҳиши ва психологик ҳолатини, оилада ўзаро шахслараро муносабатларнинг эмоционал боғлиқлигини инобатга олган ҳолда уларни отаси А. билан бирга яшаши ва унинг қарамоғида қолдириш лозимлиги баён этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 апрелдаги "Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4296-

сонли қарори 3-бандига биноан, оилада боланинг манфаатларига тааллуқли ҳар қандай масала ҳал қилинаётганда, шунингдек, ҳар қандай суд муҳокама-си ёки маъмурий муҳокама даврида бола ўз фикрини ифода қилишга ҳақлидир. Бунда қарор қабул қилишга ваколатли органлар (шахслар) боланинг манфаатига тааллуқли масалани ҳал қилишда оқилona ва мустақил фикрлаш қобилиятига эга боланинг фикрини, унинг ёшидан қатъи назар, жиддий омил сифатида кўриб чиқиши ҳамда боланинг энг устун манфаатларини назарда тутувчи қарорни қабул қилиши шарт.

Мазкур норма 2020 йил 11 мартда Оила кодексининг 68-моддаси ва "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 15-моддасига киритилган ўзгартишларда ҳам назарда тутилган.

Бироқ судлар риоя этилиши мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат талабларини эътиборга олмасдан, В. ва Д.нинг бу ёшда мустақил фикрлаши шаклланиб, атрофдаги шахси билан боғлиқ жараёнларга ўзининг нуқтаи-назари асосида баҳо бера олишини, ота ёки онадан бири билан қолиш ҳуқуқи аввало уларнинг истак-хоҳиши асосида шаклланиши, шундан келиб чиқиб, уларни судда сўраш ва фикрлари, ота-онанинг шахсига оид бошқа далиллар асосида ҳуқуқий баҳо бериш чорасини кўрмасдан даъвони қаноатлантириш ҳақида барвақт хулосага келган.

2. Меҳнат шартномаси бекор қилинган куни иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчасини бериши шарт. Агар иш берувчининг айби билан ходимга меҳнат дафтарчасини бериш кечиктирилса, у ҳолда бутун кечиктирилган давр учун ходимга ўртача ойлик иш ҳақини тўлаб беришга мажбур.

Даъвогар З. судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар — вазирликдан меҳнат дафтарчаси берилмаганлиги оқибатида иш ҳақини ундиришни сўраган.

Туманлараро судининг 2021 йил 6 майдаги ҳал қилув қарорига асосан даъво талаблари қаноатлантирилиб, жавобгар — вазирлик тизимидаги академик лицейдан даъвогарнинг фойдасига 64.291.248 сўм моддий зарар ҳамда давлат даромадига 2.571.650 сўм давлат божи ундирилган.

Апелляция инстанциясининг 2021 йил 11 июндаги ажримига асосан суд ҳужжати бекор қилиниб, даъвони рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Куйидаги асосларга кўра, Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 10 февралдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори тузатиш билан ўз кучида қолдирилган.

Аниқланишича, даъвогар З. вазирликнинг 2019 йил 4 мартдаги 174-сонли буйруғига асосан академик лицейи директори лавозимига тайинланиб, у билан меҳнат шартномаси тузилган.

Вазирнинг 2020 йил 14 октябрдаги 624-сонли буйруғига асосан З. билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 1-бандига мувофиқ бекор қилиниб, буйруқ нусхаси академик лицейига юборилган.

Академик лицейи директо-

рининг 2020 йил 21 октябрдаги 196-сонли буйруғига асосан З. билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш расмийлаштирилиб, мазкур буйруқнинг кўчирма нусхаси билан у 2020 йил 9 ноябрда таништирилган.

Биринчи инстанция суди даъвогар З. меҳнат дафтарчасини 2021 йил 10 мартда олганлигини, иш берувчининг айби билан меҳнат дафтарчасини бериш кечиктирилганлигини инobatга олиб, даъво талабини қаноатлантириш ҳақида хулосага келган.

Меҳнат кодексининг 108-моддасига асосан меҳнат шартномаси бекор қилинган куни иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчаси ва меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериши шарт.

Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 29 январда 402-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган "Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида"ги Йўриқноманинг 3.1-банди учинчи хатбошида, иш берувчининг айби билан меҳнат дафтарчасини бериш кечиктирилса, у ҳолда бутун кечиктирилган давр учун ходимга ўртача ойлик иш ҳақи тўланади, дея қайд этилган.

Йўриқноманинг 3.3-бандида меҳнат шартномаси бекор қилинган куни ходим ишда бўлмаган тақдирда, иш берувчи ўша куниёқ унга почта орқали меҳнат дафтарчасини олиб кетиш тўғрисида огоҳлантирувчи хабарнома жўнатади (бошқа хатлар ҳи-

сobotга олинмайди ва Йўриқноманинг 3.1.-банди асосида иш кўрилади) деб белгиланган.

Ходимнинг меҳнат дафтарчасини яшаш жойига почта орқали жўнатиш фақат унинг розилиги билан амалга оширилади.

Вазирлик вакили даъвогар З. билан бир неча бор телефон орқали суҳбатлашиб, меҳнат дафтарчасини вазирликдан олиб кетиши ёхуд почта бўлими орқали юбориши ҳақида огоҳлантирилганлиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган.

Мазкур ҳолатда иш берувчи меҳнат қонунчилиги ҳамда қайд этилган Йўриқнома талабларига риоя қилмаган, яъни ходимга меҳнат дафтарчасини олиб кетиши тўғрисида огоҳлантириш хатини юборганлигини тасдиқловчи далилларни тақдим қилмаган.

Қолаверса, жавобгар вакили 2021 йил 22 апрелдаги суд мажлисида берган баёнотида даъвогарга меҳнат дафтарчасини олиб кетиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантириш хати юбормаганлигини тан олиб, ушбу масалада фақатгина телефон орқали суҳбатлашганлигини маълум қилган.

Бироқ апелляция инстанцияси суди иш берувчи ходимга меҳнат дафтарчасини бериш чораларини кўрганлиги ва меҳнат дафтарчасини ўз вақтида берилмаганида айби мавжуд эмаслигига асосланиб, суд ҳужжатини бекор қилиб, даъвони рад қилиш ҳақида нотўғри хулосага келган.

3. Судлар даъвогарнинг меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги аризани иш берувчининг қистови натижасида берганлиги тўғрисидаги вазларини текширмагани ва даъво муддатини ҳисоблашда буйруқ нусхаси берилган (ёки реабилитация этилган шахс ҳуқуқларини тиклаш тартибини тушунтирувчи билдириш хати олган пайтдан) кундан ҳисобланишини инобатга олмаганлиги суд ҳужжатларини бекор қилишга асос бўлади.

Даъвогар А. судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, буйруқни бекор қилишни, ишга тиклашни, меҳнат стажини тиклашни, мажбурий прогул юрган давр учун иш ҳақи, устама, мукофот ва рағбатлантириш ҳамда 500.000.000 сўм маънавий зарар ундиришни сўраган.

Туманлараро судининг 2021 йил 7 майдаги ажримига кўра, даъвогар А.нинг ишончли вакили Ж. даъво талабининг ишга тиклаш ва моддий зарарни ундириш ҳақидаги қисмини кўрмасдан қолдириш тўғрисида ариза билан мурожаат этганлиги боис даъво талабининг шу қисми ФПКнинг 122-моддаси 9-бандига асосан кўрмасдан қолдирилган.

Суднинг шу кундаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвогар А.нинг буйруқни бекор қилиш, меҳнат стажини тиклаш ва маънавий зарар ундириш ҳақидаги даъво талабларини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанциясининг 2021 йил 16 июлдаги ажрими билан суднинг ушбу ҳал қилув қарори (даъвогар маънавий зарар ундириш ҳақидаги талабидан воз кечганлиги сабабли) қисман бекор қилиниб, даъво талабининг маънавий зарар ундиришга оид қисми иш юритишдан тугатилган.

Ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз

қолдирилган.

Куйидаги асосларга кўра, Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 17 февралдаги ажрими билан суд ҳужжатлари қисман бекор қилиниб, бекор қилинган қисми бўйича даъво талабини қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Аниқланишича, даъвогар А. Департаментнинг навбатчилик қисми инспектори лавозимида 2012 йил 12 сентябрга қадар хизмат қилган.

Департамент бошлиғининг 2012 йил 12 сентябрдаги 690-сонли буйруғи билан А. ўз хоҳишига кўра, берган аризасига асосан эгаллаб турган навбатчилик қисми инспектори лавозимидан озод қилинган ва Департамент органларидан бўшатирилган.

Жиноят ишлари бўйича туман судининг 2012 йил 21 ноябрдаги ҳукмига кўра, А. ЖКнинг бир қатор моддалари билан айбдор деб топилди, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Кейинчалик апелляция инстанциясининг 2020 йил 8 сентябрдаги ажрими билан туман судининг 2012 йил 21 ноябрдаги ҳукмининг А. га оид қисми бекор қилиниб, А.нинг содир этилган жиноятга дахли бўлмаганлиги сабабли ЖПКнинг 83-моддаси 3-бандига асосан ай-

бсиз деб топилган ва реабилитация қилинган (оқланган) ва унга етказилган мулкӣ, маънавий ва бошқа зиённи қоплаш оқибатларини ЖПКнинг 304-313-моддаларида назарда тутилган тартибда даъво билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқлари тушунтирилган.

Даъвогар А.нинг 2020 йил октябрь-ноябрь ойларида аввалги лавозимига тиклаш ва бошқа ҳуқуқларини тиклаш юзасидан мурожаатлари Департамент ҳамда вилоят бошқармаси томонидан ўрганилиб, 2020 йил 19 октябрдаги 6/38-20-сонли, 28 ноябрдаги 6/1423-20-сонли ҳамда 18 декабрдаги 6/76-20-сонли жавоб хатлари билан унинг мурожаатларига рад жавоби берилган.

Шундан сўнг даъвогар А. даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Судлар даъвогарнинг буйруқни бекор қилиш ва меҳнат стажини тиклаш ҳақидаги даъво талабини рад қилиш ҳақидаги хулосаларини А.ни Департамент органларидан бўшатиш унга нисбатан жиноят иши қўзғатилиши билан боғлиқ бўлмаганлиги, шу боис реабилитация оқибатлари татбиқ этилмаслиги, даъвогар меҳнат дафтарчасини 2014 йил май ойида олганлиги ҳамда даъвогар даъво муддатини узрли сабабларсиз ўтказиб юборганлиги билан асослаган.

Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги "Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида"ги 12-сонли қарори 15-бандига кўра, меҳнат шартномасини бекор қилишга ходим шу корхонадаги ишни ҳақиқатдан ҳам ташлаб кетиш истагини билдирган ёзма аризасига биноан йўл қўйилади.

Судлар даъвогарнинг меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақидаги аризани иш берувчининг қистови натижасида берганлиги тўғрисидаги важларини синчковлик билан текширмоқлари лозим.

Маълум бўлишича, даъвогар А.нинг Департамент бошлиғи номига ўз хоҳишига кўра, хизматдан бўшаш тўғрисидаги аризаси мавжуд бўлиб, ушбу ариза ёзилган сана кўрсатилмаган, шунингдек, аризининг кирим қилингани ва расмийлаштириш учун қабул қилинганлиги ҳақида устхат ҳам мавжуд эмас.

Вилоят прокуратурасининг 2012 йил 13 сентябрдаги 21-6-12-сонли хати асосида Департаментнинг вилоят бошқармаси томонидан хизмат текшируви ўтказилиб, 2012 йил 19 сентябрдаги хулосада Департаментнинг туман бўлими бошлиғи К. ҳамда бошқарма навбатчи қисми инспектори А. Департамент ходими деган номга доғ туширувчи ножўя ва номуносиб хатти-ҳаракатлар содир қилган деб топилган. Улар Департамент бошлиғининг 2012 йил 12 сентябрдаги 689, 690-сонли буйруқлари би-

лан ишдан бўшатирилганлиги инобатга олинган.

Бинобарин, 2012 йил 12 сентябрда вилоят прокурори томонидан К. ва А.га нисбатан ЖКнинг 168-моддаси учинчи қисми "а" банди ва 25, 211-моддаси учинчи қисми "а", "в" бандлари билан жиноят иши кўзғатилган.

2012 йил 12 сентябрдаги ушлаб қолиш баённомаси ва бошқа процессуал ҳужжатларда А.нинг расман ишланган жойи Департаментнинг вилоят бошқармаси навбатчилик қисми инспектори лавозими кўрсатилган.

Жиноят-процессуал кодексининг 23-моддасига кўра, дастлабки тергов органи томонидан А.га нисбатан жиноят иши кўзғатилган ҳолатда унинг айбдорлиги қонуний кучга кирган суд ҳукми билан исботланмасдан туриб, ходимнинг хоҳиш-иродасига қарши берган ариза асосида уни лавозимидан озод этиш ва Департамент органларидан бўшатирилиши ғайриқонуний ҳисобланади.

Қолаверса, Департаментнинг 2012 йил 12 сентябрдаги 690-сонли буйруғи билан А. санаси кўрсатилмаган ва тегишли тартибда расмийлаштирилмаган аризага асосан эгаллаб турган лавозимидан озод қилиниб, Департамент органларидан бўшатирилган бўлса-да, А.га ушлаб туриш мажбурлов чораси қўлланилган кунига қадар иш жойида хизмат вазифасини бажариб келганлиги ишдаги тергов органининг процессуал ҳужжатлари билан тасдиқланган.

Шу сабабли даъвогар А.га нисбатан жиноят иши кўзға-

тилганлиги муносабати билан уни хизматдан бўшаш тўғрисида ариза беришни талаб қилиб, қистовга олинганлиги ишончга сазовор ҳолат ҳисобланади.

Шунингдек, судлов ҳайъати қуйи судларнинг даъвогар даъво муддатини узрли сабабларсиз ўтказиб юборганлиги боис даъво муддатини қўллаш тўғрисидаги хулосалари билан ҳам келишмаган.

Чунки даъвогар А. жиноят ишлари бўйича вилоят суди апелляция инстанциясининг 2020 йил 8 сентябрдаги ажрими билан реабилитация қилинган (оқланган) ва 2020 йил октябрь-ноябрь ойларида аввалги лавозимига ва бошқа ҳуқуқларини тиклаш юзасидан мурожаат қилган бўлиб, Департамент ҳамда вилоят бошқармасининг 2020 йил 19 октябрдаги 6/38-20-сонли, 28 ноябрдаги 6/1423-20-сонли ҳамда 18 декабрдаги 6/76-20-сонли жавоб хатларини олгандан сўнг 2021 йил 9 апрелда (оқлангандан сўнг 7 ой ўтиб) судга даъво аризаси тақдим этган.

ЖПКнинг 312-моддасига кўра, мулкий зиённи қоплаш учун товон пули тўлашни реабилитация этилган шахс ёки ушбу Кодекснинг 304-моддаси учинчи қисмида кўрсатилган шахслар бундай тўловларни амалга ошириш ҳақидаги ажрим ёки қарорни олган пайтдан эътиборан икки йил мобайнида талаб қилишлари мумкин.

Бошқа ҳуқуқларни тиклашни реабилитация этилган шахс ҳуқуқларини тиклаш тартибини тушунтирувчи билдириш хати олган

пайтдан эътиборан бир йил мобайнида талаб қилиши мумкин.

Мазкур ҳолатда даъвогар А. томонидан даъво муддати ўтказиб юборилмаган ҳисобланади.

Судлар эса, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолат-

ларни аниқламасдан, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини бузиб, даъвогар А.ни Департамент органларидан бўшатиш унга нисбатан жиноят иши қўзғатилиши билан боғлиқ бўлмаганлиги, шу боис реабилитация оқибатлари тад-

биқ этилмаслиги, даъвогар меҳнат дафтарчасини 2014 йил май ойида олганлиги ҳамда даъвогар даъво муддатини узрли сабабларсиз ўтказиб юборганлигини инобатга олиб, даъвони рад қилиш ҳақида нотўғри ҳулосага келган.

4. Мулкдор бўлмаган, лекин кўчмас мол-мулкка ўн беш йил давомида ёки бошқа мол-мулкка беш йил давомида ўзиники каби ҳалол, ошкора ва узлуксиз эгалик қилган шахс бу мол-мулкка мулк ҳуқуқини олади.

Даъвогар — С. судга даъво аризаси билан мурожаат этиб, Т. тумани, 11-мавзе, 8-уй, 8-хонадоннинг жавобгарлар М. ва С.га тегишли 2/3 қисмига нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилашни сўраган.

Туманлараро судининг 2021 йил 7 январдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво талабини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанциясининг 2021 йил 12 февралдаги ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 17 январдаги ажрими билан суд қарорлари бекор қилиниб, даъво талабини қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Аниқланишича, Т. тумани, 11-мавзе, 8-уй, 8-хонадон даъвогарнинг отаси - Т.нинг номига 1993 йил 27 февралда хусусийлаштирилган ва бу ҳақда уй-жойни шахсий мулк эканлигини тасдиқловчи 01-01/14883-сонли Давлат далолатномаси расмийлаштирилган.

Хонадон хусусийлаштирилишига унинг турмуш ўртоғи

— жавобгар М. розилик берган. Шунингдек, уларнинг вояга етмаган фарзанди Н. хусусийлаштириш вақтида ота-онаси билан бирга хонадонда яшаб келган. Даъвогарнинг отаси - Т. ва жавобгар М. 1995 йил 3 майда никоҳдан ажратилган.

Шундан сўнг Т. 1996 йилда Л. билан қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришган ва биргаликдаги турмушларидан 1998 йил 29 декабрда даъвогар С. туғилган.

9-сонли давлат нотариал идораси томонидан 2015 йил 17 ноябрда тасдиқланган васиятномага асосан Т. ўзига тегишли низоли хонадонни даъвогарга, яъни ўғли С.га васият қилган. Т. 2015 йилда вафот этган.

Суднинг 2017 йил 6 апрелдаги ҳал қилув қарорига кўра, Т. тумани, 11-мавзе, 8-уй, 8-хонадон улушли мулк деб топилиб, С., М. ва Н.нинг низоли хонадондаги улуши 1/3 қисмдан иборат деб белгиланган.

С.нинг 1/3 қисм улушига ўғли, яъни даъвогар С. меросхўр деб топилган ва унинг улуши 1/3 қисм деб белгиланган.

Аниқланишича, даъвогарнинг отаси С. низоли хонадонда 1993 йилдан то ва-

фот этгунга қадар, даъвогар эса, туғилганидан буён яшаб келган.

Судлар даъвогар С. низоли уйнинг мулкдори ҳисобланиши, жавобгар С. билан яқин қариндош эканлиги сабабли ФКнинг 187-моддаси талабини ушбу низога нисбатан тадбиқ этиб бўлмаслигини, низоли хонадон 2017 йил 22 майга қадар фақат С.га мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлганлиги, жавобгарлар М. ва Н.нинг улушли мулк ҳуқуқлари эса, суднинг 2017 йил 6 апрелдаги ҳал қилув қарори билан эътироф этилиб, улушлари белгилангани ва уларнинг мулк ҳуқуқлари 2017 йил 22 майда давлат рўйхатидан ўтказилганини эътиборга олган.

Бироқ Уй-жой кодексининг 14-моддасига кўра, давлатга қарашли уйга, квартирага бўлган мулк ҳуқуқи қонун ҳужжатларида назарда тутилган хусусийлаштириш тартибида вужудга келади.

Юқорида қайд этилганидек, низоли хонадон даъвогарнинг отаси - С.нинг номига 1993 йил 27 февралда хусусийлаштирилган ва бу ҳақда уй-жойни шахсий мулк эканлигини тасдиқ-

ловчи 01-01/14883-сонли Давлат далолатномаси берилган.

Олий суд Пленумининг 1997 йил 2 майдаги "Хусусийлаштирилган турар жойларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф қилиш билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида"ги 3-сонли қарори 7-бандига кўра, "Давлат уй-жой фондиди хусусийлаштириш тўғрисида"ги Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ алоҳида уй, квартира ва хонага бўлган эгалик ҳуқуқи турар жой қиймати тўлиқ тўланган (сотиб олинган) ва эгалик ҳуқуқи ҳақида давлат ордери олинган пайтдан

бошланади.

Демак, юқоридагиларга кўра, низоли хонадон С.-нинг номига 1993 йил 27 февралда хусусийлаштирилган ва бу ҳақда Давлат далолатномаси берилгандан бошлаб С. ҳамда у билан бирга яшаган турмуш ўртоғи М. ва Н.нинг хонадонга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳуқуқи вужудга келган ҳисобланади.

Судлар эса, қайд этилган ҳолатларни эътиборга олмасдан, моддий ҳуқуқ нормаларини нотўғри талқин қилган ҳолда эгалик ҳуқуқини вужудга келтирувчи муддатни жавобгарларни хонадонга мулк ҳуқуқини эътироф этиш ва улушлар-

ни белгилаш тўғрисидаги суд қарори қабул қилингандан бошлаб ҳисоблаб, моддий ҳуқуқ нормаларини нотўғри талқин қилган.

Бунда судлар низоли уй-жойга нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилашга асос бўлувчи қонунда назарда тутилган барча зарур юридик элементларни тўлиқ мавжудлиги, яъни даъвогар низоли уй-жойда 24 йилдан буён узлуксиз яшаб келаётганлиги, мазкур уй-жойни ҳалол ҳамда ошкора йўл билан эгаллаб олганлиги, мулкка ўзиники каби муносабатда бўлиб келаётганлигини инобатга олмасдан, даъвони рад қилиш ҳақида нотўғри хулосага келган.

5. Қўлланиш тўғрисида низодаги тараф баён қилган даъво муддатининг ўтиши суднинг даъвони рад этиш ҳақида қарор чиқариши учун асос бўлади.

Даъвогар А. судга жавобгар — П. тумани сил касалликлари санаториясига нисбатан нотўғри ҳисобланган иш ҳақи ва маънавий зарар ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Туманлараро судининг 2021 йил 20 майдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво талаби қисман қаноатлантирилган.

Апелляция инстанциясининг 2021 йил 19 августдаги ажрими билан суднинг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 31 мартдаги ажрими билан суд ҳужжатлари бекор қилиниб, даъво талабини қаноатлантиришни рад қилиш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул

қилинган.

Аниқланишича, даъвогар А. 1991 йилда П. тумани сил касалликлари санаториясида 1,0 ставка стоматолог врач вазифасига ишга қабул қилинган.

Санаториянинг 2010 йил 23 апрелдаги 33-А-сонли буйруғига мувофиқ А.га 2009 йил 10 майдан 2010 йил 10 майга қадар ишлаган даври учун 2010 йил 23 апрелдан меҳнат таътили берилган. Мазкур буйруқ билан А.нинг аризаси ва ТМЭК маълумотномасига асосан 2010 йил 21 майдан у билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган.

Даъвогар А. санаторияда 1,0 ставка "врач-отоларинголог" (тоифасиз мутахассис) штат бирлигида белгиланган лавозим маоши ҳисобидан 1.0 ставка "врач-стоматолог"

лавозимида ишлаб келган. Иш берувчининг шу ҳақдаги буйруғига даъвогар А. эътироз билдирмаган.

Санатория маъмуриятининг 2017 йил 25 декабрдаги 112-сонли буйруғига кўра, даъвогар А. билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 4-бандига мувофиқ 2017 йил 25 декабрдан бекор қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сонли қарори 2-иловасида "Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисида"ги Низом 1-бандига кўра, врач ходимлар учун тариф сеткаси бўйича олий маълумотли врач мутахассисига 9 разряд белгиланган.

Вилоят Давлат молиявий назорат бошқармасининг 2020 йил 26 декабрдаги 01/14-13-21-1382-сонли хатидан кўринишича, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг топшириғига асосан Н. вилояти бўйича Ички аудит ва молиявий назорат бўлими мутахассислари томонидан ўрганиш ўтказилган. Ўрганишда 2010-2017 йиллар оралиғида даъвогарга олий тоифали эканлиги инobatга олиниб, разряд бўйича жами 74.313.594 сўм иш ҳақи тўланиши лозим бўлса-да, тоифасиз 6 разряд бўйича жами 59.386.009 сўм тўланганлиги, 14.927.585 сўм фарқ тўланмаганлиги кўрсатилган.

Судлар Меҳнат кодексининг 112, 275-моддаларини қўллаб, қайд этилган вилоят Давлат молиявий назорат бошқармасининг 2020 йил 26 декабрдаги 01/14-13-21-1382-сонли хатига асосланиб, иш берувчи томонидан даъвогарга иш ҳақларини нотўғри тўланиши оқибатида даъвогарга 14.927.585 сўм зарар етказилганлигини, натижада даъвогар маънавий зарар кўрганлигини инobatга олиб, даъво талабларини қисман қаноатлантириш ҳақида хулосага келган.

Бироқ ишни судда кўриш жараёнида жавобгар — санатория вакили ариза билан мурожаат қилиб, даъвогар даъво муддатини ўтказиб юборганлиги сабабли даъво муддатини қўллаб, даъво ни рад этишни сўраган.

Меҳнат кодексининг 270-моддасига кўра, ишга тиклаш низолари бўйича ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой, бошқа меҳнат низолари бўйича ходим ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб уч ой муддат ичида судга ёки меҳнат низолари комиссиясига мурожаат этиши мумкин.

Даъвогар А. эса, ўзига нисбатан иш ҳақлари нотўғри ҳисобланганини ишлаб юрган даврда билган бўлса-да, иш берувчи томонидан 2010-2017 йиллардаги иш ҳақлари нотўғри ҳисобланганлигини, шу муносабат билан ҳуқуқи бузилганлиги сабабли иш ҳақи ўртасидаги фарқ сифатида етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъво талаби билан судга 4 йилдан сўнг 2021 йил 19 апрелда муро-

жаат қилган.

Даъвогар А. суд мажлисидаги тушунтиришида, санатория маъмурияти томонидан унга иш ҳақлари нотўғри ҳисобланганлигини ишлаб юрган вақтда билганлигини, ушбу ҳолат юзасидан иш берувчига ва юқори ташкилотларга мурожаат этганлигини, бироқ судга мурожаат этмаганлигини инкор этмаган.

ФКнинг 153-моддасига кўра, қўлланиш тўғрисида низодаги тараф баён қилган даъво муддатининг ўтиши суднинг даъвони рад этиш ҳақида қарор чиқариши учун асос бўлади.

Бироқ қуйи суд инстанциялари даъвогар А. қонунда белгиланган 3 ойлик даъво муддатини узрсиз сабабларга кўра, ўтказиб юборганлигини, муддатнинг ўтишини узрли эканлигини тасдиқловчи далилларни судга тақдим этмаган бўлса-да, даъвогар А. даъво талабида тўланмаган иш ҳақини эмас, балки етказилган моддий зарарни ундиришни талаб қилаётганлигини асос қилиб, даъво муддати ўтмаган деб ҳисоблаб, даъвони қаноатлантириш ҳақида нотўғри хулосага келган.

6. Мулкдор ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилишга ҳақли.

Даъвогар - И. жавобгарлар Ж. ва унинг оила аъзоларига нисбатан уйдан мажбурий тартибда чиқариш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилган.

Туманлараро судининг 2021 йил 26 майдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво талабини қаноатлантириш

рад қилинган.

Апелляция инстанциясининг 2021 йил 7 сентябрдаги ажрими билан суднинг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Қуйидаги асосларга кўра, Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 1 февралдаги

ажрими билан суд ҳужжатлари бекор қилиниб, даъво талабини қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Аниқланишича, К. тумани, Арчазор кўчасидаги умумий майдони 600 кв.метр бўлган 2-сонли уй-жой 2015 йил 9 декабрдаги васиятнома

бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномага асосан З.га тегишли бўлган.

Туман ҳокимининг 2016 йил 22 февралдаги Х-617/02-сонли "Ш. шахрининг бош режаси асосида бузилишга тушган Арчазор кўчаси, 2-уйнинг эгаси З.га уй-жойи бузилишга тушганлиги муносабати билан компенсация белгилаш, турар-жой бинолари ва иморатларини бузиш тўғрисида"ги қарори билан З.га тегишли Арчазор кўчаси, 2-уйнинг йўл қурилиш остига тушган 144 кв.метр ер майдони жамоат ва давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш ва уй-жой иморатларни бузиб ташлаш белгиланган.

Ушбу қарорнинг 3-бандида уй-жойнинг бузилишга тушган қисми 256.871.538 сўмга баҳоланиб, шундан бузиб олинган материаллар қиймати чегирилган ҳолда 206.975.671 сўм компенсация пули маҳаллий бюджет ҳисобидан тўланиши белгиланган.

Шунингдек, қарорнинг 5-бандида қайта қуриладиган биноларнинг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лицензияга эга бўлган ташкилотлар билан шартнома тузиб, лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва қурилишни белгиланган муддатда амалга ошириш З.нинг зиммасига оқлатилган.

З.нинг қайта қуришни ўз ҳисобидан амалга ошириш имкони йўқлиги тўғрисидаги аризаси ҳамда туман хо-

кимлиги ҳузуридаги "Бузиладиган уй-жойларни аниқлаш, тўлов миқдори ва компенсация турини белгилаш туман махсус комиссияси"нинг далолатномасига асосан туман ҳокимининг 2016 йил 21 июлдаги Х-3039/07-сонли қарори билан 2016 йил 22 февралдаги Х-617/02-сонли қарорининг 3 ва 5-бандлари бекор қилинган ва компенсация пулларининг бир қисми давлат ҳисобидан, бир қисми, яъни йўл минтақаси ташқарисидан бузиб қайта қуриладиган қисми учун И. томонидан З.га 50.000.000 сўм тўлаб берилган.

Туман ҳокимининг 2018 йил 31 августдаги Х-1650/10-сонли қарорига асосан ажратилган 210,45 кв.метр ер майдонида, яъни Арчазор кўчасидан икки қаватли 1-қавати савдо ва маиший хизмат кўрсатиш, 2-қавати турар жой биноси даъвогар И. томонидан лойиҳалаштирилиб қурилган ва 2020 йил 5 февралда унинг номига рўйхатдан ўтказилиб, кўчмас мулк объектига кадастр ҳужжатлари тайёрланган.

И.га тегишли икки қаватли 1-қавати савдо ва маиший хизмат кўрсатиш, 2-қавати турар жой биносининг турар жой қисмида жавобгарлар яшаб келадиганлиги сабабли даъвогарларни ўзига тегишли турар жойдан уларни чиқаришни талаб қилган.

Судлар даъвогар И. низо-

ли уй-жойни 2018 йилда қуриб битказганлигини, ўша вақтда ҳам жавобгар З. оила аъзолари билан бирга шу уй-жойда яшаб келганлигини, 2018 йилда жавобгар Ж. уйланганида жавобгар М.нинг қуриб битказилган уйнинг 2-қаватида яшашига розилик берганлигини инobatга олиб, жавобгарларни низоли уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқи мавжуд деб ҳисоблаб, даъво талабини қаноатлантиришни рад қилган.

Бироқ қуйи суд инстанциялари жавобгар З. ўзига тегишли уй-жойнинг давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун бузилишга тушган қисми учун компенсацияни тўлиқ олганлигини, шундан сўнг ер майдонининг олиб қўйилган 210,45 кв.метр қисми лойиҳа ҳужжатлари асосида икки қаватли, 1-қавати савдо ва маиший хизмат кўрсатиш, 2-қавати турар жой биносини қуриш учун даъвогар И.га доимий фойдаланиш учун ажратилганлигини, И.га ажратилган ер майдонида қуриб битказилган бинога нисбатан унинг мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилганлигини, низоли уй-жойнинг мулкдори даъвогар И. эканлигини ва мазкур ҳолатда даъвогар ўз мулкни бошқа шахсларнинг қонунсиз эгаллигидан талаб қилиб олишга ҳақли эканлигини эътиборга олмасдан, даъвони рад қилиш ҳақида нотўғри ҳулосага келган.

7. Умумий мулк иштирокчисининг розилигисиз сотилган ва кўчмас мулкни сотиш шартномаси шартларига риоя қилинмасдан тузилган тилхатлар асосида олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топиш қонунга зид ҳисобланади.

Даъвогар — Ш. жавобгарлар — Х. ва Р.га нисбатан хонадонга оид 2010 йил сен-

тябрда тузилган олди-сотди битимини даъво муддатини тиклаб, ҳақиқий деб топиш-

ни сўраган.

Биринчи инстанция судининг 2021 йил 2 августдаги

ҳал қилув қарорига мувофиқ даъвогар Ш.нинг даъво аризаси рад қилинган.

Апелляция инстанциясининг 2021 йил 26 ноябрдаги ажрими билан суд қарори бекор қилиниб, даъвогар Ш.нинг даъво аризасини қаноатлантириш тўғрисида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Куйидаги асосларга кўра, Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йил 22 январдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, жавобгарлар Х. ва Р. 2005 йил 19 июнда қонуний никоҳдан ўтиб турмуш қуришган, турмушлари давомида низодаги хонадонни Х.нинг номига 2006 йил 22 августдаги олди-сотди шартномасига асосан сотиб олишган.

Ишдаги жавобгар Х. номидан ёзилган 2010 йил 25 сентябрдаги тилхатдан кўринишича, у низодаги хонадонни Ш.га 6.800 АҚШ долларига сотган, унинг пулидан 100 АҚШ доллари закат олган, қолган пулни бергандан сўнг расмийлаштиришини кўрсатган. Ушбу тилхатда 10 ноябрь куни Ш.дан унинг пулидан яна 950 АҚШ доллари ва 340.000 сўм олганлиги қайд этилган.

2010 йил 16 декабрдаги тилхатда Х. унинг пулидан жами 2.750 АҚШ доллари ва 570.000 сўм олганлиги, 2011 йил 6 апрелдаги тилхатда жами унинг пули учун 3.650 АҚШ доллари ва 2.000.000 сўм олганлиги, 2011 йил 18 октябрда унинг пулидан

жами 3.950 АҚШ доллари ва 3.684.000 сўм олганлиги, 2011 йил 24 декабрда яна 450 АҚШ доллари олганлиги, 2012 йил 14 мартда жами 6.100 АҚШ доллари олганлиги қайд этилган.

2013 йил 8 мартдаги тилхатда эса, "пулимдан синглимга 400 доллар берди Х. учун 6.500 эди 6.500-400=6.100 доллар қолди" деган ёзув кўрсатилган.

Биринчи инстанция суди ФКнинг 112, 150, 153, 154, 386-моддаларини қўллаб, жавобгар Х. уй учун пулни олганлиги ҳақидаги тилхатларни ёзмаганлиги, тилхатлар ҳар хил ёзувларда ёзилганлиги, жавобгар Х.нинг қонуний никоҳда бўлган турмуш ўртоғи Р. келишувда иштирок этмаганлиги, тилхатларга имзо қўймаганлиги сабабли битимни ҳақиқий деб ҳисоблаб бўлмаслиги, битимни ҳақиқий деб топишда унинг қонунийлиги муҳим шарт саналиши, даъвогар томонидан тақдим этилган тилхатлар иш бўйича мақбул далил бўла олмаслиги, бундан ташқари даъвогар даъво муддатини ўтказиб юборганлигини инобатга олиб, даъво аризани рад қилишни лозим топган.

Апелляция инстанцияси жавобгар Р.нинг низоли хонадонни турмуш ўртоғи Х. даъвогар Ш.га сотганлигидан хабари бўлмаганлиги, бу ҳақда яқинда хабар топганлиги ҳақида билдирган важлари суд томонидан асоссиз деб топилган, чунки Р.нинг судлов ҳайъати суд мажлисида ва биринчи инстанция суди мажлисларида берган баёнотларида унинг низоли хонадон Х. томонидан даъво-

гарга сотилганлиги, келишув тузилганлигини исботлаш ва унинг ижросини таъминлаш сифатида закат пули ҳам берилганидан хабардор бўлганлиги қайд этилган.

Шунга кўра, апелляция инстанцияси Р. низоли хонадон олди-сотди битими расмийлаштирилганлигидан хабари бўлган деб ҳисоблаб, ФКнинг 112, 182-моддалари ва Оила кодексининг 24-моддасини қўллаб, тарафлар ўртасида тузилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топган.

Низоли хонадон эр-хотиннинг никоҳлари давомида сотиб олинган бўлиб, Оила кодексининг 23-моддасига асосан тарафларнинг умумий мулки ҳисобланади.

Бироқ низоли хонадон сотилишига умумий мулк улушли мулкдори Р.нинг ёзма розилиги олинмаган, суд муҳокамалари давомида ҳам бундай розилик берганлигини тан олмаган, унинг хонадон сотилишидан хабари бўлганлиги тўғрисидаги кўрсатмалари ҳам суд мажлиси баённомаларида қайд этилмаган, аксинча, барча кўрсатмаларида буни инкор қилиб келган.

Шундай экан, умумий мулк иштирокчисининг розилигисиз сотилган ва кўчмас мулкни сотиш шартномаси шартларига риоя қилинмасдан тузилган тилхат асосида тузилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий, деб топиш қонунга зид ҳисобланади.

Апелляция инстанцияси ушбу ҳолатларни эътиборга олмасдан, қонуний ва асосли бўлган суд қарорини бекор қилиб, даъво талабини қаноатлантириш хусусида нотўғри тўхтамга келган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ
Қ А Р О Р И

2022 йил 28 апрель

№ РС-32-22

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг биринчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан тайёрланган 2022 йилнинг биринчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори юзасидан қуйидагиларни таъкидлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончини ошириш чоратадбирлари тўғрисида" 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармонида ишларни кассация тартибида кўриб чиқиш амалиёти обзорларини ҳар чоракда эълон қилиш вазифаси белгиланган бўлиб, бу суд органлари фаолиятининг шаффофлигини янада таъминлаш, аҳоли билан очиқ мулоқотни кенгайтириш ва одил судловни амалга оширишда жамоатчилик ролини кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Статистик таҳлилларга

кўра, 2022 йилнинг биринчи чорагида судлов ҳайъати томонидан биринчи инстанцияда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги 2 та иш кўрилган бўлиб, 1 таси бўйича арз қилинган талаб қаноатлантирилган бўлса, 1 таси бўйича рад этилган.

Апелляция тартибидаги шикоят (протестлар) бўйича оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низолар юзасидан 1 та иш судлов ҳайъатида кўриб чиқилган бўлиб, биринчи инстанция судининг қарори бекор қилиниб, иш юритиш тугатилган.

Ушбу даврда кассация шикоятлари (протестлари) асосида 342 та иш кўриб чиқилган бўлиб, шундан 299 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган, 42 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилинган, 1 таси юзасидан иш юритиш тугатилган.

Шунингдек, такрорий

кассация тартибидаги протестлар асосида 12 та оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низолар кўриб чиқилган.

Таҳлиллардан кўринишича, суд қарорлари бекор қилинишига моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари бузилиши, иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаганлиги ёки уларга нотўғри баҳо берилганлиги, айрим ҳолларда эса, низога нисбатан моддий ҳуқуқ нормалари нотўғри қўлланилиши асос бўлмоқда.

Кассация инстанциясида кўрилган ишлар бўйича суд обзорида судлар томонидан йўл қўйилаётган хатолар таҳлил қилинганлиги ва обзордаги таҳлиллар судьялар томонидан ўрганилиши ва ундан амалиётда тўғри фойдаланилиши келгусида суд қарорлари барқарорлигини таъминлашга хизмат қилишини инобатга олиб, обзорни жойларда судьялар иштирокида ўрганиш ва ундан амали-

ётда фойдаланишга кенгроқ эътибор қаратиш лозим.

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг биринчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси" ҳамда "Куч-адолатда" газетаси бирлашган тахририяти (Ш.Ҳамроев), "Одил судлов" — "Правосудие" журнали тахририяти (К.Убайдиллоев), Олий суднинг Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси (А.Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Б.Очилов) суд амалиёти обзори "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси", "Одил судлов" — "Правосудие" жур-

Юқорида қайд этилганларга кўра, шунингдек, "Судлар тўғрисида" ги

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

нали ҳамда Олий суднинг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати (Ф.Турсунов) ҳамда вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари зиммасига:

ушбу суд амалиёти обзорини китобча шаклида чоп этиб, вилоятлар, туманлараро маъмурий судларининг ҳар бир судьясига реестр орқали етказилишини ҳамда суд амалиёти обзорини ўрганиш ва амалиётда фойдаланиш самарадорлигини ошириш юзасидан амалий чоралар кўрилишини таъминлаш;

суд амалиёти обзорини барча судьялар иштирокида ўрганиш мақсадида **2022 йил май ойида** видеоконференцалоқа режимида ин-

Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасига асосан, Олий суд Раёсати

терфаол семинар машғулотини ўтказиш;

бажарилган ишлар ҳақидаги батафсил маълумотни Олий суднинг Пленуми ва Раёсати котибиятига электрон шаклда **2022 йил 1 июнга қадар** тақдим этиш юклансин.

4. Ушбу қарор вилоят ва унга тенглаштирилган судларга, туманлараро маъмурий судларга амалиётда фойдаланиш ва ишларни кўришда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича чораларни кўриш учун юборилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари — маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг раиси Р.Махмудова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий суди раиси**

К. КАМИЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг биринчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти О Б З О Р И

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончли ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида" 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Олий суднинг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг биринчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Статистик таҳлиллардан кўринишича, 2022 йил биринчи чорагида Олий суднинг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 704 та шикоят ва протестлар ўрганиб чиқилган, шундан умумий мазмундаги мурожаатлар 362 тани ташкил этган.

Шикоятларни ўрганиш натижаси бўйича уларнинг 49 таси қабул қилишдан рад қилинган, 89 таси қайтарилган, 111 таси бўйича муаллифларга тушунтиришлар берилган, 5 таси тегишлилиги бўйича юборилган, 1 таси юзасидан суд қарорларига нисбатан кассация протести киритилган ҳамда 107 таси Олий суд раисининг биринчи ўринбосари томонидан рад қилинган.

Судлов ҳайъати томонидан ушбу даврда

биринчи инстанцияда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги 2 та иш кўрилган бўлиб, 1 таси бўйича арз қилинган талаб қаноатлантирилган бўлса, 1 таси бўйича аризани рад этиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Апелляция тартибидаги шикоят ва протестлар бўйича оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низолар юзасидан 2022 йилнинг биринчи чорагида 1 та иш судлов ҳайъатида кўриб чиқилган бўлиб, биринчи инстанция судининг қарори бекор қилиниб, иш юритиш тугатилган.

Ушбу даврда кассация шикоятлари (протестлари) асосида 342 та иш кўриб чиқилган бўлиб, шундан 299 та иш бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган, 42 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилинган, 1 таси бўйича иш юритиш тугатилган.

Шунингдек, такрорий кассация тартибидаги протестлар бўйича 12 та оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низолар кўриб чиқилган.

Таҳлил натижаларига кўра, ўрганиш даврида биринчи ва апелляция инстанцияси судлари томонидан аксарият ҳолларда ишлар тўғри ҳал этилган бўлса-да, баъзи ҳолатларда моддий ва процессуал қонун нормалари бузилишига йўл қўйилгани аниқланган бўлиб, буни қуйидаги мисоллардан кўриш мумкин.

1. Қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш асосларига амал қилинмаслиги суд қарорларини бекор қилиш учун асос бўлади.

Вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2021 йил 2 ноябрдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган, туманлараро маъмурий судининг 2021 йил 5 октябрдаги ажримига асосан аризачилар З.Р. ва бошқалар-

нинг қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризаларини қаноатлантириш рад этилган.

Олий суд Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2022

йил 22 январдаги қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, иш мазмунан кўриш учун биринчи инстанция судига юборилган.

Иш ҳужжатларига кўра, аризачилар қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги

очилган ҳолат бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризасига асос сифатида жиноят ишлари бўйича Ш. туман судининг 2021 йил 17 июндаги ажримини келтирган.

Биринчи инстанция суди ишда иштирок этувчи шахс З.П. жиноятни мазкур ишни кўриш чоғида содир этмаган, унинг санок комиссияси раиси ва комиссия аъзоларининг имзоларини сохталаштиргани суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар асосида қайта кўришга асос бўлмайди, деб ҳисоблаб, аризани рад этган.

Апелляция инстанцияси суди суднинг ушбу хулосаси билан келишиб, суд ажримини ўзгаришсиз қолдирган.

Шу билан бирга жиноят ишлари бўйича Ш. туман судининг 2021 йил 17 июндаги ажримига асосан З.П. "XXX" МФЙ раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи раиси вазифасини бажариб келиб, 2019 йил 20 майдаги "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловида овоз бериш натижалари тўғрисида"ги 2-сонли баёнига расликка номзод З.М. 147 та овоз, Ш.А. 100 та овоз, М.В.

35 та овоз олгани ҳақида сохта маълумотлар киритгани, баённомадаги санок комиссияси раиси М.М., комиссия аъзолари Х.М. ва З.Ш.ларнинг имзоларини қалбакилаштиргани аниқланган. Шу боис унга нисбатан Жиноят кодексининг 146-моддаси билан қўзғатилган жиноят иши содир этилган қилмиш ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига кириши, жиноят содир этилган вақтдан бошлаб икки йилдан кўп вақт ўтганлиги сабабли ЖПКнинг 84-моддаси биринчи қисми 1-бандига асосан айбллилик тўғрисидаги масала ҳал қилинмай тугатилган.

Ш. туман судининг 2021 йил 17 июндаги ажрими билан аниқланган ҳолатлар жавобгар Ш. туман "XXX" МФЙ раиси сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳининг хатти-ҳаракатларини қонунга хилоф, "XXX" МФЙ раиси сайлови яқунлари бўйича қабул қилинган 2019 йил 20 майдаги қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги аризани қонуний ҳал қилиш учун муҳим бўлган ҳолат ҳисобланса-да,

биринчи инстанция суди аризачиларнинг қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризани қаноатлантиришни рад этиб, нотўғри хулосага келган. Апелляция инстанцияси суди эса, иш ҳолатларини тўлиқ текширмасдан, биринчи инстанция судининг хулосаси билан келишиб хатога йўл қўйган.

Юқорида қайд этилганларга асосан, кассация инстанцияси суди ишни қайта кўриш учун асос бўлган ҳолатлар аниқланган кундан бошлаб олти ой ўтмаганлиги сабабли аризачилар томонидан ариза беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ҳақидаги илтимосномасини асосли деб ҳисоблаб, муддатни тиклашни, Ш. туман маъмурий судининг 2019 йил 19 ноябрдаги ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолатларга асосан бекор қилиб, аризани Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 29-бобида назарда тутилган асослар ва тартибда кўриш учун биринчи инстанция судига юборишни лозим топган.

2. Ишга манфаатдор шахс жалб этилмаганлиги натижасида процессуал ҳуқуқ нормалари бузилганлиги суд қарорини бекор қилишга асос бўлади.

Вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2021 йил 10 ноябрдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган, У. туманлараро маъмурий судининг 2021 йил 25 сентябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, аризачи С.Қ.нинг жавобгар У. туман ҳокимининг 2019 йил 8 июндаги 3965-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги аризасини қаноатлантириш рад этилган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, У. туман ҳокимининг 2019 йил 8 июндаги 3965-сонли қарори билан У. тумани, Ч қишлоғи, "К" маҳалласида жойлашган умумий майдони 1300 кв.метрдан иборат бўлган турар-жойга нисбатан К.Т.нинг эгалик ҳуқуқи белгиланган.

Ушбу қарордан норози бўлган С.Қ. ариза билан судга мурожаат қилган.

Биринчи инстанция суди аризачи томонидан судга

мурожаат қилиш муддати ўтказиб юборилганлиги сабабли аризани қаноатлантиришдан рад этган. Апелляция инстанцияси суди ҳам суд хулосалари билан келишган.

Шу билан бирга биринчи инстанция суди ишни кўришда процессуал ҳуқуқ нормаларини бузиб, У. туман ҳокимининг 2019 йил 8 июндаги 3965-сонли қарори билан У. тумани, "Ч" қишлоғи, "К" маҳалласида жойлашган

умумий майдони 1300 кв.метрдан иборат бўлган тураржой К.Т. номига расмийлаштирилиб, эгаллик ҳуқуқи белгиланган бўлса-да, К.Т.ни жалб этмасдан ишни мазмунан кўриб чиққан.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг (бундан буён матнда

МСИЮТКнинг деб юритилди) 244-моддаси тўртинчи қисми 4-бандига кўра, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини, апелляция инстанцияси судининг қарорини

ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун асос бўлади.

Ушбу сабабларга кўра, кассация инстанцияси судлов ҳайъати кассация протести ва шикоятини қаноатлантириб, суд қарорларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборишни лозим топган.

3. Судга мурожаат қилиш муддати узрсиз сабабларга кўра, ўтказиб юборилганлиги ҳақида нотўғри хулоса суд қарорлари бекор қилинишига асос бўлади.

С. туман ҳокимининг 1995 йил 6 октябрдаги 301-сонли қарорига асосан "Ш." акциядорлик жамиятига қарашли савдо дўкони ва дўкон жойлашган 24 м² ер майдони И.С. номига хусусийлаштирилган ҳамда Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармасининг 1995 йил 14 октябрдаги 1036-сонли буйруғига асосан унга 970-сонли мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи давлат ордери берилган.

С. туман ҳокимининг 2016 йил 10 июлдаги 977-сонли қарори билан Ж.А.га С. туман, Ш. шахри, "Ф". маҳалласи, Д. кўчасида жойлашган нонвойхона биносини реконструкция қилишга рухсат берилган.

Аризачи И.С. С. тумани ҳокимининг 2016 йил 10 июлдаги 977-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраб судга мурожаат қилган.

Биринчи инстанция суди аризачи И.С. судга ариза бериш муддатини узрли сабабга кўра, ўтказиб юборган деб топган ва муддатни тиклаган ҳамда И.С.нинг аризасини қаноатлантирган.

Апелляция инстанцияси

суди эса, аризачи И.С. низолашилган қарор ҳақида 2019 йил октябрь ойида хабар топган бўлса-да, у ўзининг ҳуқуқлари бузилгани маълум бўлган пайтдан эътиборан уч ой ичида судга мурожаат қилмаган ва муддатни узрсиз сабабларга кўра, ўтказиб юборган деб ҳисоблаб, ҳал қилув қарорини бекор қилиб, аризани рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилган.

Олий суд Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги "Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида"ги 24-сонли қарори 19-бандига кўра, судга мурожаат қилиш муддатига риоя қилиниши масаласи ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга ҳолат эканлиги сабабли, уни тиклаш ёки тиклашни рад этиш тўғрисидаги хулосалар, МСИЮТКнинг 156-моддаси биринчи қисми 2-бандига кўра, суднинг ҳал қилув қарорида асослантирилиши лозим.

Иш ҳолатларига кўра, аризачи унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер майдонида Ж.А. 2019 йилда ушбу ерга нонвойхонани таъмир-

лаш учун келган вақтда хабар топганлигини, шундан сўнг туман ҳокимининг қарори ва қарор қабул қилинишига асос бўлган ҳужжатларни олиш учун 2019 йил 23 октябрь куни туман ҳокимлигига берган аризасига кўра, 2020 йил 20 март куни ҳужжатлардан нусха олганлиги тасдиқланган. 2020 йил март ойидан республика ҳудудида карантин эълон қилинганлиги сабабли, аризачи И.С. 2020 йил 26 май куни судга ариза топширган. Бундай ҳолатда И.С. томонидан судга мурожаат қилиш учун белгиланган уч ойлик муддат ўтказиб юборилмаган деб ҳисобланади.

Апелляция инстанцияси суди Олий суд Пленумининг тушунтиришларига риоя қилмасдан, аризачи И.С. ҳуқуқлари бузилганлигини билган вақтга аниқлик киритмасдан, судга мурожаат қилиш муддати узрсиз сабабларга кўра, ўтказиб юборилганлиги ҳақида нотўғри хулосага келган.

Шуларга асосан кассация инстанцияси судлов ҳайъатининг қарори билан апелляция инстанциясининг қарори бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

4. Апелляция инстанцияси суди судьяси томонидан апелляция шикоятини асоссиз қабул қилиш рад этилганлиги суд ажримини бекор қилиш учун асос бўлади.

Ҳал қилув қарорига нисбатан учинчи шахс Р.А. томонидан апелляция шикояти берилиб, унда апелляция шикоятини беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ҳамда Қ. туман маъмурий судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш сўралган.

Вилоят маъмурий суди апелляция инстанцияси судьясининг 2021 йил 23 ноябрдаги ажрими билан апелляция шикояти беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш имкони йўқ деб топилган, шунингдек, Р.А. низолашилган қарорда кўрсатилган уй-жойни У.Х.га сотганлиги сабабли у суд қарорига нисбатан шикоят келтириш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс ҳисобланади, дея апелляция шикоятини қабул қилиш рад этилган.

Аниқланишича, Р.А. ушбу ишга учинчи шахс сифатида жалб қилинган бўлиб, суд мажлиси баённомаси ва ҳал қилув қароридан кўринишича, иш МСИЮТКнинг 148-моддасига асосан Р.А. суд мажлисига келмагани сабабли, унинг иштирокисиз кўриб чиқилган.

МСИЮТКнинг 161-моддаси биринчи қисмига кўра, суд ҳал қилув қарорининг кўчирма нусхаларини топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали ишда иштирок этувчи шахсларга ҳал қилув қарори эълон

қилинган кундан эътиборан беш кун ичида юборади ёки тилхат олиб топширади, ушбу шахсларнинг электрон почта манзиллари мавжуд бўлган тақдирда эса, ҳал қилув қарори электрон ҳужжат тарзида юборилиши мумкин.

Иш ҳужжатларида суднинг ҳал қилув қарори кўчирма нусхаси иш бўйича учинчи шахс Р.А.га юборилганлиги ва унга топширилганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмас.

Р.А. апелляция шикоятини беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ҳақидаги илтимосномасида бу ҳақида кейинчалик фуқаролик ишлари бўйича Ч. туманлараро судига чақирув бўйича борганида ва ўзига нисбатан кўзғатилган фуқаролик иши билан танишганда, суднинг қароридан хабардор бўлганлиги ва ундан нусха олганлигини кўрсатган.

Р.А. мазкур иш бўйича суд қарорига нисбатан апелляция шикояти билан 2021 йил 16 ноябрда мурожаат қилган бўлиб, бу эса, унинг ушбу суд қарори ҳақида фуқаролик иши ҳужжатлари билан танишган вақтда билганлиги ҳақидаги важларини асосли эканини кўрсатади.

Бундан ташқари судья суд қарорига нисбатан апелляция тартибида шикоят келтирган Р.А.ни суд қарори устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга эмас деб ҳисоблаб, хатога йўл қўйган.

Иш ҳужжатларидан кўри-

нишича, аризачи Х.Е. томонидан низолашилган "Т." қишлоқ фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг 1995 йил 27 августдаги 35/09-сонли қарори билан Р.А.га қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги "Т.Н." жамоа хўжалигидан 0,12 га ер ажратилган.

Аризачи Х.Е. айнан ушбу қарорларни ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган бўлиб, бу қарорлар бевосита учинчи шахс Р.А. учун уй-жойга нисбатан ҳуқуқ вужудга келишига асос бўлганлиги ва у иш бўйича манфаатдор шахс ҳисобланиб, биринчи инстанция суди томонидан ҳам ажрим билан у ишга учинчи шахс сифатида жалб қилинганига эътибор қаратмасдан, уни суд қарорига нисбатан шикоят келтириш ҳуқуқига эга эмас, деб ҳисоблаган ва процессуал ҳуқуқ нормаларини нотўғри қўллаган.

Кассация инстанцияси суди юқоридаги асосларга кўра, вилоят маъмурий суди судьясининг 2021 йил 23 ноябрдаги ажримини бекор қилиб, Р.А.нинг апелляция шикояти беришнинг ўтказиб юборилган муддатини тиклаш ҳақидаги илтимосномаси қаноатлантирилган ва апелляция шикояти апелляция инстанцияси судида кўриш учун юборилган.

5. Жамоат назорати субъекти сифатида мурожаат қилган аризачининг аризаси судлар томонидан кўриб чиқилиши лозим.

Аризачи И.Х. маъмурий судга мурожаат қилиб, жавобгар Я. туман ҳокимининг ҳаракатини қонунга хилоф деб топишни ва мажбурият юклашни сўраган.

Н. туманлараро маъмурий судининг 2021 йил 24 июлдаги ажрими билан ариза кўрмасдан қолдирилган.

Т. вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2021 йил 3 декабрдаги қарори билан ажрим ўз кучида қолдирилган.

И.Х. биринчи ва апелляция инстанцияси судларининг суд ҳужжатлари устидан кассация шикояти билан мурожаат қилган.

Аризачи И.Х. жамоат назоратини амалга оширишда Х.М.га мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ва 288 кв.м ер майдонида жойлашган кўчмас мулк учинчи шахс "И.Я. деҳқон бозори" МЧЖ томонидан бозор ҳудудини қайта реконструкция қилиш мақсадида туман ҳокимининг рухсатига асосан бузиб ташлаганини аниқлаган.

Кейинчалик 2018 йил 7 февралда Я. тумани ҳокими бозор ҳудудини қайта қуриш тўғрисида 32-сонли

қарор қабул қилган.

Учинчи шахс "И.Я. деҳқон бозори" МЧЖ Х.М.нинг мулки жойлашган ер майдонида бўлган ҳуқуқи бекор қилинмаган бўлса-да, ушбу ер майдонида ҳар бири 20 кв.м. бўлган 14 та қурилиш объектларини қуриб, жавобгар билан бирга бошқа шахслар эгаллигига ўтказган.

Ч. тумани маъмурий судининг 2019 йил 29 июлдаги ҳал қилув қарори билан Я. туман ҳокимлигининг мулкни бузиш билан боғлиқ ҳаракатлари қонунга хилоф деб топилган.

Аризачи Я. туман ҳокимлигининг ҳаракатларини қонунга зид деб ҳисоблаб, "Жамоат назорати тўғрисида"ги Қонунга асосан маъмурий судга мурожаат қилган.

Биринчи инстанция суди аризачи И.Х. ваколати қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончномасиз марҳум Х.М.нинг манфаатида судга ариза билан мурожаат қилган, деган хулосага келган ҳамда МСИЮтКнинг 105-моддасига асосан аризани кўрмасдан қолдирган. Апелляция инстан-

цияси суди ҳам биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган хатоликни тузатмасдан ажримни ўз кучида қолдириш ҳақида қарор қабул қилган.

Кассация инстанцияси суди томонидан аниқланишича, И.Х. маъмурий судга "Жамоат назорати тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддасига кўра, жамоат назорати субъекти сифатида мурожаат қилган ва бу учун унинг ваколатини тасдиқловчи ишончнома талаб этилмайди. "Жамоат назорати тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддасига кўра, мамлакатимиз фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назорати субъектларидир.

Ушбу ҳолатлар қуйи инстанция судлари томонидан инобатга олинмагани сабабли кассация инстанциясининг қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, иш мазмунан кўриб чиқиш учун биринчи инстанция судига юборилган.

6. Иш ҳолатларини тўлиқ ва синчковлик билан текширилмасдан, таҳминларга асосланган далиллар асосида қарор қабул қилинганлиги суд қарорини бекор қилишга асос бўлади.

Туманлараро маъмурий судининг 2021 йил 29 декабрдаги ҳал қилув қарори билан "А-А-Х" фермер хўжалигининг Қ. туман ҳокимининг 2020 йил 5 ноябрдаги НҚ-1892/12 ва НҚ-1893/12-сонли қарор-

ларини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги аризасини қаноатлантириш рад этилган.

Вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2022 йил 9 февралдаги қарори билан ҳал

қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, Қ. туман ҳокимининг 2004 йил 24 январдаги Х-40/2-сонли қарори билан "А-А-Х" фермер хўжалигига 37,3 га ер майдони ажратилган.

2008 йилда ер майдонлари мақбуллаштирилиши муносабати билан фермер хўжалигига ажратилган ер майдони туман захира ер фондига қайтарилган ва туман ҳокимининг 2008 йил 16 ноябрдаги Х-311/12-сонли қарори билан "А-А-Х" фермер хўжалигига туман захира ер фондидан 40,3 га ер майдони ажратилган.

Бироқ фермер хўжалиги ва туман ҳокимлиги ўртасида ер майдонини ижарага олиш бўйича шартнома тузилмаган ҳамда ер майдонига бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берилмаган.

Қ. туман ҳокимининг 2020 йил 5 ноябрдаги НQ-1892/12-сонли қарори билан "А-А-Х" фермер хўжалигининг 25,7 га ер майдони фермер хўжалиги раҳбарининг аризасига асосан туман захира ер фондига қайтарилган.

Қ. туман ҳокимининг 2020 йил 5 ноябрдаги НQ-1893/12-сонли қарори билан Н.А.га кўп тармоқли пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил қилиш учун 31,7 га ер майдони ажратилган.

Биринчи инстанция суди аризачи судга мурожаат қилиш муддатини узрсиз сабабларга кўра, ўтказиб юборган, шунингдек, Қ. туман ҳокимининг 2020 йил 5 ноябрдаги НQ-1892/12-сонли қарори фермер хўжалиги раҳбарининг аризасига асосан қабул қилинганлиги ҳокимликдаги аризаларни рўйхатга олиш китобидаги ёзувлар билан

тўлиқ исботланган деб ҳисоблаб, аризани рад этиш ҳақида хулосага келган.

Апелляция инстанцияси суди ҳам биринчи инстанция судининг хулосалари билан келишган.

Шу билан бирга кассация инстанцияси суди томонидан аниқланган ҳолатларга кўра, Қ. туман ҳокимининг 2020 йил 5 ноябрдаги НQ-1892/12-сонли қарори аризачига тақдим қилинганлигини тасдиқловчи далиллар ишда мавжуд бўлмаган.

Туман ҳокимининг ушбу қарори билан туман ҳокимлиги захира ер фондига қайтарилган ер майдонидан амалда 2021 йил октябрь ойига қадар аризачи "А-А-Х" фермер хўжалиги фойдаланиб келган.

Шу вақтгача фермер хўжалиги ғалла ва пахта етказиб бериш бўйича тузилган шартномаларга асосан маҳсулотларни давлат буюртмаси асосида топширган.

Бу ҳолатда аризачининг туман ҳокимининг низоли қарорлари қабул қилинганидан хабардор бўлган ҳолда унинг судга мурожаат қилиш муддатини узрсиз сабабларга кўра, ўтказиб юборган деб баҳолаб бўлмайди.

"А-А-Х" фермер хўжалигининг ер майдони захирага қайтарилган куннинг ўзида Қ. туман ҳокимининг 2020 йил 5 ноябрдаги НQ-1893/12-сонли қарори билан Н.А.га фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ер майдонини ажратиб бериб, ўша вақтда амалда бўлган

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган "Ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида"ги Низом ҳамда Адлия вазирлигида 2005 йил 19 ноябрда 1523-сон билан рўйхатдан ўтказилган "Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида"ги Низом талабларини бузган.

Қолаверса, очиқ танлов ҳақида эълон берилмаган, танловда фақатгина Н.А.-нинг ўзи иштирок этиб, танлов ғолиби деб топилган.

Биринчи инстанция суди моддий ҳуқуқ нормаларини нотўғри қўллаб, асоссиз равишда "А-А-Х" фермер хўжалигининг судга мурожаат қилиш муддатини узрсиз сабабларга кўра, ўтказиб юборган, деб топиб, фермер хўжалиги бошлигининг туман ҳокими номига ёзган аризаси мавжудлигини тасдиқловчи далиллар етарли бўлмаган ҳолатда бундай ариза мавжуд деб ҳисоблаб, аризани қаноатлантиришдан рад этиш ҳақида хулосага келган.

Ушбу камчиликларга апелляция инстанцияси суди томонидан ҳам эътибор қаратилмагани ва биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган хатоликлар тузатилмагани сабабли кассация судлов ҳайъати суд қарорларини бекор қилиб, "А-А-Х" фермер хўжалигининг аризасини қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилган.

7. Суд томонидан ишнинг қонунга хилоф таркибда кўрилгани суд қарорларининг бекор қилинишига асос бўлади.

Аризачи — А.Х. судга му-рожаат қилиб, жавобгар - Б. туман ҳокимининг 2008 йил 9 сентябрдаги 281-қ-сонли ва 2016 йил 12 августдаги 746-сонли қарорларини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Туманлараро маъмурий судининг 2021 йил 29 апрелдаги ҳал қилув қарори билан арз қилинган талабларни қаноатлантиш рад қилинган.

Вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2021 йил 6 июлдаги қарори билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2021 йил 14 октябрдаги қарори билан суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Туманлараро маъмурий судининг 2021 йил 25 ноябрдаги ажрими билан С.Х. туманлараро маъмурий судининг 2021 йил 29 апрелдаги ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризасини қаноатлантириш рад қилинган.

Вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2022 йил 13 январдаги қарори билан биринчи

инстанция судининг ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

Ишни апелляция инстанцияси судида кўришда процессуал ҳуқуқ нормалари бузилишига йўл қўйилиб, иш қонунга хилоф таркибда, яъни ушбу ишни биринчи инстанция судида кўришда иштирок этган судья иштирок этган таркибда кўрилган.

Шунингдек, апелляция инстанциясининг 2022 йил 13 январдаги ажрими билан МСИЮтКнинг 21-моддасида кўрсатилган судьяни рад қилиш ҳақидаги асослар мавжуд эмас, деб ҳисобланиб, С.Х.нинг судья Х.Х.ни рад қилиш тўғрисидаги аризаси ҳам асоссиз равишда рад этилган.

МСИЮтКнинг 20-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, ишни биринчи инстанция судида кўришда иштирок этган судья шу ишни апелляция ёки кассация инстанцияси судида кўришда иштирок этиши мумкин эмас. Бу Олий суд Пленумининг "Маъмурий ишларни кўришда биринчи инстанция суди томонидан процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида" 2018 йил 19 майдаги 15-сонли қарори 25-

бандида белгиланган.

МСИЮтКнинг 21-моддаси 1-бандига мувофиқ, мазкур иш илгари кўрилганда судья сифатида иштирок этган бўлса ва ишни кўришда унинг такрорий иштирок этишига ушбу Кодекс талабларига мувофиқ йўл қўйилмаса, судья ишни кўришда иштирок этиши мумкин эмас ва рад қилиниши лозим.

Ушбу Кодекснинг 23-моддаси биринчи қисмида юқорида кўрсатилган асос мавжуд бўлганда, судья ўзини ўзи рад қилиш ҳақида арз қилиши шартлиги белгиланган бўлса-да, судья Х.Х. ўзини ўзи рад қилиш ҳақида арз қилмаган.

Апелляция инстанцияси суди томонидан процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги нотўғри суд қарорининг қабул қилинишига олиб келгани, бу эса, МСИЮтКнинг 244-моддаси тўртинчи қисми 1-бандига асосан, апелляция инстанцияси судининг қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун асос бўлиши сабабли, кассация инстанцияси томонидан апелляция инстанцияси судининг қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун апелляция инстанциясига юборган.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ РАЁСАТИНИНГ
Қ А Р О Р И

2022 йил 28 апрель

№ РС-33-22

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг биринчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида" 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг биринчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Олий суд Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йилнинг биринчи чораги давомидаги иш фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг иш режаси ва тасдиқланган Дастурлар, Йўл харитасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган, шу жумладан,

қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари кассация тартибида қайта кўрилган.

Ҳисобот даврининг бошига қолдиқдаги апелляция шикоятлари сони 23 тани ташкил этиб, 2022 йилнинг биринчи чораги давомида Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига 74 та апелляция шикояти келиб тушган ва улардан: 23 та шикоят қайтарилган, 5 та шикоятни қабул қилиш рад этилган, 46 та шикоят (протест) иш юритувга қабул қилинган. Апелляция тартибида жами 47 та иш кўриб чиқилиб, улардан: 32 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилиб, 3 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгартирилган ва 12 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилиниб, шундан 4 таси бўйича иш янгидан кўриш учун юборилган, 6 таси бўйича янги қарор қабул қилиниб, шундан 2 таси бўйича иш юритиш тугатилган. 22 та шикоят (шундан 1 таси бўйича иш юритиш тўхтатилган) ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган.

Ҳисобот даврининг бошига қолдиқдаги кассация шикоятлари сони 199 тани ташкил этиб, ҳисобот даврида жами 517 та кассация шикоятлари (протестлари) келиб тушган. Улардан: 162 таси қайтарилган, 34 тасини қабул қилиш рад этилган, 321 таси (протест) иш юритувга қабул қилинган.

Жами 327 та шикоят (протест) кўриб чиқилган. Шундан: 226 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган, 14 та суд ҳужжатлари ўзгартирилган, 87 та суд ҳужжатлари бекор қилинган. Шундан: 53 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилган, 22 таси бўйича янги қарор қабул қилиниб, 12 таси бўйича аввал қабул қилинган суд ҳужжати ўз кучида қолдирилган. 193 та шикоят ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган бўлиб, 8 таси бўйича иш юритиш тўхтатилган.

Шунингдек, ҳисобот даврининг бошига қолдиқдаги такрорий кассация шикоятлари сони 3 тани ташкил

этиб, ҳисобот даврида иш-ни кассация тартибида так-роран кўриш тўғрисида 16 та ариза келиб тушган ва улардан 10 таси кўриб чи-қилиб, 1 таси бўйича суд ҳужжати ўзгаришсиз қолди-рилган, 9 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжат-лари бекор қилинган ва улардан 5 таси бўйича иш янгидан кўриш учун юборил-ган, 3 таси бўйича янги қарор қабул қилиниб, 1 таси бўйича аввал қабул қилин-ган суд ҳужжати ўз кучида қолдирилган. 9 та ариза ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган.

Хоразм ва Андижон вило-ятлари иқтисодий судлари томонидан 2020-2021 йил-ларда одил судловни таъ-минлаш борасида амалга оширилган ишлар ва ташки-лий фаолият амалий ёрдам кўрсатиш йўли билан ўрга-нилиб, натижалари Хоразм вилояти иқтисодий судлари-нинг фаолияти бўйича Олий суд Раёсати муҳокамасига киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Шартно-мавий муносабатларни туб-дан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2021 йил 14 сентябрдаги ПФ-6313-сонли Фармони 8-банди ижросини таъмин-лаш мақсадида мазкур Фармон билан тасдиқланган "Фуқаролик-ҳуқуқий тусда-ги шартномаларни тузиш ва мажбуриятларни бажариш-даги муносабатларни яна-да такомиллаштириш бўйи-ча чора-тадбирлар режаси"-нинг 16-бандига асосан иқтисодий судлар томони-дан 2021 йил давомида шартномавий-ҳуқуқий муно-сабатлардан келиб чиқади-

ган низоларни кўриш ҳамда шартномалар шартларини шарҳлашда қонунчилик ҳуж-жатларини қўллаш бўйича суд амалиёти умумлашти-рилиб, натижалари Олий суд Раёсати муҳокамасига киритилган. Ўзбекистон Рес-публикаси Президентининг "Ер участкаларидан фойда-ланишда давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғриси-да" 2022 йил 21 февралда-ги ПҚ-138-сонли қарори 13-банди ижросини таъ-минлаш мақсадида иқтисо-дий судлар томонидан 2020-2021 йиллар давомида ер участкаларида ўзбошимча-лик билан қурилган бино ва иншоотларни бузиш билан боғлиқ ишларни кўриш суд амалиёти умумлаштирил-ган.

2021 йилнинг тўртинчи чорагида иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати то-монидан кассация тартиби-да кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тай-ёрланиб, Олий суд Раёса-тининг муҳокамасига кири-тилган.

Ишларни биринчи, апел-ляция ва кассация инстан-цияси судларида кўришда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллашда қуйидаги айрим хато ва кам-чиликларга йўл қўйилганли-ги сабабли, кассация ин-станцияси суди томонидан суд ҳужжатлари ўзгартирил-ган ва бекор қилинган:

жумладан, иш учун аҳа-миятли ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмагани, моддий ва (ёки) процессу-ал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғ-ри қўлланилганлиги суд қарорларини бекор қилиш

учун асос бўлиши;

иқтисодий суд мажбу-риятлар бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажа-рилмаганлиги тўғрисидаги низоларни ҳал этиши, суд қонун билан ўзининг вако-латига киритилган бошқа низоларни ҳам ҳал қилиши, муайян ҳаракатларни амал-га ошириш мажбуриятини юклатиш тўғрисидаги талаб иқтисодий судга тааллуқли ва иқтисодий суд томонидан ҳал этиладиган низо ҳисоб-ланиши;

иқтисодий суд, фуқаролик ишлари бўйича суд, жиноят ишлари бўйича суд ёки маъмурий суднинг мазкур иш бўйича суд ҳужжатини қабул қилишга асос бўлган суд ҳужжати ёхуд бошқа органнинг шундай ҳужжати бекор қилинганлиги қону-ний кучга кирган суд ҳуж-жатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асос бўлиши;

суд томонидан иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тў-лиқ ўрганилмагани, ишдаги мавжуд ҳужжатларга ҳуқуқий баҳо берилмагани, моддий ҳуқуқ нормалари нотўғри қўлланилгани суд қарорла-рини бекор қилиб, даъво талабини қаноатлантириш-ни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилишга асос бўлиши;

мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳуж-жатлари талабларига муво-фиқ, бундай шартлар ва та-лаблар бўлмаганда эса, иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши ке-раклиги;

ижро ишини тамомлаш-га асос бўлувчи ҳолатлар-

нинг юзага келганлиги тўғрисида хулоса ёки тушунтириш бериш суднинг ваколатига кирмаслиги, аксинча, ижро ишини тамомлашга асос бўлувчи ҳолатлар ижро ҳаракатларини амалга ошираётган давлат ижрочиси томонидан аниқланиши ва у томонидан ижро иши юритиш тамомланганда бу ҳақда қарор чиқарилиши лозимлиги;

ҳақиқий бўлмаган битимни тузилмаган битимдан фарқлаш лозимлиги, уни тузиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган зарур шартлар мавжуд бўлмаган битим тузилмаган деб тан олинishi, агар битимни ҳақиқий эмас деб топиш

1. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг биринчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

2. "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси" ҳамда "Куч-адолатда" газетаси бирлашган тахририяти (Ш.Ҳамроев), "Одил судлов" — "Правосудие" журнали тахририяти (К.Убайдиллоев), Олий суднинг Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик бошқармаси (А.Абидов), Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси (Б.Очилов) суд амалиёти обзори Ўзбекистон Респуб-

тўғрисида талаб билдирилган бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси қоидаларига кўра тузилмаган деб ҳисобланса, бундай талабни қаноатлантириш рад этилиши кераклиги тўғрисидаги моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларига тўлиқ риоя этмаслик ҳолатларига йўл қўйилганлигига эътибор қаратиш лозим бўлади.

Судьялар одил судловни амалга оширишда ишларни ўз вақтида ва объектив кўриб чиқилишини, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилишини, фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эр-

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

ликаси Олий суди Ахборотномаси, "Одил судлов" — "Правосудие" журнали ҳамда Олий суднинг веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати (Б.Сайфуллаев) ҳамда вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судлар раислари зиммасига:

суд амалиёти обзорини вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати, туманлараро, туман (шаҳар) судларининг ҳар бир судьясига реестр орқали етказилишини таъминлаш;

суд амалиёти обзорини барча судьялар иштирокида ўрганиш мақсадида **2022 йил май ойида** видеокон-

кинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини, қонун устуворлигини, қонунийликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олди олиншини, жамиятда қонунга ва судга нисбатан ҳурмат муносабати шаклланишини таъминлашлари лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг биринчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзорини муҳокама қилиб, "Судлар тўғрисида"-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасига мувофиқ, Олий суд Раёсати

ференцалоқа режимида семинар машғулоти ўтказиш;

бажарилган ишлар ҳақидаги батафсил ахборотни Олий суднинг Пленуми ва Раёсати котибиятига электрон шаклда **2022 йил 1 июнга қадар** тақдим этиш юклансин.

4. Ушбу қарор вилоятлар ва уларга тенглаштирилган судларга амалиётда фойдаланиш ва ишларни кўришда йўл қўйилаётган камчиликларга чек қўйиш чораларини кўриш учун юборилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари — иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг раиси Б.Исаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий судининг раиси

К. КАМИЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг биринчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти О Б З О Р И

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 13 июлдаги ПФ-5482-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг "Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида" 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарори 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида Олий суднинг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2022 йилнинг биринчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг 2022 йилнинг биринчи чораги давомидаги иш фаолияти таҳлилларига кўра, судлов ҳайъати томонидан Олий суднинг иш режаси ва тасдиқланган Дастурлар, Йўл харитасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилган, шу жумладан, қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари кассация тартибида қайта кўрилган.

Ҳисобот даврининг бошида қолдиқдаги апелляция шикоятлари сони 23 тани ташкил этиб, 2022 йилнинг биринчи чораги давомида иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига 74 та апелляция шикояти келиб тушган ва улардан: 23 та шикоят қайтарилган, 5 та шикоятни қабул қилиш рад этилган, 46 та шикоят (протест) иш юритувга қабул қилинган. Апелляция тартибида жами 47 та иш кўриб чиқилиб, улардан: 32 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилиб, 3 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгартирилган ва 12 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилиниб, шундан 4 таси бўйича иш янгидан кўриш учун юборилган, 6 таси бўйича янги қарор қабул қилиниб, шундан 2 таси бўйича иш юритиш тугатилган. 22 та шикоят (шундан 1 таси бўйича иш юритиш тўхтатилган) ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган.

Ҳисобот даврининг бошида қолдиқдаги кассация шикоятлари сони 199 тани ташкил этиб, ҳисобот даврида жами 517 та кассация шикояти (протестлари) келиб тушган. Улар-

дан: 162 таси қайтарилган, 34 тасини қабул қилиш рад этилган, 321 таси (протест) иш юритувга қабул қилинган.

Жами 327 та шикоят (протест) кўриб чиқилган. Шулардан: 226 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган, 14 та суд ҳужжатлари ўзгартирилган, 87 та суд ҳужжатлари эса, бекор қилинган. Шундан: 53 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилган, 22 таси бўйича янги қарор қабул қилиниб, 12 таси бўйича аввал қабул қилинган суд ҳужжати ўз кучида қолдирилган. 193 та шикоят ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган бўлиб, 8 таси бўйича иш юритиш тўхтатилган.

Шунингдек, ҳисобот даврининг бошида қолдиқдаги такрорий кассация шикоятлари сони 3 тани ташкил этиб, ҳисобот даврида ишни кассация тартибида такроран кўриш тўғрисида 16 та ариза келиб тушган ва улардан 10 таси кўриб чиқилиб, 1 таси бўйича суд ҳужжати ўзгаришсиз қолдирилган, 9 та иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатлари бекор қилинган, 5 таси бўйича иш янгидан кўриш учун юборилган, 3 таси бўйича янги қарор қабул қилиниб, 1 таси бўйича аввал қабул қилинган суд ҳужжати ўз кучида қолдирилган. 9 та ариза ҳисобот даврининг охирига қолдиқда қолган.

Хоразм ва Андижон вилоятлари иқтисодий судлари томонидан 2020-2021 йилларда одил судловни таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар ва ташкилий фаолият амалий ёрдам кўрсатиш йўли билан ўрганилиб, натижалари Олий суд Раёсати муҳокамасига киритилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2021 йил 14 сентябрдаги ПФ-6313-сонли Фармони 8-банди ижросини таъминлаш мақсадида мазкур Фармон билан тасдиқланган "Фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларни тузиш ва мажбуриятларни бажаришдаги муносабатларни янада

такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар Режаси"нинг 16-бандига асосан иқтисодий судлар томонидан 2021 йил давомида шартномавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни кўриш ҳамда шартнома шартларини шарҳлашда қонунчилик ҳужжатларини қўллаш бўйича суд амалиёти умумлаштирилиб, натижалари Олий суд Раёсати муҳокамасига киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2022 йил 21 февралдаги ПҚ-138-сонли қарори 13-банди ижросини таъминлаш мақсадида иқтисодий судлар томонидан 2020-2021 йиллар давомида ер участкаларида ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоотларни бузиш билан боғлиқ ишларни кўриш суд амалиёти умумлаш-

тирилган ва амалиётда фойдаланиш учун вилоят судларига юборилган.

2021 йилнинг тўртинчи чорагида Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан кассация тартибда кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланиб, Олий суд Раёсатининг муҳокамасига киритилган.

Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси судлари томонидан айрим ишларни кўришда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади), Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий хўжалик суди ҳамда Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганлигини кўриш мумкин.

I. Процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллаш амалиёти

Иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги, моддий ва (ёки) процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги суд қарорларини бекор қилиш учун асос бўлади.

Вилоят Давлат мулкни ижарага бериш маркази ДУК (бундан буён матнда ДУК деб юритилади), "Н." масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда МЧЖ деб юритилади) ва "С." касб-ҳунар коллежи (бундан буён матнда коллеж деб юритилади) ўртасида тузилган ижара шартномасининг 1.1-бандига биноан ДУК МЧЖга "А." шаҳрида жойлашган ёзги спорт майдонининг 1785 кв.м.дан иборат иншоотини 2 та мини футбол тури билан шуғулланиш мақсадида фойдаланиш учун ижарага бериш, МЧЖ эса, уни қабул қилиб олиш ва белгиланган ижара тўловини тўлаш мажбуриятини олган.

Томонлар ўртасида низо МЧЖ томонидан ижарага олинган объектда амалга оширилган таъмирлашларнинг қиймати тўланмаганлигидан келиб чиққан.

Шу сабабли Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси (бундан буён матнда Палата

деб юритилади) МЧЖ манфатида жавобгар коллеж ҳамда учинчи шахслар: вилоят Фазначилик бошқармаси, Миллий гвардия ҳарбий қисми (бундан буён матнда Миллий гвардия деб юритилади) ва ДУКга нисбатан судга даъво аризаси билан муурожаат қилиб, коллеждан МЧЖ фойдасига "А." шаҳрида жойлашган 1785 кв.м ер майдонида ёпиқ футбол майдони қурилишига сарфланган 1 294 203 126 сўмни ундириб беришни сўраган.

Суднинг ажрими билан ишга Миллий гвардия ва ДУК жавобгар сифатида жалб қилинган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво талаби қисман қаноатлантирилиб, ДУКдан МЧЖ фойдасига 1 292 348 678 сўм ундирилган. Даъво талабининг 1 854 448 сўм ундириш ҳамда коллеж ва Миллий гвардияга нисбатан қисмларини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси

судининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилинган.

Олий суд Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг қарори билан суд қарори бекор қилиниб, ҳал қилув қарори ўз кучида қолдирилган.

Аниқланишича, судлар томонидан ишни кўришда иш учун аҳамиятли ҳолатлар тўлиқ аниқланмаган, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари бузилган.

Биринчидан, низоли иш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар "А." шаҳар иқтисодий судида кўзғатилган бошқа иш бўйича қабул қилинган ҳал қилув қарори билан Миллий гвардиянинг даъво талаби қаноатлантирилиб, МЧЖ томонидан "А." шаҳрида жойлашган 2 та мини футбол майдонини мажбурий бузиш белгиланган.

Даъво талабини қаноатлантиришда шаҳар ҳокими-

нинг қарорида мини футбол майдони қурилиши учун МЧЖга эмас, балки коллежга рухсат берилганлиги, МЧЖ томонидан қурилган 2 та мини футбол майдони унинг номига эгалик қилиш ҳуқуқи билан бириктириб берилмаганлиги ва давлат рўйхатидан ўтказилмаганлиги, дастлаб коллежга, кейинчалик эса, Миллий гвардия номига расмийлаштирилган кадастр йиғма жилдларида 2 та мини футбол майдони рўйхатга олинмаганлиги, шу боис МЧЖ томонидан қурилган 2 та мини футбол майдони ФК 212-моддаси талабларига асосан ўзбошимчалик билан қурилган қурилиш ҳисобланиши асос қилиб олинган.

ИПК 73-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, иқтисодий суднинг илгари кўрилган иш бўйича қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳолатлар суд ҳудди шу шахслар иштирок этаётган бошқа ишни кўраётганда янгидан исбот қилинмайди.

Кейинчалик, вилоят иқтисодий суди кассация инстанциясининг қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Апелляция инстанцияси суди эса, бошқа ишнинг низоли ишга алоқадорлигига аниқлик киритмаган.

Иккинчидан, коллежнинг билдирги хатига вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси томонидан берилган жавоб хатида ёзги футбол майдонини МЧЖга ижарага берилишига қарши эмаслиги қайд этилиб, фақат ишларни амалга ошириш учун Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси вилоят ҳудудий

бошқармасига мурожаат қилиб, ҳужжатларни амалдаги қонунчилик асосида расмийлаштирган ҳолда, бир нусхасини бошқармага тақдим этиш сўралган.

ДУК, МЧЖ ва коллеж ўртасида тузилган ижара шартномасининг 4.4-бандига биноан МЧЖ ижарага олинган объектни тиклаш ёки мукамал таъмирлашни, жумладан, уни ўз эҳтиёжи учун қайта жиҳозлаш ёки мослаштиришни фақат ДУК ва коллежнинг розилиги билан амалга ошириш мажбуриятини олган бўлиб, судлар МЧЖ томонидан объектада қурилиш ишларини амалга ошириши учун ДУК ва коллеж томонидан розилик берилган ҳолати ўрганилмаган.

Учинчидан, Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сонли қарори билан тасдиқланган "Давлат мулкни ижарага бериш тартиби тўғрисида"ги Низом 23-банди иккинчи хатбошисига мувофиқ ижарага олувчи ижарага берилган давлат мулкни тиклаш ёки мукамал таъмирлашни амалга оширган тақдирда унинг қилган харажатлари, ижарага олувчи томонидан Қурилиш вазирлигининг тегишли хизматлари экспертизаси натижалари тақдим этилган тақдирда, балансда сақловчига ажратиладиган ижара тўлови суммасини камайтириш ҳисобига қопланади (давлат мулки ҳисобланган моддий маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари бундан мустасно).

Мазкур ҳолатда тарафлар ўртасидаги муносабатлар уч томонлама тузилган ижара шартномасидан келиб чиққан бўлиб, ушбу муносабат юқорида қайд этилган Низом талаблари асосида ҳам тартибга солинишига эътибор қаратилмаган.

Тўртинчидан, ДУК, МЧЖ ва коллеж ўртасида тузилган ижара шартномасининг 2.2-бандида объект муайян муддатга ижарага берилиши белгиланган бўлиб, унинг муддати узайтирилмаганлигига, унда нима сабабдан даъво аризасида ижарага олинган муддат ўтгандан кейин амалга оширилган қурилиш ишлари қийматини ҳам ундириш сўралганлигига, шунингдек, МЧЖ томонидан тўланган ёки тўланиши лозим бўлган ижара ҳақида аниқлик киритилмаган.

Бешинчидан, биринчи инстанция суди нима сабабдан МЧЖ фойдасига 1 292 348 678 сўмни айнан ДУКдан ундирганлигини, даъво талабининг коллеж ва Миллий гвардияга нисбатан қисмини эса, қаноатлантиришни рад этганлигини ҳал қилув қарорида асосламаган, низоли иш бўйича айнан ким жавобгар бўлишини аниқламаган.

Судлов ҳайъати эса, қайд этилган ҳолатларни инобатга олмасдан, апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиб, ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдириш ҳақида барвақт хулосага келган.

ИПК 302-моддаси биринчи қисми 1-бандига кўра, иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини, апелляция инстанцияси судининг қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати Бош прокуратура протестини қисман қаноатлантириш, иш бўйича қабул қилинган суд қарорларини бекор қилиш ва ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш тўғрисида қарор қабул қилган.

Иқтисодий суд мажбуриятлар бажарилмагани ёки лозим даражада бажарилмагани тўғрисидаги низоларни ҳал этади. Суд қонун билан ўзининг ваколатига киритилган бошқа низоларни ҳам ҳал қилади.

Муайян ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини юклатиш тўғрисидаги талаб иқтисодий судга тааллуқли ва иқтисодий суд томонидан ҳал этиладиган низо ҳисобланади.

"Б." масъулияти чекланган жамияти "С." масъулияти чекланган жамияти ва учинчи шахс "К." АЖга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар зиммасига даъвогарга етказиб бериладиган табиий газ учун олдиндан тўлов учун 354 790 585 сўм ўтказиш мажбуриятини юклашни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ажрими билан даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш рад этилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан суд ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, биринчи инстанция суди томонидан ажрим қабул қилишда процессуал ҳуқуқ нормалари бузилган.

Жумладан, ИПК 26-моддаси биринчи қисми 5-бандига кўра, иқтисодий суд мажбуриятлар бажарилмагани ёки лозим даражада бажарилмагани тўғрисидаги низоларни ҳал этади. Ушбу модданинг иккинчи қисмига мувофиқ суд қонун билан ўзининг ваколатига киритилган бошқа низоларни ҳам ҳал қилади.

Мазкур ҳолатда ИПК юқорида қайд этилган моддаси ҳамда 184-моддаси талабларига кўра, муайян ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини юклатиш тўғрисидаги талаб иқтисодий судга тааллуқлиги ва иқтисодий суд томонидан ҳал этиладиган низо эканлиги инobatга олинмаган.

Апелляция инстанцияси суди эса, ушбу ҳолатга эътибор қаратмасдан, ажримни ўзгаришсиз қолдириш ҳақида нотўғри ҳулосага келган.

Қайд этилганларга кўра, Олий суд Иқтисодий ишлар бўйича кассация инстанцияси судлов ҳайъати "Б." масъулияти чекланган жамиятининг кассация шикоятини тўлиқ қаноатлантириш, биринчи инстанция судининг даъво аризасини иш юритишга қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрими ва апелляция инстанциясининг ушбу суд ажримини ўзгаришсиз қолдириш тўғрисидаги қарорини бекор қилиш ва даъво аризасини кўриш учун биринчи инстанция судига юбориш тўғрисида қарор қабул қилган.

Иқтисодий суд, фуқаролик ишлари бўйича суд, жиноят ишлари бўйича суд ёки маъмурий суднинг муайян иш бўйича суд ҳужжатини қабул қилишга асос бўлган суд ҳужжати ёхуд бошқа органнинг шундай ҳужжати бекор қилинганлиги қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асос бўлади.

Иш ҳужжатларига кўра, "М." масъулияти чекланган жамиятининг (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) "Л." масъулияти чекланган жамиятини (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) туман ҳудудида жойлашган 1 га ер майдонидан мажбурий тартибда чиқариш ва қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун тўсқинликларни бартараф этиш тўғрисидаги даъво аризаси Олий суднинг ҳал қилув қарори билан қисман қаноатлантирилиб, туман ҳокимининг қарорига асосан даъвогар-

га ажратиб берилган 1 га ер майдонидан жавобгарга тегишли бўлган биноларга зарар етказмаган ҳолда мазкур ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб бир ой ичида мажбурий тартибда чиқариш белгиланган. Даъво талабининг қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун тўсқинликларни бартараф этиш қисми бўйича иш юритиш тугатилган.

Олий суд Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг қарори билан мазкур ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд биринчи инстанциясининг ажрими билан жавобгарнинг Олий суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризасини қаноатлантириш рад этилган.

ИПК 327-моддаси 4-бандига кўра, иқтисодий суд, фуқаролик ишлари бўйича суднинг, жиноят ишлари бўйича суд ёки маъмурий суднинг мазкур иш бўйича суд ҳужжатини қабул қилишга асос бўлган суд ҳужжати ёхуд бошқа органнинг шундай ҳужжати бекор қилин-

ганлиги қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асос бўлади.

Жавобгар қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш тўғрисидаги аризасида биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун асос сифатида туман ҳокимининг 2020 йил 8 февралдаги қарори билан 2010 йил 18 сентябрдаги қарори бекор қилинганлигини кўрсатган.

Судлов ҳайъати биринчи инстанция судининг хулоса-

лари билан келишмасдан, ҳал қилув қарорини қабул қилишга асос бўлган туман ҳокимининг 2010 йил 18 сентябрдаги қарори бекор қилинганлиги қонуний кучга кирган суд ҳужжатини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш учун асос бўлади, деб эътироф этган.

Юқорида кўрсатилган қонун талабидан келиб чиқиб, судлов ҳайъати "Л." масъулияти чекланган жамиятининг апелляция шикоятини асосли деб ҳисоблаб, уни қаноатлантириш, биринчи инстанция судининг жавобгарнинг қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги

очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги аризасини қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги ажримини бекор қилиб, жавобгарнинг қонуний кучга кирган суд ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш ҳақидаги аризасини қаноатлантириб, биринчи инстанция суди томонидан қабул қилинган ва қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорини бекор қилган, ишни мазмунан биринчи инстанция судида кўриб чиқиш учун Олий суд Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига юбориш тўғрисида қарор қабул қилган.

II. Моддий ҳуқуқ нормаларини қўллаш амалиёти

Суд томонидан иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ ўрганилмаганлиги, ишдаги мавжуд ҳужжатларга ҳуқуқий баҳо берилмаганлиги, моддий ҳуқуқ нормалари нотўғри қўлланилганлиги суд қарорларини бекор қилиб, иш бўйича янги қарор қабул қилишга асос бўлади.

Вилоят божхона бошқармасининг (бундан буён матнда бошқарма деб юритилади) "Х." масъулияти чекланган жамиятидан (бундан буён матнда МЧЖ деб юритилади) қўшимча ҳисобланган 1 321 153 127,5 сўм божхона тўловларини ундириш тўғрисидаги даъво аризаси биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан тўлиқ қаноатлантирилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан ушбу ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида" 2016 йил 21 декабрдаги ПҚ-2687-сонли қарори 13-бандида мамлакатимизда ишлаб чиқарилмайдиган, ушбу қа-

рорнинг 2-иловасига киририлган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхат бўйича четдан келтириладиган технологик асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар учун божхона тўловларидан (божхонада расмийлаштириш йиғимлари бундан мустасно) 2020 йил 1 январгача бўлган муддатга озод қилиниши белгиланган.

Мазкур қарорга асосан МЧЖ томонидан 2018 йилда Хитой Халқ Республикасида жойлашган "Xinjiang zaman import and export trade Co., Ltd" билан 2018 йил 4 январда тузилган шартномага мувофиқ 2018 йил 8 февралдаги инвойсларга асосан қиймати 441 691,5 АҚШ долларига тенг, оғирлиги 294 461 кг бўлган "Сталь оцинкованная окрашенная с полимерным по-

крытием" товари олиб келинган. Товар 2018 йил 24 июлда 14010/24.07.18/0012234-тартиб рақамли божхона юк декларацияси билан "эркин муомалага чиқариш" режимига расмийлаштирилган ва ушбу маҳсулот учун 1 321 153 127,52 сўм миқдоридан божхона тўловлари бўйича имтиёзлар ҳисоблаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Имтиёзлар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида" 2018 йил 31 майдаги ПҚ-3756-сонли қарори 2-банди бешинчи хатбошисига мувофиқ божхона тўловлари бўйича имтиёзлар қўллаган ҳолда мамлакатимиз ҳудудига олиб кириладиган (импорт қилинадиган) товарлар рўйхатлари ва уларга тузатишлар, имтиёзлар бериш тўғрисида қонун ёки Ўзбекистон Рес-

публикаси Президентининг ҳужжати мавжуд бўлган тақдирдагина, имтиёз берилган ташкилот томонидан шакллантирилади, шунингдек, уларнинг комплекс экспертизасини амалга ошириш учун Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги "Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази" давлат унитар корхонасига киритилади.

"Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази" давлат унитар корхонаси (бундан буён матнда Марказ деб юритилади) томонидан 2018 йил 20 июлда 330 740 килограмм "лист окрашенный", 254 800 килограмм "лист оцинкованный" товарлари импорт қилиниши ҳақида 56-сонли эксперт хулосаси берилган.

Бошқарма МЧЖга 2019 йил 24 июнда талабнома юбориб, унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 декабрдаги ПҚ-2687-сонли қарори 2-иловасига мувофиқ МЧЖ томонидан 2017-2018 йиллар мобайнида умумий қиймати 31,0 миллион АҚШ доллариغا тенг калава ип ва мато маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳаси киритилганлиги, инвойсларга асосан олиб келинган маҳсулотлар бошқа мақсадларда, яъни қурилиш материали сифатида ишлатилганлиги сабабли асоссиз ҳисобланган 1 321 153 127,52 сўм имтиёзни тўлашни талаб қилган.

Талабномада келтирилган товарлар Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида импорт қилиниб, сарф этилганлиги, мазкур товарлар учун марказ томонидан ижобий хулоса берилганлиги сабабли рад

жавоби берилган. Шунинг учун бошқарма 2019 йил 28 сентябрда вилоят Давлат солиқ бошқармасига мурожаат қилиб, унда МЧЖ томонидан импорт қилинган товарларнинг имтиёзли давр тугашига қадар бошқаларга берилиши (сотилиши), шунингдек, камерал назорат ва мавзули экспресс-ўрганишдан ўтказиб беришни сўраган.

Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 7 ноябрдаги 422-сонли х/с-сонли буйруғига асосан МЧЖда камерал назорат натижаларига доир талабномаларга жавобан тақдим этилган ахборотларнинг ишончлилигини тасдиқлаш мақсадида мавзули экспресс-ўрганиш ўтказилган. Унда МЧЖнинг 2018 йил 9 июлдаги корхонанинг мўътадил иқлим ва намлигини таъминловчи тизим учун зарур бўлган "лист оцинкованный" ва "лист окрашенный" товарларини имтиёз асосида импорт қилиш ҳақидаги хатига ва илова қилинган техник ҳужжатларга асосан марказ ижобий хулоса берганлиги, хулосага асосан имтиёз қўлланилганлиги, келтирилган маҳсулотлардан 206 843,75 килограмм "СЧ." МЧЖ билан тузилган шартномага асосан 32 та ҳар хил ўлчамдаги 2732 дона сендвич панеллари тайёрланган ва улар МЧЖ ишлаб чиқариш биносининг том қисмини ёпиш учун қурилиш материали сифатида ишлатилгани, шу боис 1 321 153 127,52 сўм имтиёз нотўғри қўлланилган деб топилиб, МЧЖдан ушбу суммани ундириш лозимлиги ҳақида хулоса берилган. Бу ҳақида 2019

йил 12 ноябрдаги текшириш маълумотномасини тақдим этган.

Шунингдек, бошқарманиннг сўров хатига марказнинг 2019 йил 12 июлда йўллаган жавоб хатида МЧЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 декабрдаги ПҚ-2687-сонли қарори асосида келтирилган "лист окрашенный" товари қурилиш материали сифатида ишлатилган тақдирда, уларга божхона имтиёзларини қўллаш мақсадида мувофиқ эмаслиги маълум қилинган.

Бироқ юқорида қайд этилган 2019 йил 12 ноябрдаги экспресс-ўрганиш маълумотномасида ҳамда 2019 йил 12 июлдаги хатда МЧЖ томонидан келтирилган товарлардан МЧЖнинг мўътадил иқлим ва намликни таъминловчи тизим сифатида эмас, балки бошқа мақсадда ишлатилганлигини тасдиқловчи тегишли ваколатли орган ёки мутахассиснинг хулосаси мавжуд эмас.

Ваҳоланки, вилоят қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциясининг хулосасида сендвич панеллари иссиқлик ўтказувчанлик, совуққа бардошлилик ва бошқа талабларга мос келиши, ҳозирги ҳолати мўътадил иқлимни сақловчи сифатида хизмат қилиши кўрсатилган.

Қолаверса, Марказнинг 2018 йил 20 июлдаги 56-сонли эксперт хулосасида "лист окрашенный" ва "лист оцинкованный" товари Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмаслиги инобатга олинб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 декабрдаги ПҚ-2687-сонли қарори асосида имтиёзли тартибда им-

порт қилиниши ҳақида ижобий хулоса берилган ва мазкур хулоса бугунги кунда қонуний кучда.

Бундан ташқари имтиёз асосида импорт қилинган "лист оцинкованный" ва "лист окрашенный" товарларидан МЧЖнинг мўътадил иқлим ва намликни таъминловчи тизим сифатида фойдаланилган бўлиб, бошқа мақсадда ишлатилмаган ёки сотиб юборилмаган. Ушбу ҳолат вилоят қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциясининг 2020 йил

10 февралдаги хулосаси билан ҳам ўз тасдиғини топган.

Шунингдек, келтирилган товарлар қурилиш материал сифатида ишлатилганда ёки бошқа усулда фойдаланилганда ҳам божхона имтиёзи МЧЖнинг мўътадил иқлим ва намликни таъминлаш мақсади учун берилган бўлиб, МЧЖ томонидан айнан ушбу мақсадда фойдаланилганлиги ўз тасдиғини топган.

Ушбу ҳолатда биринчи инстанция суди қайд этил-

ган иш учун аҳамиятли ҳолатларни инобатга олмасдан, даъво талабини тўлиқ қаноатлантириш, апелляция инстанцияси суди эса, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида нотўғри хулосага келган.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати "Х." масъулияти чекланган жамиятининг кассация шикоятини қаноатлантириш, суд қарорларини бекор қилиб, даъво талабини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилган.

Мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганда эса, иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

"Н." акциядорлик жамияти (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) ва "Ч." масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) ўртасида тузилган шартномага кўра, жавобгар (сотувчи) даъвогарга (сотиб олувчига) 32 250 000 000 сўмлик ишлатилган метал қувур маҳсулотини етказиб бериш, сотиб олувчи эса, уларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олган.

Шартноманинг 3.1-бандига кўра, шартнома имзолангандан сўнг 60 банк кунда етказиб бериладиган маҳсулот қийматининг 15 фоиз миқдорида олдиндан, қолган қисмини маҳсулот етказиб берилгандан сўнг 180 кунда тўловни амалга оширишга келишилган.

Шартноманинг 4.1-бандига маҳсулот пул маблағи келиб тушгандан сўнг 30 иш кунда етказиб бериши кўрсатилган.

Жавобгар томонидан шартномага мувофиқ юк хати-ҳисоб фактураларга асосан жами 14500 метр

метал қувур маҳсулоти 31 174 999 999,80 сўмга сотиб олинган.

Даъвогар шартнома тузилган санада ҚҚС 20 фоизни ташкил этганлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 26 сентябрдаги ПФ-5837-сонли Фармонига асосан 2019 йил 1 октябрдан бошлаб ҚҚСнинг ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга пасайтирилганлиги, бироқ 2019 йил 30 октябрдаги ва 7 ноябрдаги ҳисоб-фактураларда маҳсулот қиймати 1 869 565,55 сўмдан оширилган нарҳда кўрсатилиб, 645 833 119 сўм ортиқча тўлов амалга оширилганлиги сабабли, Савдо-сановат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси даъвогар манфаатида туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгардан 645 833 119 сўм асосий қарз ва 64 583 311 сўм пеня ундиришни сўраганини қайд этган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво аризасини қаноатлантириш рад этилган.

Апелляция инстанцияси-

нинг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, тарафлар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ жавобгар даъвогарга ишлатилган 2-категориядаги метал қувур маҳсулотларини ҳар бир метрини ҚҚСни қўшган ҳолда 2 150 000 сўмдан етказиб бериши, жавобгар эса, етказиб берилган маҳсулотлар учун тўловларни амалга ошириши лозим бўлган.

Мазкур шартнома тузилган вақтда ҚҚС ставкаси 20 фоизни ташкил қилгани сабабли 20 фоиз солиқ ҳисобланиб, ҳар бир метр қувур 2 150 000 сўмдан етказиб берилишига келишилган.

2019 йил 29 августдаги юк хатига асосан 2790,7 метр қувурнинг ҳар бир метри 1 791 666,67 сўмдан, 30 сентябрдаги юк хатига асосан 4500 метр қувурнинг ҳар бир метри 1 791 666,67 сўмдан етказиб берилган.

ФК 236-моддасига кўра, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ,

бундай шартлар ва талаблар бўлмаганда эса, иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 26 сентябрдаги ПФ-5837-сонли Фармони 1-бандига асосан 2019 йил 1 октябрдан бошлаб ҚҚСнинг ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга пасайтирилиши белгиланган.

Мазкур ҳолатда жавобгар томонидан 1 метр қувур маҳсулотининг қиймати, яъни 1 791 666,66 сўмга 15 фоиз ҚҚС ҳисоблаб маҳсулоти етказиб бериши лозим бўлсада, жавобгар асоссиз равишда маҳсулотнинг нархини 1 869 565,22 сўмга кўтариб, 2019 йил 30 октябрдаги юк хатига асосан 6859,3 метр қувурнинг ҳар бир метрини 1 869 565,22 сўмдан, 7 ноябрдаги юк хатига асосан 350 метр қувурнинг ҳар бир метрини 1 869 565,22 сўмдан етказиб берган.

ФК 382-моддасига кўра, агар ушбу кодексда, бошқа қонунларда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 8.1-бандида шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар тарафлар томонидан ёзма келишув бўлгандагина ҳақиқий ҳисобланиши белгиланган. Бироқ тарафлар ўртасида тузилган шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмаган.

Мазкур ҳолатда жавобгар томонидан асоссиз равишда маҳсулот нархини оши-

риши оқибатида 2019 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида етказиб берилган ҳар бир метр қувурнинг нархига 77898,56 (1 869 565,22 — 1 791 666,66) сўмдан, жами 7209,3 метр қувур учун 561 594 088,60 сўм ортиқча маблағ олган.

Бундан ташқари 561 594 088,60 сўм маблағга қўшимча равишда 15 фоиз миқдоридан 84 239 113,29 сўм ҚҚС тўлаб берилган. Жавобгар томонидан қувур маҳсулотининг нархини ўзаро келишувсиз оширилиши оқибатида ҚҚС асоссиз равишда ҳисобланган. Мазкур ҳолатда жавобгар томонидан ортиқча тўланган 645 833 201,89 сўмни даъвогарга қайтариши лозим бўлади.

Биринчи инстанция суди даъво талабининг жавобгардан 645 833 201,89 сўм ундириш тўғрисидаги талабни қаноатлантиришни рад этиш ҳақида барвақт хулосага келган. Чунки тарафлар ўртасида шартнома тузилган вақтда ҚҚС ставкаси 20 фоиз ҳисобланиб, ҳар бир метр қувур 2 150 000 сўмдан етказиб берилиши белгиланган. ҚҚСсиз 1 метр қувурнинг нархи 1 791 666,66 сўмни, 20 фоиз ҚҚС эса, 358 333,33 сўмни, жами 2 150 000 сўмни ташкил қилган. ҚҚСнинг ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга пасайтирилган бўлсада, жавобгар асоссиз равишда 1 метр қувурнинг нархини 1 869 565,22 сўмга кўтариб, жавобгардан 645 833 201,89 сўм ортиқча маблағ ундириб олган.

Даъвогар даъво аризасида "Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуннинг 25-моддасига асосан жавобгардан 64 583 311 сўм пеня ундиришни сўраган.

"Хўжалик юритувчи

субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуннинг 25-моддасига кўра, товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисми 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди. Бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

Судлов ҳайъати даъвогарнинг жавобгардан 64 583 311 сўм пеня ундириш тўғрисидаги талабини асоссиз деб ҳисоблаб, уни қаноатлантиришни рад этган. Чунки даъвогар жавобгар томонидан товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилганлиги, тўлиқ етказиб берилмаганлиги, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаганлиги ҳолатларини далиллар билан тасдиқлаб бермаган.

Апелляция инстанцияси суди юқорида кўрсатилган ҳолатларга аниқлик киритмасдан, ҳал қилув қарорини ўзгартиришсиз қолдириш ҳақида барвақт хулосага келган.

Юқорида қайд этилганларга асосан судлов ҳайъати кассация шикоятини қисман қаноатлантириш, суд қарорларини бекор қилиб, даъво талабини қисман қаноатлантириш, жавобгардан даъвогар фойдасига 645 833 119 сўм асосий қарзни ундириш, даъво талабининг қолган қисмини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилган.

Ижро ишини тамомлашга асос бўлувчи ҳолатларнинг юзага келганлиги тўғрисида хулоса ёки тушунтириш бериш суднинг ваколатига кирмайди. Аксинча, ижро ишини тамомлашга асос бўлувчи ҳолатлар ижро ҳаракатларини амалга ошираётган давлат ижрочиси томонидан аниқланади ва давлат ижрочиси ижро иши юритиш тамомланганда бу ҳақда қарор чиқаради.

Мажбурий ижро бюросининг туман бўлими вилоят иқтисодий судига аризаси билан мурожаат қилиб, иш бўйича 2006 йил 27 апрелда берилган ижро ҳужжати юзасидан тушунтириш беришни сўраган.

Биринчи инстанция судининг ажрими билан ариза қаноатлантирилган ва ижро ишини тамомлаш лозимлиги тўғрисида тушунтириш берилган.

Апелляция инстанцияси судининг қарори билан суд ажрими ўзгаришсиз, "Миллийбанк" акциядорлик жамиятининг апелляция шикоятини қаноатлантирилмасдан қолдирилган.

Шундан сўнг "Миллийбанк" акциядорлик жамияти назорат шикояти билан мурожаат қилиб, иш бўйича қабул қилинган суд ҳужжатларини бекор қилишни сўраган.

"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуннинг (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) 31-моддаси биринчи қисмига кўра, ижрога топширилган ижро ҳужжатидаги талаблар ноаниқ бўлган тақдирда давлат ижрочиси ижро ҳужжатини бериш учун асос бўлган суд ҳужжати ёки бошқа орган ҳужжатини, шунингдек, қонунга кўра, ижро ҳужжати ҳисобланадиган ҳужжатни тушунтириб беришни сўраб ижро ҳужжатини берган суд ёки бошқа органга ариза билан мурожаат қилишга ҳақли.

Иш ҳужжатларига кўра, Олий хўжалик суди Раёсатининг 2006 йил 27 апрелдаги қарори асосида вилоят хўжалик суди томонидан 2006 йил

27 апрелда ижро варақаси берилган ва унда "М." қўшма корхонаси ва кафил — "Х." акциядорлик жамиятидан солидар тартибда 1 708 600 АҚШ доллари миқдоридаги маблағ "Миллийбанк" фойдасига ундирилиши белгиланган.

Мажбурий ижро бюроси туман бўлимининг 2020 йил 28 сентябрдаги аризасида мазкур иш юзасидан вилоят хўжалик судининг 2006 йил 27 апрелда берган ижро варақаси бўлим иш юритувига 2020 йил 17 сентябрда келиб тушгани ва ижро ишини қўзғатиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, ижро ҳаракатларини амалга оширишга киришилганлиги, ижро ҳаракатлари давомида қарздор — "Х." акциядорлик жамияти Мажбурий ижро бюросининг туман бўлимига ариза билан мурожаат қилиб, суд ҳужжати ижро этилганлиги сабабли ижро ишини тамомлашни сўрагани, ундирувчи эса, 2020 йил 18 август ҳолатига кўра, қарздорликнинг 246 184 АҚШ доллари миқдоридаги қисми тўлангани ва 1 200 264 АҚШ доллари миқдорида қарздорлик мавжудлигини билдирганлиги баён қилинган. Бу маълумотларга асосан ижро варақаси бўйича ижро ишини тамомлаш ёки тамомламаслик юзасидан тушунтириш беришни сўраган.

Мажбурий ижро бюросининг туман бўлими ижро ҳужжатидаги талаблар ноаниқ бўлган тақдирдагина тушунтириш бериш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аммо Мажбурий ижро бюроси туман бўлими ижро иши бўйича кел-

гусида қандай ҳаракатни амалга ошириш юзасидан тушунтириш беришни сўраган.

Биринчи инстанция суди бу ҳолатга эътибор қаратмасдан, аризани қаноатлантирган ҳолда ижро ишини тамомлаш тўғрисида тушунтириш бериб, нотўғри тўхтамга келган.

Апелляция инстанцияси суди ҳам юқорида қайд этилган қонун нормаларига асосан суднинг ажрими қонунийлигини текширмасдан, уни ўзгаришсиз қолдириш тўғрисида барвақт хулосага келган.

Қонун 41-моддаси биринчи қисмига кўра, ижро ҳужжати амалда ижро этилганда; йиғма ижро иши юритишга бирлаштирилган ижро ҳужжатларидаги ундирув тўғрисидаги талаблар бир ёки бир нечта солидар жавобгар қарздор ҳисобидан амалда ижро этилганда; ижро ҳужжати уни берган суднинг ёки бошқа органнинг талабига биноан ижро этилмасдан қайтарилганда; ижро ҳужжати ушбу Қонуннинг 40-моддасида кўрсатилган асослар бўйича қайтарилганда; ижро ҳужжати ижро этиш учун ушбу Қонуннинг 25-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ бошқа давлат ижрочисига юборилганда; ижро ҳужжати ижро этиш учун тугатиш комиссиясига (тугатувчига, тугатиш бошқарувчисига) юборилганда ижро иши юритиш тамомланади.

Ижро ишини тамомлашга асос бўлувчи ҳолатларнинг юзага келганлиги тўғрисида хулоса ёки тушунтириш бериш суднинг ваколатига кирмайди. Аксинча, ижро иши-

ни тамомлашга асос бўлувчи ҳолатлар ижро ҳаракатларини амалга ошираётган давлат ижрочиси томонидан аниқланади ва у томонидан ижро иши юритиш тамомланганда бу ҳақда қарор чиқарилади.

Судлов ҳайъати аризани кўришда қуйи судлар томонидан қонун нормалари но-

тўғри талқин қилинган, бунинг натижасида моддий ва процессуал қонун нормалари билан асослангандирилмаган суд ҳужжатлари қабул қилинган деб ҳисоблаган.

Баён этилганларга кўра, судлов ҳайъати "Миллий-банк" акциядорлик жамиятининг кассация шикоятини қаноатлантириш, иш бўйича

қабул қилинган биринчи инстанция судининг ажримини ҳамда апелляция инстанцияси судининг қарорини бекор қилиш ва Мажбурий ижро бюроси туман бўлимининг ижро варақаси бўйича тушунтириш бериш тўғрисидаги аризасини қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида янги қарор қабул қилган.

Ҳақиқий бўлмаган битимни тузилмаган битимдан фарқлаш лозим, уни тузиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган зарур шартлар мавжуд бўлмаган битим тузилмаган деб тан олинishi, агар битимни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида талаб билдирилган бўлиб, у ФК қоидаларига кўра тузилмаган деб ҳисобланса, бундай талабни қаноатлантириш рад этилиши керак.

"А." акциядорлик жамияти (бундан буён матнда АЖ деб юритилади) ва "Х." масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда даъвогарлар деб юритилади) акциядорлик тижорат банкининг (АТБ) филиали ва "Т." масъулияти чекланган жамиятига нисбатан судга мурожаат қилиб, АТБ ва "Х." масъулияти чекланган жамияти ўртасида тузилган кафиллик шартномасини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Даъво аризасида АЖ "Х." МЧЖнинг 100 фоиз улушига эга бўлган таъсисчиси ҳисобланса-да, кафиллик шартномаси унинг розилигисиз тузилганлиги, банк хат билан қарздор томонидан олинандиган кредит бўйича кафиллик бериш ҳақида мурожаат қилганлиги, бироқ ушбу хатга жавоб олмасдан, МЧЖ билан кафиллик шартномасини тузганлиги, кафиллик шартномасида уни МЧЖ бош директори имзолаши кўрсатилган бўлса-да, унинг ўринбосари томонидан имзоланганлиги, бироқ унга бундай шартномани имзолаш ваколати берилмаганлиги, АЖнинг 2019 йил 29 апрелдаги хатида корхона фаолияти билан боғлиқ

бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни АЖ билан келишган ҳолда амалга оширилиши кўрсатилганлиги, кафиллик шартномаси имзолангандан кейин ҳам банк АЖ раиси номига хат йўллаб, МЧЖ қарздорга ажратилаётган кредитнинг барча суммасига кафиллик беришини сўраганлиги, банкнинг ушбу хатига ижобий жавоб берилмаганлиги асос сифатида кўрсатилган ва кафиллик шартномасини ФК 116 ва 126-моддаларига асосан ҳақиқий эмас, деб топиш сўралган.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилган. "Т." МЧЖ, АТБ ҳамда "Х." МЧЖ ўртасида тузилган кафиллик шартномаси ўз-ўзидан ҳақиқий эмас, деб топилган. Даъвонинг АТБнинг филиалига нисбатан қисми бўйича иш юритиш тугатилган.

Апелляция инстанциясининг қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Биринчи инстанция суди кафиллик шартномаси МЧЖнинг бош директори, қарздор раҳбари томонидан имзоланмаганлигини асос қилиб, ушбу шартнома тузил-

маган, деган хулосага келган. Шу билан бирга, ФК 113, 116 ҳамда 126-моддаларига асосланган ҳолда даъво қаноатлантирилган ва кафиллик шартномасини ҳақиқий эмас, деб топган.

Олий ҳужалик суди Пленумининг "Иқтисодий судлар томонидан битимларни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида" 2014 йил 28 ноябрдаги 269-сонли қарори 9-бандида судлар ҳақиқий бўлмаган битимни тузилмаган битимдан фарқлашлари лозимлиги, уни тузиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган зарур шартлар мавжуд бўлмаган (қонун ҳужжатларида кўрсатилган барча муҳим шартлар бўйича келишувнинг мавжуд эмаслиги, оферта йўллаган шахс томонидан акцепт олинмаганлиги, мулкнинг топширилмаганлиги, агар уни топширилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ шартнома тузиш учун талаб этилса ва ҳоказо) битим тузилмаган деб тан олинishi, агар битимни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида талаб билдирилган бўлиб, у ФКнинг қоида-

ларига кўра, тузилмаган деб ҳисобланса, бундай талабни қаноатлантириш рад этилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Суд ҳал қилув қарорида кафиллик шартномасини тузилмаган деб ҳисоблаган бир пайтда, уни ҳақиқий эмас деб ҳам топган. Яъни тузилмаган битим билан ҳақиқий бўлмаган битим бири-биридан фарқланишига эътибор қаратмаган. Апелляция инстанцияси суди ҳам бу хулоса билан келишиб, биринчи инстанция судининг хулосаси бир-бирига қарама-қарши эканлигига эътибор бермаган.

ФК 116-моддасига кўра, қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмасдир. Бундай битимга нисбатан ушбу Кодекснинг 114-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган қоидалар қўлланилади.

Иш ҳужжатларида кафиллик шартномасини МЧЖ номидан унинг бош директори имзолаганлигини тасдиқловчи далиллар мавжуд эмас. Яъни кафиллик шартномаси МЧЖ бош директори ўрнига унинг ўринбосари томонидан имзоланган. Бироқ ушбу ҳолат шартномани ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди. Бундай ҳолатда МЧЖ бош директори ўринбосари кафиллик шартномасини ўз ваколат доирасидан четга чиққан ҳолда имзолаган. Ушбу ҳолатда мазкур шартнома низоли ҳисобланади.

ФК 126-моддасига кўра, агар шахснинг битим тузиш ваколатлари шартнома билан ёки юридик шахс ваколатлари унинг таъсис ҳуж-

жатлари билан ишончномада, қонунда белгилаб қўйилганига нисбатан ёнки битим тузилаётган вазиятдан аниқ кўриниб турган деб ҳисобланиши мумкин бўлган ваколатларига нисбатан чеклаб қўйилган бўлса ва битимни тузиш пайтида бундай шахс ёки орган ана шу чеклашлар доирасидан чиқиб кетган бўлсалар, битимдаги иккинчи тараф мазкур чеклашларни билган ёки олдиндан билиши лозим бўлганлиги исботланган ҳоллардагина битим чеклаш белгиланишидан манфаатдор бўлган шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Юқорида қайд этилган Пленум қарорининг 17-бандида ФКнинг 126-моддасини қўллаш тўғрисида тушунтириш берилган бўлиб, унинг тўртинчи хатбошисида битим, агар у бўйича бошқа тараф қайд этилган чеклаш ҳақида билган ёки олдиндан билиши лозим бўлган ҳолатлар аниқланган тақдирдагина, ФКнинг 126-моддаси асосида ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкинлиги кўрсатилган. Яъни мазкур ҳолатда кафиллик шартномаси МЧЖ бош директори ўринбосари томонидан имзоланганлигини банк билган ёки олдиндан билиши лозим бўлган. Иш ҳужжатларида эса, ушбу ҳолатни исботловчи далиллар мавжуд эмас.

Шунинг учун даъво талаби асоссиз бўлиб, судлар томонидан кафиллик шартномасини ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақида нотўғри хулосага келинган.

Даъвогарларнинг кафиллик шартномаси МЧЖнинг юз фоиз улушига эга бўлган АЖнинг розилигисиз тузилганлиги тўғрисидаги важи-

ушбу шартномани ҳақиқий эмас, деб топиш учун асос бўла олмайди. Чунки ушбу ҳолатда кафиллик шартномаси АЖнинг розилиги олинганидан кейин тузилиши лозимлиги моддий ҳуқуқ нормаси билан асослантириб берилмаган. Иккинчидан, Олий суднинг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати 4-2301-1903/597-сонли иш бўйича қабул қилинган 2019 йил 5 декабрдаги қарори билан кафиллик шартномаси йирик битим тоифасига кирмаслиги тасдиқланган.

Бундан ташқари судлов ҳайъати судларнинг қарздорга кафиллик шартномаси имзоланганидан кейин кредит ажратилмаганлиги, ажратилган кредитни қайтарилиши таъминоти сифатида қарздорга тегишли мулклар гаровга олинганлиги ҳамда "С." масъулияти чекланган жамияти билан ҳам кафиллик шартномаси тузилганлиги, яъни ушбу таъминотлар қарздорликни қоплаш учун етарли бўлиши, банк томонидан кредит тўлиқ ажратилмаган тақдирда, МЧЖ кафиллик шартномаси бўйича мажбуриятини бажармасликка ҳақли эканлиги тўғрисидаги хулосалари билан ҳам келишмаган. Чунки судларнинг ушбу хулосалари моддий ҳуқуқ нормалари билан асослантириб берилмаган.

Мазкур ҳолатларда судлар томонидан моддий ҳуқуқ нормалари нотўғри қўлланилган.

Қайд этилганларга кўра, судлов ҳайъати кассация шикоятини қаноатлантириш, биринчи ва апелляция инстанциялари судларининг қарорларини бекор қилиш ва даъвони қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилган.

Судьялар олий малака ҳайъатининг судьяларга малака даражалари бериш тўғрисидаги қарори

2022 йилнинг биринчи ярим йили

№	Ф.И.Ш.	Лавозими	Малака даражаси ва берилган сана
1	Эрметова Шоира Ҳасановна	Тошкент вилояти фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судининг судьяси	07.01.2022 йил 5-малака даражаси
2	Каукишев Рашид Муратович	Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судининг судьяси	07.01.2022 йил 5-малака даражаси
3	Маматов Муҳаммади Зикириллоевич	Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтохур туманлараро судининг судьяси	20.01.2022 йил 5-малака даражаси
4	Тўлкинов Сардорбек Нигматилла ўғли	Тошкент шаҳар Тошкент туманлараро иқтисодий судининг судьяси	20.01.2022 йил 5-малака даражаси
5	Содиқов Шухратжон Абдумуминович	Жиззах вилояти жиноят ишлари бўйича Пахтакор туман судининг раиси	20.01.2022 йил 5-малака даражаси
6	Ибрагимов Улуғбек Зокиржанович	Жиззах вилояти жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг судьяси	20.01.2022 йил 5-малака даражаси
7	Акрамов Акмал Акрамович	Тошкент вилояти фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судининг судьяси	20.01.2022 йил 5-малака даражаси
8	Қаюмов Дилшод Бахтиёрлович	Қарши ҳарбий судининг раиси	20.01.2022 йил 5-малака даражаси
9	Куконбоев Хислатжон Мухторович	Наманган вилояти жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг судьяси	20.01.2022 йил 5-малака даражаси
10	Муҳамматкулова Шахноза Арслоновна	Сирдарё вилояти фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё туманлараро судининг судьяси	20.01.2022 йил 5-малака даражаси
11	Каримов Жаҳонгир Тўймуротович	Бухоро вилояти фуқаролик ишлари бўйича Ромитан туманлараро судининг судьяси	04.02.2022 йил 3-малака даражаси
12	Ўралов Алишер Абдукаримович	Бухоро вилояти жиноят ишлари бўйича Ромитан туман судининг раиси	04.02.2022 йил 3-малака даражаси
13	Қодирқулов Тўрабек Абдурувубович	Жиззах вилоят маъмурий судининг судьяси	04.02.2022 йил 2-малака даражаси
14	Норқўзиев Анвар Раҳмонбердиевич	Жиззах вилояти Фаллаорол туманлараро иқтисодий судининг раиси	04.02.2022 йил 5-малака даражасида қолдирилди.
15	Эргашев Бобиржон Обиджонович	Наманган вилояти жиноят ишлари бўйича Норин туман судининг раиси	04.02.2022 йил 3-малака даражаси
16	Жабборов Иброҳим Султонмуратович	Наманган вилояти жиноят ишлари бўйича Чуст туман судининг раиси	04.02.2022 йил 4-малака даражаси
17	Ҳамдамов Улуғбек Собиржанович	Наманган вилояти фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг судьяси	04.02.2022 йил 4-малака даражаси
18	Шаропов Зафар Пўлатович	Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг судьяси	04.02.2022 йил 3-малака даражаси
19	Турсунов Икромжон Абдурашидович	Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Бўка туман судининг раиси	04.02.2022 йил 3-малака даражаси
20	Жўрабеков Беҳзодбек Жўрабек ўғли	Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судининг судьяси	04.02.2022 йил 3-малака даражаси
21	Эсанбаев Баҳром Бахтиёрлович	Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар судининг судьяси	04.02.2022 йил 4-малака даражаси
22	Ҳамраев Шарофиддин Пўлатжонович	Тошкент вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича судьяси	04.02.2022 йил 3-малака даражаси
23	Расулов Ойбек Мелисович	Тошкент вилояти фуқаролик ишлари бўйича Ўртачирчиқ туманлараро судининг судьяси	04.02.2022 йил 5-малака даражасида қолдирилди.

24	Ҳайдаров Шерзод Шухратович	Тошкент вилояти фуқаролик ишлари бўйича Янгийўл туманлараро судининг раиси	04.02.2022 йил 4-малака даражаси
25	Ҳомидов Улфат Сайфуллаевич	Тошкент вилояти Зангиота туманлараро иқтисодий судининг судьяси	04.02.2022 йил 5-малака даражасида қолдирилди.
26	Абдураимов Фаррух Сойибжонович	Фарғона вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судьяси	04.02.2022 йил 2-малака даражаси
27	Дўсматова Маҳсуда Мусурмоновна	Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳар иқтисодий судининг судьяси	04.02.2022 йил 4-малака даражаси
28	Пансатов Камолитдин Узоқович	Самарқанд вилояти жиноят ишлари бўйича Иштихон туман судининг раиси	04.02.2022 йил 5-малака даражасида қолдирилди.
29	Ҳасанов Муроджон Забибуллаевич	Хоразм вилояти жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар судининг раиси	04.02.2022 йил 3-малака даражаси
30	Бобажанов Руслан Машарипович	Хоразм вилояти жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар судининг судьяси	04.02.2022 йил 4-малака даражаси
31	Саидов Ҳикмат Раматжанович	Хоразм вилояти жиноят ишлари бўйича Богот туман судининг раиси	04.02.2022 йил 4-малака даражаси
32	Болтаев Хушнуд Раҳимович	Хоразм вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича судьяси	04.02.2022 йил 2-малака даражаси
33	Юлдашев Фазлиддин Эшқувватович	Самарқанд вилояти Тайлоқ туманлараро иқтисодий судининг судьяси	04.02.2022 йил 5-малака даражаси
34	Эргашев Илҳом Қўлдошевич	Самарқанд вилояти жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг судьяси	04.02.2022 йил 5-малака даражаси
35	Расулов Зафаржон Носиржонович	Сирдарё вилояти жиноят ишлари бўйича Сардоба туман судининг раиси	09.02.2022 йил 5-малака даражаси
36	Фозилов Шохруҳ Муродуллоевич	Тошкент вилояти Нурафшон туманлараро маъмурий судининг судьяси	09.02.2022 йил 5-малака даражаси
37	Раҳимов Сойибжон Абдусаматович	Наманган вилояти Наманган туманлараро маъмурий судининг судьяси	09.02.2022 йил 5-малака даражаси
38	Мўминов Нурали Исроилович	Сурхондарё вилояти фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судининг судьяси	09.02.2022 йил 5-малака даражаси
39	Чориев Дилшод Шавкатович	Бухоро вилояти Бухоро туманлараро иқтисодий судининг судьяси	24.02.2022 йил 4-малака даражаси
40	Тожиев Жўрабек Муҳторович	Бухоро вилояти жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг судьяси	24.02.2022 йил 4-малака даражаси
41	Усмонов Зафар Акрамович	Бухоро вилояти фуқаролик ишлари бўйича Ғиждувон туманлараро судининг раиси	24.02.2022 йил 4-малака даражасида қолдирилди.
42	Тожибоев Эрмамат Эгамбердиевич	Жиззах вилояти фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг судьяси	24.02.2022 йил 4-малака даражаси
43	Эрназаров Мақсуд Маматқулович	Жиззах вилояти жиноят ишлари бўйича Арнасой туман судининг раиси	24.02.2022 йил 4-малака даражаси
44	Акрамов Акрам Равшанович	Наманган вилояти фуқаролик ишлари бўйича Учкурган туманлараро судининг судьяси	24.02.2022 йил 4-малака даражаси
45	Нишонова Умида Мирзаумаровна	Наманган вилоят маъмурий судининг судьяси	24.02.2022 йил 4-малака даражаси
46	Исмаилов Шухратжан Саидахмадович	Сирдарё вилояти жиноят ишлари бўйича Боёвут туман судининг раиси	24.02.2022 йил 4-малака даражаси
47	Хуррамов Ўктам Хуррамович	Сирдарё вилояти фуқаролик ишлари бўйича Боёвут туманлараро судининг судьяси	24.02.2022 йил 4-малака даражаси
48	Миршаев Хуршид Олимович	Сирдарё вилояти фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судининг судьяси	24.02.2022 йил 4-малака даражаси
49	Йўлдошев Ўткир Ҳусанович	Сирдарё вилояти Боёвут туманлараро иқтисодий судининг раиси	24.02.2022 йил 4-малака даражасида қолдирилди.
50	Иззатов Дилшод Турсунбоевич	Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судьяси	24.02.2022 йил 3-малака даражаси

51	Камолов Хайруллохон Жўраҳон ўгли	Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Бекобод туман судининг раиси	24.02.2022 йил 3-малака даражаси
52	Раҳимжонов Раҳмонберди Камбаридинович	Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Чиноз туман судининг судьяси	24.02.2022 йил 4-малака даражаси
53	Холжигитов Шерзод Мирзалиевич	Тошкент вилояти фуқаролик ишлари бўйича Ўртачирчиқ туманлараро судининг судьяси	24.02.2022 йил 4-малака даражаси
54	Турдибеков Азизбек Турдибекович	Тошкент вилояти фуқаролик ишлари бўйича Ўртачирчиқ туманлараро судининг судьяси	24.02.2022 йил 4-малака даражаси
55	Мўминова Феруза Исмаиловна	Тошкент вилояти фуқаролик ишлари бўйича Оҳангарон туманлараро судининг судьяси	24.02.2022 йил 4-малака даражаси
56	Аблаҳатов Баҳром Дўсбекович	Тошкент вилоят маъмурий судининг судьяси	24.02.2022 йил 3-малака даражаси
57	Суяров Жасур Мансурович	Тошкент вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судьяси	24.02.2022 йил 2-малака даражаси
58	Сабилов Эркинжон Қучқорбоевич	Андижон вилояти фуқаролик ишлари бўйича Асака туманлараро судининг раиси	10.03.2022 йил 4-малака даражаси
59	Рустамов Сардорбек Ахматжонович	Андижон вилояти Андижон туманлараро иқтисодий судининг раиси	10.03.2022 йил 3-малака даражаси
60	Тўраев Бекзод Бахшуллаевич	Тошкент вилояти Оҳангарон туманлараро иқтисодий судининг раиси	10.03.2022 йил 3-малака даражаси
61	Сейтназаров Адилбек Джолдасович	Сирдарё вилояти фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судининг судьяси	10.03.2022 йил 5-малака даражаси
62	Дарвишалиев Файратали Уматалиевич	Андижон вилояти фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг судьяси	10.03.2022 йил 5-малака даражаси
63	Тўраева Насиба Даминовна	Навоий вилояти фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судининг судьяси	10.03.2022 йил 5-малака даражаси
64	Байназарова Гулмира Жумамуратовна	Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманлараро маъмурий судининг судьяси	10.03.2022 йил 5-малака даражаси
65	Қодиров Ойбек Азамович	Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси	18.03.2022 йил 2-малака даражаси
66	Расулов Жаҳонгир Акрамович	Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси	18.03.2022 йил 2-малака даражаси
67	Мирзаҳакимов Шерзод Турдалиевич	Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси	18.03.2022 йил 2-малака даражаси
68	Тарихов Камал Максетбаевич	Қорақалпоғистон Республикаси суди раисининг ўринбосари — фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси	18.03.2022 йил 1-малака даражаси
69	Джумаев Ўткиржон Буранович	Жиззах вилоят судининг раиси	18.03.2022 йил 1-малака даражаси
70	Аллабаев Зафар Зиякулович	Самарқанд вилоят суди раисининг ўринбосари — фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси	18.03.2022 йил 1-малака даражаси
71	Раҳимов Акмал Хашимович	Сирдарё вилоят суди раисининг ўринбосари — иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати раиси	18.03.2022 йил 1-малака даражаси
72	Ҳомидов Жамшид Шуҳратиллоевич	Сурхондарё вилоят суди раисининг ўринбосари — иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати раиси	18.03.2022 йил 2-малака даражаси
73	Маткаримов Атабек Напасович	Хоразм вилоят суди раисининг ўринбосари — фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси	18.03.2022 йил 1-малака даражаси
74	Нурлипесов Амир Отепович	Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судининг раиси	18.03.2022 йил 1-малака даражаси
75	Файзиев Тохир Тўхтаевич	Самарқанд вилоят маъмурий судининг раиси	18.03.2022 йил 2-малака даражаси
76	Фуломов Раҳматулла Пармонқулович	Сурхондарё вилоят маъмурий судининг раиси	18.03.2022 йил 1-малака даражаси